

373
P 86 *Мухаммад Куронов*

**ЭЗГУ
ФОЯЛАР
РЎЁБИ**



МУҲАММАД ҚУРОНОВ

ЭЗГУ ҒОЯЛАР РЎЎБИ

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti

371235

Axborot Resurs Markazi

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2011

УДК: 323(575.1)

ББК 66.3(5У)

К 82

Қадимдан қолган қоида бор: «Таянч нуқтаси топилса, Ерни кўтариш мумкин» деган. Асрлар давомида эзилган миллатнинг, халқнинг руҳини кўтариш, гурурини тиклаш, ёруғ келажак сари сафарбар этиш Ерни кўтаришдан осон эмаслиги ҳам бор гап. Бунда айна халқнинг, шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган илҳомбахш ғоялар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган, мустақил Ўзбекистоннинг қайта қад ростлаши, унинг озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон жамиятга айланишида таянч нуқтаси вазифасини бажарган буюк ғоялар рўёби маънавиятшунос олим Муҳаммад Қуронови ушбу китобида кенг ёритиб берилган.

Ҳаётий факт ва далилларга бой, бир-бирини бойитувчи, қизиқарли услуби билан ажралиб турувчи мақолаларни ўзида мужассам этган мазкур қўлланма ижтимоий-сиёсий фанлар ўқитувчилари, маънавият ва маърифат соҳаси мутахассислари, маҳалла маслаҳатчилари, умуман, Ватан тақдирини ўз тақдири деб билувчи бошқа юртдошларимизни ҳам бефарқ қолдирмайди, деб ишонамиз.

Тақризчи

Қиёмиддин Назаров, *фалсафа фанлари доктори, профессор*

Масъул муҳаррир

Раҳмон Қўчқоров

Қуронови, Муҳаммад.

К 82

Эзгу ғоялар рўёби [Техт]/М. Қуронови; муҳаррир Р. Қўчқоров; тақризчи Қ. Назаров;

Республика маънавият ва маърифат Кенгаши, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. — Тошкент: «Маънавият», 2011. — 160 б.

ББК 66.3(5У)

Қ 4702620204-44
М25(04)-11

ISBN 978-9943-04-169-1

© «Маънавият», 2011

МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, МАЪНАВИЙ ТИКЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ НЕГИЗЛАРИ АСОСЛАБ БЕРИЛГАН АСАР

Буюк йўлбошчиларнинг қўли доим халқи юрагининг «пульси»да турган. Чунки ҳамма ўзини, раҳбарлар ҳаммани ўйлаган. «Пульс» тезлашса, миллат дардларига тезда дармон излашган. Шу боис улар айтган, ёзган фикрлар кечанинг тарихи, бугуннинг таҳлили, эртанинг дастури бўлиб келган.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби Йўлбошчимизнинг самимий сўзлари, кечинмалари, халқимиз учун фидо қилган ҳаёти саҳифаларидан иборат, десак бўлади. Китобнинг мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида нашр этилгани жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Чунки у китобхонга бугунги шарафли кунлар тарихини айтиб беради.

Китобни ўқиган киши хаёлан 1989 йилга кўчади. Россиядаги танклар моторлари овозини эшитгандек, Фарғона, Бўқада бузғунчилар ёққан миллатлараро можаролар алангасининг аччиқ тутунини ютгандек бўлади. Жаҳолат империяси — Марказ ўкирикларидан сесканади, йиғлаётган оналар, гўдакларнинг кўз ёшларини кўради. Миллий боғимиздаги Алишер Навоий ҳайкалининг очилишида Юртбошимизга қўшилиб аҳду паймон қилгандай бўлади. Бу китоб «Биз ким эдик?» деган саволга берилган илмий-ҳужжатли жавоб. Шунинг учун ундаги ҳақиқат, тарихий хотира ёшларимиз қалбига сингдирилиши керак. Зеро, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

Ўша йиллардаги воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган, уларга гувоҳ бўлган одамларнинг сафи бугунги кунда тобора камайиб бораётир. Айни вақтда униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг бу тарихдан етарли даражада хабардор эмаслигини инобатга оладиган бўлсак, ушбу китоб ўша суронли йилларнинг энг ишончли ҳужжатидир. Ўзида сиёсий-иқтисодий,

ғоявий-мафкуравий, тарихий-маънавий тафаккур ва таҳлил усулларини ўзаро уйғунликда мужассам этган бу кенг қамровли асар халқимиз ҳаётининг вақт ўтиши билан унутилиб, йўқолиб кетиши мумкин бўлган саҳифаларини тиклаб, истиқлол тарихимизни ҳаққоний яратиш, бугунги ва келгуси авлодларнинг уни ҳар томонлама ўрганиб, англаб етиши учун мустаҳкам замин яратади.

Инсон — унутгувчидир, ҳаёт эса жўшқин. Юртбошимизнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», деб кўтарган шиори шарофати билан ўтмишимизнинг қанчалик теран, бой ва ибратли эканини билиб олдик. Бироқ 1989 йилнинг ёзидан бошланиб, миллатимизни 1991 йилнинг 31 августига — МУСТАҚИЛЛИККА олиб келган изтиробли, суронли кунлар тафсилоти, руҳияти яхлит битилмаган эди. Бугун мана шу ноёб илмий, методологик манба қўлимизда. Китобни ўқиган ҳар биримиз 20 йил олдинги кунларимизда «яшадик». Агар шу китоб бўлмаса, кўпчилигимиз миллий ва шахсий тарихимизнинг 1989, 1990, 1991 йилларида ўтган, буюк воқеалар арафасидаги кунларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий-мафкуравий «пульс»ини, тафсилотларини унутиб юборар эдик.

Инграётган миллат: ташхис — мустамлакалик

Китоб тафаккуримизни жиддий ўзгартирди. У мустақиллик учун курашнинг 1989 йилидан сўзлайди. Бу кураш ҳали 1990, 1991 йиллар олдинда эканида бошланганини кўрсатади. Ўқувчи ўша шароитда мустақиллик ғоясини кўтарган қудрат, иродани, сиёсий маҳорат ва шахсий жасорат билан халқимиз қандай озод қилинганини англайди. Ўзини ўша кун, ўша соат ва жойларда ҳис қилади. Яқин ўтмишдаги сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, маънавий тангликни идрок этади. Бир учкун бўлса, нафақат Ўзбекистон, Марказий Осиё, балки собиқ иттифоқни қамраб оладиган ёнғиннинг олди қандай олинганини билиб, шукроналар айтади.

Китоб совет давлати сўнгги йилларидаги Ўзбекистоннинг аҳволи зоридан сўзлайди. Яъни:

- 1700 та авария ҳолатидаги мактаблардан;
- отасининг жанозасида қатнашгани учун қатағон қилинган фарзандлар тилидан;

- томорқасиз ҳамқишлоқлардан;
 - жиноятчилар давр сурган кўчалардан;
 - тақдиримизни Богуславский, Бабенколар ҳал қилган кунлардан;
 - халқимиз «иккинчи сорт» одамлари саналган хўрликлардан;
 - маънавий илдизларимиз қирқилган йиллардан;
 - болаларимизнинг хорижда ўқиши 70 йил ухлаб тушимизга кирмаган паллалардан;
 - бигиз бармоқлар ўзбекларни «порахўр», «ўғри», «зўравон», «миллатчи» деб кўрсатган кунлардан;
 - халқимизнинг 50 фоиздан ортиғи ҳаётини ичимлик сувсиз, 83 фоизи табиий газсиз ўтказган даврлардан;
 - Гдлян-Ивановлардан безиб, мижжа қоқмай ўтган тунлардан;
 - маҳаллий миллат вакиллари «лаёқатсиз» деб, муҳандис-техник ходимликка олинмаган даврлардан;
 - Тошкент метроси бошқа миллатнинг тилида «сўзлаган» йиллардан;
 - бузғунчилар ёққан миллатлараро можаролар алангасидан;
 - уйимизнинг томигача пахта босиб олган кунлардан;
 - Тошкент экологик хавфли шаҳарга айланган йиллардан;
 - соҳибқирон Амир Темур, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Марғиноний, Ат-Термизий, Насафий, Шошийю Фарғонийлари унуттирилган йиллардан;
 - мулкдор бўлишни ўйлашнинг ўзи қора терга туширган замонлардан;
 - ҳамқишлоқ ўзбеклар мажлисда бошқа тилда сўзлаган кунлардан;
 - кўчаларда ўзбекнинг «Эпика», «Нексия», «Спарк»лари эмас, «Запорожец», «Москвич», «Жигули» кезган вақтлардан;
 - осмонимизда оламга машҳур «А 320», «Боинг»лар эмас, «ТУ», «АН», «ЯК»лар учган йиллардан;
 - оналар ўлими 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими эса 3 баравар ортган мотамсаро туғуруқхоналардан сўзлайди...
- Сиз фарзандингизнинг мана шундай ватанда яшаши-ни истармидингиз?

1989 йил 19 август. Миллий ғоя концепцияси керак

Китобни ўқиган киши унда миллий ғоямизнинг илк куртакларини кўради. Зеро, миллий маънавият, ўзликни тиклаш масаласи Президентимизнинг давлат раҳбари сифатидаги биринчи иш кунларидан устуворлик касб этди.

Мана, миллий ғоямизнинг илк куртаклари:

«Ҳеч қачон бўшлиқ бўлмайди. Биз бормаган жойга бошқалар боради» (1989 йил 19 август).

«Улуғ ўзбек халқининг қаддини кўтарамиз. Фурурини тиклаб, мақсадга эришамиз».

«Мафқуравий фаолият концепциямиз йўқ...»

«Оммавий маданият» муаммоларига алоҳида эътибор бериш лозим. Халқни маънавий айниш, кўпол пасткашликдан ҳимоя қилиш керак».

«Инсон — бизнинг энг катта бойлигимиз» (1991 йил 27 март).

Китобдан жой олган **«Демократия — қонунга ва шахсга ҳурмат демакдир»**, деб номланган интервьюда «жамият дучор бўлган маънавий бўҳронни бартараф этиш, халқнинг кайфиятини, ватанпарварлик руҳини кўтариш, унинг ўз кучига бўлган ишончини оширишда ёрдам бериш зарур»-лиги; бусиз «барча режалар барбод бўлиши», «маънавий қоидалар тўплами» кераклиги каби иборалар ишлатилган.

Китоб Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлиқ ва Динлараро бағрикенглик ғояларининг ҳам мустақиллик арафасида куртак ота бошлаганини кўрсатади. Чунки тинчлик учун кураш, Ватан қаддини тиклаш, мискин халқни қашшоқликдан қутқозиш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни тарбиялаб етиштириш, ички ва ташқи ҳамкорликни йўлга қўйиш, миллатлараро низоларга чек қўйиш, виждон эркинлигини ишончли таъминлаш керак эди.

Гуманитар фанлар — илғор маррага!

Китобдаги ижтимоий-гуманитар фанлар хусусида билдирилган фикрлар бугун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Унда ҳар бир ижтимоий-гуманитар фан олими учун унинг халқ ва Ватан олдидаги зиёлилик бурчи ниҳоятда аниқ, самимий ифодалаб берилган.

«Гуманитар фанларни илғор марраларга олиб чиқиш

ҳам жуда муҳим йўналишлардандир....» — дейилади китобнинг 88-бетида.

«Юз бераётган жараёнларни чуқур, муқобил негизда таҳлил этишда, принципиал масалалар юзасидан ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва уни ҳар томонлама асослаб беришда бизга ижтимоий фанлар ёрдам бермаса, ким ёрдам беради?

Ҳозир ҳар бир олим, айниқса, жамиятшунос олим ўз илмий фаолиятини республика муаммоларига, ўз халқи ва бутун мамлакатимиз тақдирига мувофиқлаштириши лозим. Равшанки, бундай интилиш жамиятшунос олимлар илмий ва ижтимоий фаолиятининг бирлиги характерини, уларнинг республика ижтимоий ҳаётидаги амалий иштирокини белгилаб бериши керак...»¹

Дарҳақиқат, давлатлар тарихининг бурилиш паллаларида ижтимоий-гуманитар фанлар олимларидан алоҳида фаоллик, ҳозиржавоблик, юксак салоҳият ва масъулият талаб қилинган. Қолаверса, бу фикрлар айтилган даврда, биринчидан, миллат тафаккурини собиқ коммунистик тафаккур асоратларидан ҳимоя қилиш ўта муҳим эди. Иккинчидан, ижтимоий-гуманитар фанлар жамият, ижтимоий соҳада кечаётган жараёнларни нафақат шарҳлаши, балки такомиллаштириб, жамият тараққиётига хизмат қилиши зарур эди. Бошқача айтганда, ижтимоий-гуманитар фанлар тараққиёт учун хизмат қилиши, «ишлаши», олинган ҳар бир илмий натижа ишлатилиши, фойдаланилиши, ҳам моддий, ҳам маънавий фойда келтириши талаб қилинарди.

Бу — прагматизм, бозор иқтисодиёти талаби, тараққиётнинг интеллектуал энергиясидир. Мухтасар қилиб айтсак, илмий асосга қурилган фаолият иш самарадорлигини 100 фоизга яқин кафолатлаши мумкин.

1990 йил 20 январь. Баркамол авлод орзуси

Китоб бугунги, ҳаммамизга одатий бўлиб қолган фаровонликка эришиш, оламни маҳлиё айлайдиган Ватан барпо этиш ғоялари қандай қийин, қалтис шароитларда яратилганидан ҳикоя қилади. Юзлаб чемпион, илмда, санъат-

¹ И. Каримов. Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқ. 1989 йил 28 ноябрь./ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., «Ўзбекистон», 2011, 88–89-б.

да, ижодда ғолиб ёшларимиз осмондан тушмагани, улар изтиробли дамларнинг, курашларнинг, ўша йилларда кўтарилган баркамол авлод ғоясининг рўёби эканини кўрамыз.

Маълумки, миллатни юксалтиришнинг энг синалган йўли — ёш авлод тарбиясини кучайтириш. Демак, миллатнинг келажагини қуритиш учун бунинг тескарисини қилиш керак. Мустамлакачилар мана шу иккинчи йўлни тутишган. Китобда советларнинг халқимиз келажагини ҳам кишанлашга қаратилган ниятларининг теран сиёсий-иқтисодий таҳлили бор.

Муаллиф аввало раҳбар кадр, амалдорларни, қолаверса, халқимизни ғафлатдан уйғотади. Масалан, эртанги кунимиз эгалари — ёшлар таълим-тарбиясини ташкил қилишда «қолдиқ» принципи айниқса зарарли эканини таъкидламоқчиман. Чунки бу принцип ҳар бир халқ учун энг қиммат нарсага — келажакка болга уради», — дейди муаллиф китобнинг 115-бетида. Мустақилликка эришганимиздан кейин ижтимоий соҳа, хусусан, ёшларнинг таълим-тарбиясига давлат бюджетининг ярмидан кўпи мунтазам тарзда ажратилмоқда. Бу — 1990 йилнинг 20 январида Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида айтилган ғоянинг тўлиқ ғалабаси эмасми?

1990 йил 24 февраль. Соҳибқирон «уйғонган» лаҳза

1990 йилнинг 24 феввали. Тошкентда СССР, Ўзбекистон ССР, маҳаллий советларнинг халқ депутатлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида кенгаш бошланган. Президент Ислом Каримов сўзининг бошида бир ибратли ривоятни келтиради: «Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабилаларига бориб етибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қайсар ва жангарни, озод ва самимий бу қабила бошлиғи чорасизлик туфайли, Темурга қуролиларини топширар экан, қуйидаги гапларни айтибди: «Эй, Амир! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, бизни сўйиб ташла, агар сен савдогар бўлсанг, сотиб юбор, агар сен подшо бўлиб келган бўлсанг — бизга бахт ато эт!» (127-б.)

Энди тасаввур қилинг. Аламзада шўролар қилич яланғочлаган аёзли кунда, Ўзбекистон ССР халқ депутатлари

советларига сайловдан 6 кун ўтганда олий минбардан туриб айтилган бу ривоят. Ўша кезларда Амир Темур шахси буткул қораланар, ул зотнинг авлодлари — бизлар Соҳибқирондан бегоналаштирилган эдик. Ана шундай кескин мафкуравий вазиятда Ислом Каримов ҳар бир халқ вакилини буюк бобомиздай халқнинг посбони, раҳбари, сирдоши бўлишга чақиради. Дарҳақиқат, ўшанда Президентимиз Соҳибқирон Амир Темур шахсини бежиз эслатмаган. Яъни бу билан Соҳибқироннинг «Миллат дардларига дармон бўлиш вазифангиздир» деган ўғитларига ишора қилган, ҳаммани шунга даъват этган.

Зеро, ўша кезде халқимизнинг дарди кўп, дармони йўқ эди. Халқни бахтли қилиш учун аввало бахтсизликни тўхтатиш керак эди. Бахтсизлик шўролар уюштирган миллатлараро можароларда, бир халқ фарзандларининг орасига тушган шубҳа-гумонларда, одамлардаги тошбағирликда, асоссиз айбловларда, «яшаш қийин эмас, даҳшатли бўлиб қолгани»да, жиноятчиларнинг ялло қилиб юришида, популистик митингбозликларда, халқнинг ночорлигида, магазин пештахталарида арқон ва совундан бошқа нарса йўқлигида бўй кўрсатиб турарди. Вазият шунгача етган эдики, айрим амалдорлар «ҳар бир уй ва квартира олдига бир қуроли аскар қўйиш керак», деган «доно таклифлар» ҳам киритишар эди.

Буларнинг барчасига сабаб — давлат ҳокимиятининг нотавон, фалаж бўлиб қолгани эди. Орадан уч йил ўтди. Ана шундай аянчли давлат «кучли давлат»га, «бош ислоҳотчи» даражасига кўтарила бошлади.

Дин

1991 йил 14 июнда, ҳали совет мафкураси ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда Ўзбекистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганини эсга олиш жоиз. Шу биргина мисолнинг ўзиёқ динга муносабат масаласи Президентимиз фаолиятида аввалбошданок муҳим ва долзарб аҳамият касб этгани, бу масалага мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йўлини белгилаш, янги жамиятнинг маънавий-маърифий пойдеворини мустаҳкам асосда қуришнинг муҳим соҳаси сифатида қаралганидан далолат беради.

Мамлакатимизда маънавий-диний қадриятларни тик-

лаш жараёни истиқлол арафасида республикаимиз раҳбари сифатида иш бошлаган Ислон Каримовнинг ижтимоий-сиёсий соҳадаги дадил ва шижоатли ислохотлари билан чамбарчас боғлиқ экани барчамизга маълум. Шу даврда қадимий Наврӯз байрами, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари қайта тиклангани, муқаддас ҳаж зиёрати учун йўллар очилгани, тилимиз ва динимизга, миллий қадриятларимизга муносабат тубдан ўзгаргани истиқлол тарихимиздаги ёрқин саҳифаларни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида муқаддас динимизнинг бош китоби бўлмиш Қуръони карим икки марта ўзбек тилига таржима қилиниб, миллионлаб нусхаларда чоп этилганини жамоатчилигимиз яхши билади. Муқаддас сураларнинг маъно таржималари бутунги кунда ўзбек тилида юртдошларимиз қалбига кириб бориб, уларнинг маънавий хазинасига айланди. Лекин Қуръони каримнинг дастлабки таржимаси собиқ совет мафкураси тўла ҳукмрон бўлиб турган ўта оғир ва мураккаб шароитда қандай улкан жасорат билан амалга оширилганини фақат зиёли қатлам вакиллари билиши мумкин. Кўпчилик эса бундан хабардор эмаслиги тайин.

Бу борадаги ҳақиқат шундан иборатки, 1990 йилнинг март ойида Қуръони каримнинг дастлабки суралари «Шарқ юлдузи» журналининг 3-сонида босилиб чиқади. Журналнинг тахминан 170 минг нусхаси тезда бутун юртимиз бўйлаб тарқалганидан атеистик мафкуранинг ашаддий тарафдорлари ваҳимага тушиб қолади. Улар, қандай қилиб бўлмасин, бу ишни тўхтатиш ва журналнинг кейинги сонларида китоб таржимасининг давомини чоп этишга йўл қўймаслик чораларини излайди, матбуотда Қуръони карим таржимасининг «зарарли оқибатлари» ҳақидаги мақолалар эълон қилинади. Ҳатто, журнал жамоасига «коммунистик партия сиёсатини тарғиб қилиши керак бўлган шундай нуфузли нашр динни тарғиб қилиб ўтирса, бу нима деган гап?!» қабалидаги сиёсий айблар қўйила бошлайди. Ана шундай сиёсий кампания туфайли баъзи таниқли олимлар, ҳатто, академиклар ҳам таржиманинг журналда босилишига қарши чиқиб, жамоатчилик фикрини чалғитишга уринганди.

Кундан-кун кучайиб, тобора авж олиб бораётган бу

кескин тортишувга Ислом Каримов нуқта қўяди. У киши муқаддас китобни нашр этиш борасидаги ишлар, ушбу масала атрофида бўлаётган баҳс-тортишувлар билан атрофлича танишиб, ўзининг қатъий хулосасини баён қилади, бу хайрли ишни ҳеч тўхтатмасдан, Куръони карим таржимасини «Шарқ юлдузи»да чоп этишни давом эттириш зарурлиги тўғрисида топшириқ беради. Шу тариқа Юртбошимизнинг бевосита қўллаб-қувватлаши билан муқаддас китоб ўзбек тилида чоп этилади.

Албатта, ўта қалтис ва мураккаб бир вазиятда амалга оширилган бундай ишлар бугунги кунда буюк жасорат нумунаси сифатида баҳоланади ва қабул қилинади. Лекин тажовузкор совет мафкураси ҳукмрон бўлиб турган ўша пайтларда бундай ишларга фақат салбий баҳо берилар эди. Мавжуд хавф-хатарнинг шу қадар жиддий ва катталигига қарамай, Ислом Каримов Ватанимиз мустақиллиги йўлида шундай буюк ишларни амалга оширишни халқ ва миллат учун жуда зарур, деб билади.

1991 йилнинг 4 сентябрида, яъни Ўзбекистонимиз мустақил деб эълон қилинганининг тўртинчи кунда, азим пойтахтимиз узра тун ўз пардасини ёйиб, ҳамма учун дам олиш соатлари бошланган бир пайтда Президентимиз Алишер Навоий ҳазратларининг 550 йиллик юбилейига тайёргарлик ишлари қандай бораётгани билан танишиш мақсадида буюк мутафаккир бобомиз номидаги Миллий боғ томон йўл олади. Бу ерда улуг аждодимизга ўрнатилаётган ҳайкални, боғда амалга оширилаётган қурилиш-ободончилик ишларини диққат билан кўздан кечиради. Мутасадди ва меъморлар, муҳандис ва қурувчилар билан яқиндан суҳбатлашади, бу боғнинг халқимиз ҳаётидаги аҳамияти, келгусида унинг сўлим зиёратгоҳ бўлиб қолажаги ва қурилиш ишлари юбилей кунигача тўла бажарилиши зарурлигини таъкидлаб, тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар беради. Шу муносабат билан иш режалари ва ҳайкалнинг очилиш куни қатъий қилиб белгиланади, боғнинг тўққиз ерига тўққизта дошқозон ўрнатилиб, элга наҳор оши тортиладиган бўлади. Суҳбат охирида шундай таклиф тушади:

— Наҳор оши тортишдан олдин бир Қуръон тиловати қилиб юборилса ...

Бу таклифдан даврадагиларнинг кўпчилиги бошидан

совуқ сув қуйгандек сесканиб, чўчиб тушади, ногаҳон орқага тисарилганлар ҳам бўлади. Орага бир зум сукут чўмади. Ҳамма Президентнинг жавобини кутади.

— Мумкин, — дейди Юртбоши вазминлик билан. Кейин қатъий қилиб қўшиб қўяди: — Албатта, шундай қилиш керак. Халқимизда арвоҳ хоотири деган азалий удум бор. Бу удумимизни қайта тиклаш ва жорий қилиш вақти етди. Миллий турмуш тарзимиз шуни тақозо этади. Алишер Навоийнинг наҳор ошига Тошкентнинг энг кучли қориларидан таклиф қилинглари... Нимадан, кимдан чўчийсизлар, биродарлар! Энди мустақилмиз. Орқага қайтиш йўқ.

Даврадаги республика ва пойтахт ташкилотлари раҳбарларининг кўпчилиги Президентдан бундай жавобни кутмаган, шу сабабли баъзилар ажабланар, айримлар ҳозиргина эшитган сўзларига ишоналмас эди. Чунки улар кўп йиллик амалдорлик фаолияти давомида республиканинг биринчи даражали раҳбарларидан — у Рашидов ёки Нишоннов бўладими, Камолов ёки Усмонхўжаев бўладими, Юсупов ёхуд Охунбобоев бўладими — уларнинг ҳеч биридан бундай сўзни эшитмаган, шундай тавсия бўлади, деб, ҳатто, тушларига кирмаган эди.

Ёки юртимиздаги улуғ зиёратгоҳ Имом Бухорий ёдгорлик мажмуасини олиб қарайдиган бўлсак, бу ер қандай аҳволда эди? Фақат айрим диний соҳа вакилларини ҳисобга олмаганда, Хартанг қишлоғининг номини ҳам, бу ерда қандай муборак зот ором топганини ҳам кўпчилик билмас эди. Ер юзининг сайқали бўлмиш азим Самарқанддан атиги ўттиз чақирим узоқликда жойлашганига қарамай, неча замонлар эътибордан четда қолган бу маскан фақат истиқлол шарофати билан мисли кўрилмаган даражада обод бўлди.

Бу маскандаги гўзал ва файзли манзарани кўриб, бугунги кунда Хартанг қишлоғини қишлоқ дейишга ҳам тил бормади. Бу зиёратгоҳ бутун мусулмон оламининг эътиборидаги ҳар томонлама қутлуғ бир масканга айланди.

Имом Бухорийнинг улуғ нуфузи ва мислсиз мақомига бағоят муносиб бўлган ушбу меъморий мўъжиза, обод шаҳарча, бу ердаги боғ ва хиёбонлар, фавворалар, турар жой бинолари — барча-барчаси Президентимизнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси билан барпо этилганидан ҳаммамиз ҳам бирдек хабардормизми?

Миллий ўзлик .

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобидаги яна бир муҳим тарихий жиҳатга алоҳида тўхталмоқ жоиз.

Маълумки, СССРнинг ҳар бир қишлоқ, шаҳар, районида ўтадиган катта-кичик мажлислар фақат рус тилида олиб бориларди. Бу одат турмушни ҳам эгаллаб олган эди. Автобусга чиққанда ҳам, нонга навбатда туриш учун ҳам бир ўзбек бошқа ўзбекларга ўзга халқ тилида гапириши керак эди.

Автобус, метро, трамвайларнинг «тили» тўлиқ русча эди. Ана шундай бир вазиятда давлат Раҳбарининг мажлис ва йиғилишларда жозибали, содда ва равон ўзбек тилида сўзлашининг ўзи халқимизнинг эзилган руҳини кўтариб, қалбида келажакка ишонч куртакларини ундира борди.

Она тилимизга ана шундай юксак эътибор туфайли 1989 йилнинг 21 октябрь куни қизгин баҳс ва тортишувлардан сўнг сиёсий-маънавий ҳаётимиздаги унутилмас ҳодиса рўй берди — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Бу воқеа халқимизнинг миллий ўзлигини тиклаш йўлидаги энг муҳим ва илк қадам бўлди.

Кейин галдаги вазифа — халқимизга ўзлигини кўрсатишнинг энг мақбул, ҳаётий воситаларини тиклашга киришилди. Ўзбекликнинг азалий манбалари — халқ анъаналари, урф-одатлари, маросимлари «оқлана» бошланди. Маънавий илдизларга ҳаёт нафаси етди, миллий тикланиш бошланди. Бунга Ислом Каримовнинг: **«Биз тарихий халқ анъаналари, урф-одатлари ва маросимлари асосида одамлар онгини шакллантириш омилларини кучайтиришимиз зарур. Яширишга ҳожат йўқ, биз шубҳали шиорларга берилиб, маънавий маданиятимизни озиклантириб турган илдизларни қирқиб ташлашга ўнлаб йилларни сарфладик. Ҳозир бунинг оқибатларини сезиб турибмиз»¹**, дея бу ишни сиёсатнинг устувор йўналиши этиб белгилагани, муаммолар ечимини изчил амалга оширгани бош омил бўлди.

¹ Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқ. 1989 йил 28 ноябрь./ Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., «Ўзбекистон», 2011, 90-б.

Дарҳақиқат, шўролардан қолган маънавий жароҳат узоқ вақт ўзини билдириб келди. Шўролар ота-боболаримиз айтиб, ўргатиб келган асрий маънавий тушунчалар ўрнига ўз тушунчаларини сингдиришди. Улар орқали фикримизни, хулқимизни, тақдиримизни бошқаришди. Ҳолбуки, она тилимизда «тавозе», «ҳаё», «ибо», «инсоф», «виждон», «иймон» ва бошқа сўзларнинг фаол қўлланилгани миллий маънавиятимизнинг қанчалар юксаклигидан далолат эди. Лекин шўро даврида бу миллий фазилатлар «қолоқлик», «маданиятсизлик кўрсаткичи», «эскилик сарқити» дея камситилди. Бу ҳам камлик қилгандек, мазкур тушунчалар кейинги авлодларга ўтмаслиги учун мактаб дарсликларидан сиқиб чиқарилди. Мақсад — ота-боболарнинг миллий-маънавий фазилатлари болаларига бошқа тилдаги сўздек тушунарсиз, бегона бўлишига эришиш эди.

Афсуски, шўролар бу борада муайян натижаларга эришди ҳам. Мисол учун ҳурматли ёзувчимиз Иброҳим Раҳимнинг шўро давридаги кузатувларидан бир парча келтирамиз: *«Кўпгина ёшларимиз «инсоф» нималигини билиш у ёқда турсин, бу сўзнинг ўзини ҳам эшитмагандек, тушунмайдилар.*

Эски ҳовлимизнинг рўпарасидаги ўрта мактабнинг тўполончи ўқувчиси ўзидан кичик болани дўппослаганида қўлидан ушлаб, «Инсофнинг борми, ўзингдан кичик болани урасанми?» десам, «Инсоф» деганингиз нима?» деб анқайиб қолди. Шундан кейин бошқа бир неча боладан ҳам сўрадим. «Унақа дарс ўтганимиз йўқ», деб жавоб қилдилар. Шу воқеадан кейин мактабларда «Инсоф дарси»ни ўтиш керак, шекилли, деган хулосага келдим.

Инсофли бўлиш ҳақида на уйда, на мактабда ва на атрофдагилардан таълим олган айрим ёшлар инсофсизлик қилиб қўйганини ўзлари англамаяптилар, англасалар ҳам унинг хунук оқибати — гуноҳи тўғрисида мутлақо ўйламаяптилар...» (Иброҳим Раҳим. Ҳаёт чорраҳаларида. Т., «Ўзбекистон», 1991, 110-б.)

Ҳа, аввалига пролетар, кейин коммунистик номиллийлаштириш сиёсати МДХнинг барча халқларига маънавий жароҳат етказди. Бу жароҳат ҳали ҳам ўзини эсла-тиб туради.

Сотқинлик

Китобни ўқиган киши Президентимизнинг «Орамиздан сотқин чикмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди», деган хулосасининг аччиқ сабабларини ҳам билиб олади. Бу аччиқ тажриба бугун ҳам, эртага ҳам огоҳ бўлишимизни талаб қилади. У ҳақда китобнинг 218–219-саҳифалари шундай сўзлайди: «Баъзилар борки, мавжуд қийинчиликлардан, етишмовчилик ва кулфатлардан сафсатабозлик, сиёсий чайқовчилик, ёвузларча хурсанд бўлиш, ўз ғаразли манфаатларини қондириб олиш учун баҳона сифатида фойдаланмоқчи бўладилар. Бундай кучлар аҳвол қанчалик ёмонлашса, шунча яхши, деб ҳисоблайди.

Ўтмишда анча юқори лавозимларни эгаллаб турган кимсалар ҳам уларга кўшилиб кетмоқда... Мазкур кучлар миллатлараро муаммолардан фойдаланиб қолишга алоҳида умид боғламоқда».

Энди бир саволга жавоб излайлик: айтинг-чи, халқи қийналиб инграётганида ёвузларча қувонган кимсаларни ким дейишади? Топдингиз: «сотқин», дейдилар. Улар қарғалади, оқ қилинади. Ана шундай сотқинлар билан курашиб, халқининг дардига дармон бўлган фарзандни-чи? Миллат «халоскорим», демайдами? Шунинг учун бу китобни сотқинлик ва садоқат ғояларининг курашида кечган йиллар тарихи, дейиш ҳам мумкин.

Қарангки, бизни ҳақиқатан ҳам қаттиқ синовлар кутаётган, олдинда кўп ганимлар ҳамлага куч йиғиб турган экан. Биз улар билан курашга тайёр келдик. Бизни бу кураш ва зафарларга Президентимиз тайёрлади.

1990 йил 4 август. «Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак»

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини биз 1997 йилда ишлаб чиқилиб амалга оширишга киришилган, деб биламиз. Аслида бу ғоя ундан 7 йил илгари, 1990 йил 4 августда кўтарилгани китобдан маълум бўлади. Асосий мавзуси «КПСС XXVIII съездининг яқунлари ва Ўзбекистон Компартияси фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»-ги маърузада Юртбошимиз томонидан: «Бизга кадрлар тайёрлашнинг махсус миллий дастури керак. Бу дастур:

— умумий таълим мактабларида дарс бериш сифатини ошириш (ўқитувчиларни, методистларни кўшимча равишда моддий рағбатлантириш, махсус синфхоналар барпо этиш, олий ўқув юртларининг мактабларни оталиққа олишини йўлга қўйиш ва шу кабилар)ни;

— энг истеъдодли болалар учун мактаблар очишни;

— Республиканинг юқори малакали миллий мутахассисларини тайёрлаш учун Иттифокдаги ва чет эллардаги энг яхши марказларга ёшларни юбориш системасини ўз ичига олиши керак», дейилган. Бугун Миллий дастуримиз ўз меваларини берди. Уни МДХ, дунё мамлакатлари ўрганиб, ўзига мослаштириб фойдаланмоқда.

Совет мактаби амалда ёшларни бахтли ҳаётга тайёрламас эди. Далил: 100 нафар мактаб битирувчисидан 90 нафари мактабни тугатиб, ҳунарсиз, бекорчи бўлиб қоларди. Шу туфайли жинойatchилик, ичкиликбозлик, ташмачилик урф эди. 1997 йилда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» бунга чек қўйди. Зеро, бизнинг болаларимиз ўз ҳаётини бахтли, фаровон қилишга қодир бўлишлари керак.

1991 йил 1 октябрь. Тарихий даъват

Миллий боғимизда Алишер Навоий бобомизнинг муҳташам ҳайкали борлигини яхши биламиз. Буюк бобомизни хотирлаб, алоҳида зиёрат қиламиз. Мана шу ҳайкалнинг очилишида (1991 йилнинг 1 октябрида) Президент Ислом Каримов томонидан бир тарихий, самимий даъват илгари сурилган эди. Бу даъват кейинги 20 йиллик ҳаётимизда жуда катта роль ўйнади. Миллатни бир тану бир жон қилди.

Ўшанда Президентимиз ўз халқини якқалам қилган буюк мутафаккир ёнида туриб миллатга мурожаат қилганди: «Улуғ бобокалонимизнинг сиймоси олдида, келинлар, бир-биримизга сўз берайлик: озодлик ва истиқлол йўлида, бу эзгу ниятларни ҳаётимизга амалий татбиқ этишда бир жон, бир тан бўлайлик! Ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтмайлик!»

Бизнингча, бу сўзларни ҳайкал ёнига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйиш керак. Чунки мазкур даъват ҳозир ҳам, 100 йилдан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Устоз-

мураббийлар куни ўқувчи-ёшларимизни ушбу зиёратгоҳ-га экскурсиясини ташкил қилиб, уларга буюк бобомиз ҳақида сўзлаш баробарида, мана шу ерда, 1991 йилнинг 1 октябрида ана шундай тарихий воқеа содир бўлганини айтиб беришимиз лозим. Бу ёшларимиз қалбига 1991 йил 1 октябрдаги ҳаяжонни солади, уларнинг ватанпарварлик туйғуларига куч, мадад беради.

Меҳрга оқибат ярашади

Халқимиз «меҳр-оқибат» сўзларини кўшиб айтади. Бу — меҳрга оқибат билан жавоб берадилар, дегани. Бугун жаҳон бизни кузатиб турибди. Дўстлар ҳам, ғанимлар ҳам Юртбошимизнинг миллат олдидаги тарихий, буюк, ҳалол хизматларига эҳтиром туйғуларини туймоқда, гоҳ яширин, гоҳ ошкора тан бермоқда. Уларга қараб, дўппини ёнга кўйиб ўйласак, бир савол туғилади: миллатимизга Соҳибқирон Амир Темурдек хизмат қилган, ўзлигини англаган, маънавиятини тиклаган, энг муҳими — ўзбек давлати ва миллатини жаҳонга машҳур қилган шахслар шунчалар кўпми?! Ўнг кўлингизнинг бармоқларини очинг. Сананг, чиқдимми? Йўқ, дедингиз.

Ҳа, 74 йил биз ўзимизнинг эмас, бошқа юрт қаҳрамонларини эъзозлаб келдик. Бунинг аниқ сиёсий-мафкураравий сабаблари бор. Чунки империялар мустамлака маҳаллий халқнинг ичидан чиққан, уни бирлаштира оладиган шахслардан доим кўрқиб яшаган. Қаҳрамонларнинг ўзи ва ёди қатағон қилинган. 1989 йил Ўзбекистонда мана шундай Шахс майдонга чиқди. Бугун эса, дўсту душманларнинг якдил фикрига кўра, Ўзбекистон 20 йилда 200 йиллик тараққиёт натижаларига эга бўлди.

Шу сабабли «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини мутолаа қилган ҳар бир инсофли киши, аввало ўзимизнинг, ундан кейин жаҳоннинг юзлаб машҳур арбобларига, олим-мутахассисларига кўшилиб:

- ўз ҳаётини бизларнинг, фарзандларимизнинг бахти йўлига бағишлаган;
- халқини ўзгалардан ва ўзимиздан чиққан қондош «ўзгалардан» ҳимоя қилган;
- матонати, сиёсий маҳорати, метин иродаси билан

Toshkent Axborot Texnologiyalari Universiteti/

17

321235

Axborot Resurs Markazi

халқини бир эмас, бир неча марта қонли фожиалардан асраб қолган;

– соҳибқирон Амир Темур салтанатидан кейин ҳеч ким танимаган Ўзбекистонни 20 йилда дунёга машҳур қилган;

– жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторига кираётган янги Ўзбекистоннинг асосчиси бўлган;

– «Ўзбекистоннинг барча ўғил-қизлари – менинг фарзандларим», деган холислик аҳдига содиқ;

– элим деб, юртим деб ёниб, ёндириб яшаётган Президентимиз Ислом Каримовга чуқур эҳтиром туйғуларини яна бир бор ҳис қилиши табиийдир.

Бугунги эркин ва озод, тинч ва осуда ҳаётимиз қадри-ни, мустақиллик берган имкониятларни чуқур англашда, она Ватанимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини тарбиялашда бу китобнинг ўрни ва таъсири беқиёс. У фарзандларимизга ўз халқи ва юртига чексиз муҳаббат ва садоқатни, Ватанни чин севишни ўргатувчи маънавий жасорат манбаи бўлиб қолажак.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧ ЙИЛ ТАСВИРИ

«Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнги талвасаси» фильми ҳақида.

Сиз фильмни албатта кўришингиз керак

Тасаввур қилинг. Бир гуруҳ одам ташналиқдан мадори қуриб, ҳолдан тойиб, карвон бўлиб саҳрода кетаётир. Жазирама иссиқ. Чидаб бўлмайдиган шароит. Офтоб олов пуркайди. «Сув, сув», дейди кўзу сўзлар. Йўлбошчи уларни зилол сувли булоққа бошлайди. Одамлар қониб-қониб сув ичишади. Ям-яшил, серсув водийда фаровон ҳаёт бошланади.

Йиллар ўтиб, одамлар ўша қақроқ, тоқатни тоқ қилган кунларни, зилол булоқни, муздек сув нашидасини унутса, адолатдан бўладими?! Топдингиз: ношукурлик бўлади.

Шунга ўхшаш, миллат яна қайта истибдод домига тушмаслик учун «озодлик» деб ўтган ташна йиллар ва йўлларни унутмаслиги керак. «Мустақиллик арафасида ёки шўроларнинг сўнги талвасаси» фильми ана шундай маънавий озуқа, мадад манбаи бўлибди. Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Шундай экан, уни ҳар биримиз, тез-тез кўриб туришимиз керак. Чунки бу фильм озодликка ташна миллатимизнинг сўнги, ҳал қилувчи 1989–1991 йиллардаги кечмишидан ҳикоя қилади.

Фильм «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида нишонланган мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган. У буюк тарихимиз акс этган лавҳалар билан очилади.

Бу фильм актёрлар роль ўйнаган бадиий кино эмас. Ҳаёт ҳақиқати бор бўйича акс этган унда. Сиз ўша 3 йил воқеаларини кўриб, турли ҳолатларга тушасиз: нафратла-

насиз, кўрқасиз, қувонасиз, ачинасиз, гурурланасиз. Чунки 70 дақиқа ўша 3 йилда «яшайсиз». Халқимиз эса 70 йилдан ортиқ шу аҳволда яшаган эди.

Фильм Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекфильм» киностудияси, Ўзбекистон Республикаси илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студияси, Ўзбекистон Республикаси давлат кино-фото ҳужжатлар архиви материаллари асосида тайёрланган. Бу эса унинг ишончлилиги, холислиги кафолати.

Сиз 70 дақиқа давомида Россиядаги танклар моторлари товушини эшитгандай, Фарғона, Бўқада бузғунчилар ёққан миллатлараро можаролар алангасининг аччиқ тутунини ютгандай бўласиз. Собиқ Марказнинг ўқирикларидан сесканасиз. Йиғлаётган оналар, гўдакларнинг кўз ёшларида «Биз ким эдик?» деган саволингизга жавобларни кўрасиз.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Фильм бизни ўтмишни унутмасликка чорлайди. Огоҳлантиради. Ибрат, оқибат дарсини ўтайди. Бирлаштиради. Демак, сиз уни албатта кўришингиз керак. Бу фильмни кўрсангиз, шунингдек, «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўқисангиз, ишонинг, озодлик ва мустақилликка эътиқодингиз янада мустаҳкамланади.

Жефферсон билмаган ҳикмат

«Озодлик дарахти вақти-вақти билан ватанпарварлар ва босқинчиларнинг қони билан суғориб турилиши керак. Бу — унинг табиий ўғитидир», — деган экан Томас Жефферсон. Ҳа, «Ҳақ берилмас, олинур» деган эди Маҳмудхўжа Беҳбудий бобомиз ҳам. Мустақилликка ҳеч бир миллат четига гулу райҳон сочилган йўлдан кириб бормаган. Халқлар бир довурак, қудратли ШАХС атрофида бирлашиб, курашиб озод бўлган.

Жефферсон Ватан озодлиги учун тўкилган қон — муқаддас, қон тўкиб Ватанни озод қилиш буюк жасорат, демоқчи бўлгандир. Лекин бунда душманга қарши курашаётганларнинг ҳам қони тўкилади. Тарих миллий озодлик учун курашнинг шу йўлини биларди. Лекин на душ-

маннинг, на юртдошларимиз қонини тўкмай, ҳеч кимнинг болаларини етим қолдирмай Ватанни озод қилиш қийин масала эди. Бунинг учун шунча жон, шунча қон баҳосига тенг турадиган халқ ва Ватанга муҳаббат, шижоат, жасорат, сиёсий маҳорат ва донишмандлик керак бўлади.

Маърифатли халқлар ўзини озодликка олиб чиққан қаҳрамонларни абадий эъзозлайди. Дунё тарихида миллионлаб одамларнинг қони, жонини сақлаб, халқини озод қилган инсонлар бармоқ билан саналса, бир қўл бармоқлари ҳам ортиқчалик қилади. Ўзбекистоннинг озодлиги миллионлаб одамлар ёстиғининг қуриши эвазига эмас, Йўлбошчининг улкан салоҳияти, мустақкам иродаси, сиёсий маҳорати, матонати эвазига қўлга киритилди. Бу — миллий озодлик учун курашнинг жаҳон тарихидаги энг ноёб йўли ҳисобланади.

Шунинг учун бўлса керак, фильмда хорижлик халқаро эксперт Зураб Тодуа: «Шу пайтгача Шахснинг тарихдаги роли етарли баҳоланмай келди. Ваҳоланки, тарихнинг қалтис бурилиш палласида у ёки бу шахс бўлмаса, тараққиёт бутунлай бошқа томонга қараб кетиши мумкин. Ўзбекистон мисоли тинч, эволюцион йўл билан мустақилликка эришиш ва ривожланиш мумкинлигини исботлади», дейди.

Фильмда «соғин сигир»дан ажралиб қолишдан кўрқиб, талвасага тушган Марказнинг ашаддий кураши, фитналаридан воқиф бўласиз. Ёнаётган уйлар тутунидан кўзингиз ачишгандек, нафасингиз бўғилгандек туюлади. Азалдан дўст, бироқ Марказнинг қутқусига учиб, бегоналашган қардошларни кўрасиз. Бугун улар ўзларини ким, нима мақсадда гиж-гижлаганини яхши биладилар.

Марказ қардошлар бир-бирларини кўпроқ ўлдирсин, деб уларга вертолётлардан қуроллар ташлаб турди (Уларни кўрган кўзлар ҳали тирик). Бўлмади. Бутун Марказий Осиёни ёндириб юбориши керак бўлган миллатлараро биродаркушликнинг олди олинди. Бунинг учун шу урушни тўхтатиш қудратига тенг ирода, матонат керак бўлди. Ва бу Ўзбекистон Президенти сиймосида намоён бўлди. Марказ яна доғда қолди.

Сиз кўрадиган манзаралар

— Фильмда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов «Ҳар бир халқ ўзига муносиб раҳбарга эга бўлади», деган лотин ҳикматини эслайди.

— Лой, қор кечиб пахта тераётган, бизни кинога олишаётир, деб ҳам уялиб, ҳам севиниб, объективга қараётган иболи ёш қизларни кўрасиз. Улар пахтадан кейин оналари билан гинекологик касалхонага қатнайдилар. Бепуштлиққа маҳкум бўлаётган ўзимизнинг Гулчехралар, Сайёралар, Маҳбубалар...;

— Гдлян ва Иванов қилмишларини, «Пахта иши»нинг жабрдийдалари — механизатор, бригадирларни кўрасиз;

— Горбачёвнинг: «Ҳа, яхши иш бўлмади. Бўлар иш бўлди. Ўзим, Политбюро, совет ҳукумати — биз сизлар билан бирга ташвишландик», дея айтган, юзада «халқпарвар», бироқ носамимий хўрсинишларини эшитасиз. Бу сунъий ҳамдардлик тимсоҳнинг кўз ёшларини эслатади. (Ўлжасини ғажийётганида тимсоҳнинг кўзидан сув чиқар экан. Бу унинг ошқозони шира ажратаётганини кўрсатар экан.)

— Ўзбекистон ССРнинг собиқ раҳбари Нишоновнинг ёнидагиларга: «Тўғри, тўғри. «Тўғри» демайсанларми», деб Горбачёвга бош ликиллатишларига гувоҳ бўласиз;

— бир қориндан талашиб чиққан укасини у дунёга кузатган, «жанозада қатнашган коммунист» ака устидан айбонма ёзилган газетани кўрасиз;

— Марказдан юзлаб бетайин кимсаларнинг «десант» қилиб юборилгани, амалда Ўзбекистонни шулар бошқарганини билиб оласиз;

— дарди кўп, дармони йўқ халқимизга, изиллаб йиғлаётган опа-сингилларимизга;

— қабристонда бир кунда пайдо бўлган ўнлаб янги қабрларга қараб кўнглингиз ачишади;

— Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг «Халқнинг ижтимоий-иқтисодий ночорликдан норозилигини бостириш, чалғитиш учун янги найранг ўйлаб топишди. Бу — Кувасойда бошланган миллатлараро можаро эди», деган фикрини тинглайсиз.

— Кўча номи, уй рақами эмас, эгасининг миллати ёзил-

ган эшикларни кўрасиз, ўша оловли кунлар гувоҳларининг сўзларини эшитасиз, кўзларига тикиласиз;

— хорижлик экспертларнинг хулосаларини тинглайсиз;

— Ўзбекистоннинг янги раҳбари томонидан қишлоқ аҳолисига ер берилсин, деган буйруқни олган, уни тушунган, лекин кўрқиб ер бермаган; бунинг учун қаттиқ огоҳлантирилган селсовет раисасининг миннатдор чехраси дилингизни равшан қилади;

— нуроний отахон водий халқи 4 сотих жойда 10—12 киши, бир хонани учга бўлиб яшагани ҳақида гувоҳлик беради. Юртбоши саъй-ҳаракати билан 1,5 миллион оилага кўшимча ер, 700 минг янги оилага томорқа ери ўлчаб берилганини кўриб, бу савобли тадбирдан миннатдор юраклар изҳорини тинглайсиз;

— ГКЧПчиларга қўшилиб, ўз халқининг мустақиллигига қарши қарор қабул қилган собиқ Ўзбекистон раҳбариятининг;

— Ҳиндистондан қайтаётган Ўзбекистон Раҳбарини кутиш учун Марказдан келган, аэропортда хурпайиб турган 3 совет генералининг ҳолатини кузатасиз;

— «Биз мустақилмиз!» деган, асрлаб қутилган хушхабар эълон қилинган тарихий дақиқага гувоҳ бўласиз. Давлат Раҳбари «Биз энди мустақилмиз!» деса ҳам ҳайрон ўтирган депутатларни кўриб, сиз ҳам ҳайрон бўласиз. Улар айни паллада Ўзбекистонни СССР чангалидан юлиб олган Раҳбарнинг жасорати олдида лол эдилар. «Қани қарсаклар?» деган ўктам савол уларни ҳушига келтиради. Улар аввал ўтирган жойида, кейин... туриб қарсак чаладилар;

— 1991 йилнинг 9 декабри тонгида Наманган шаҳрида тўпланган жоҳил оломонни кузатасиз. Қайтиб чиқиш кафолатсиз, ўта таҳликали жойга, 20 000 лик жоҳил оломонни қоқ ёриб кириб бораётган Президентимизни кўрасиз;

— Сиз фильмнинг ана шу жойида Зураб Тодуа айтган мана бу гапларга диққат қилинг: «Бундай бинога, кўзи қонга тўлган оломон қуршовига бир ўзи кириб бориш учун одамда мислсиз катта жасорат, ирода бўлиши керак. Ўзбек халқи учун ҳал қилувчи ана шу кунда Ислоҳ Каримовдек раҳбарнинг бўлгани Ўзбекистоннинг омади, деб ҳисоблайман»;

— Наманган шаҳрида, жоҳил оломон билан учрашилган ўша жойда туриб, бир ёш-йигит шундай дейди: «Агарда Президентимиз ўшанда мана шу мен турган жойда бўлмаганларида, ўз сўзлари билан одамларни тинчитмаганларида бизнинг келажагимиз ҳозиргидек бўлмаган бўлар эди!»...

1989 йил 23 июнь

Бу кун эса ҳар бир ўзбекнинг тақдирида кескин бурилиш ясаган кун бўлган экан. Чунки Президентимиз «Энди биз эскича яшолмаймиз, бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», деб узоққа мўлжалланган дастурий даъват қилади.

Шунга қадар ўзбекистонликлар, эслатилганидек, гўё «иккинчи сорт» одамлар эди. Бунга кўп далиллардан бири мана бу факт: ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига бошқа республикалар фуқаролари ейдиган озиқ-овқатнинг ярми тегарди. Содда қилиб айтганда, бошқа республикаларга — бутун, бизга эса — яримта нон бериларди.

Фильмдаги уйларга эътибор қилинг. Уларни кўриб, наҳотки ота-боболаримиз шундай уйларда яшашган бўлса, ахир бу Африканинг қашшоқ мамлакатлари манзарасику, деб юборасиз. Ичингиз куйиб кетади.

Совет давлатининг рамзи фақат ўроқ-болға эмас эди. Яна биттаси — «очеред» — узундан-узоқ навбатлар эди. «Очеред» нималигини ҳам фильмдан кўрасиз. Хайриятки, одамни таҳқирлайдиган, нон, кўйлак, совун учун юзлаб кишилик навбатда туриш қандай бўлишини бугунги ёшларимиз билмайди.

Ўша пайтда СССР Олий Совети Раиси ўринбосари бўлиб юрган Ўзбекистоннинг собиқ раҳбари Нишоновдан «Ўзбекистонда нималар бўлаётир?» деб сўрашади. У Ўзбекистондаги танг ижтимоий-иқтисодий муаммоларни айтишга кўрқиб, «Иккитаси бозорда қулупнай талашиб қолишибди», дейди. Бу собиқ раҳбарнинг ўз халқига берган баҳоси эди. «Менинг халқим — иккитаси қулупнай талашса, бўлиниб, қирпичоқ бўладиган ваҳший», дегани эмасми бу?

Ахир у ўнлаб ўзбекистонлик ўлганини, юзлаб уйлар

кулга айланганини, кўплаб одам жароҳат олганини жуда яхши биларди-ку. Лекин бу одам ўзини масъулиятдан олиб қочиб, Москвага ёқиш, ўзи «пиширган ош»ни меники эмас, деб мансабини сақлаб қолиш учун миллат юзига бемалол оёқ кўяди. (Бу гаплар бир оз кескин туюлар. Лекин яхшини мақтаб, ёмонга индамай кетаверилса, ёмонлик кўпаяверади. Худди пахтага ишлов бериб, суғориб, унинг орасида ўсган ёввойи ўтлар юлиб ташланмаса, улар ҳам урчийвергани каби.)

Халқаро эксперт Зураб Тодуа бу ҳақда: «Собиқ давлат раҳбарининг бу гапи латифага айланиб, бутун СССРга тарқалиб кетди. Нишонов бу гапи билан ўзининг раҳбар сифатидаги бор-йўқ карьераси, обрўсини бир зумда, ўзи ўчириб ташлади», дейди.

Давлатнинг янги Раҳбари эса биринчи иш кунини қизгин табриклар қабул қилишдан эмас, қонли фожиаларнинг туб илдиэлари очиқ айтиш ва тузатишдан бошлайди. Чунки янги раҳбар олдингилар каби функционер эмас, ислоҳотчи, реформатор эди. Ўзбекистон Президентининг «Энди биз эскича яшолмаймиз, бундай яшашга замоннинг ўзи йўл кўймайди» деган фикри, кўтараётган ғоялари Мустақилликка умид куртакларини очар эди.

Одамлар миллий анъаналаримизнинг, миллий либосларимизнинг, ҳатто, миллий ҳунармандчилигимизнинг тақиқланишларидан безган эди. Ўша қора кунлардан кўқонлик 97 ёшли тўқувчи Паттихон ая гувоҳлик беради: «Советлар тинчгина уйида ишлаб ўтирган ҳунармандларни ҳам кўймасди. Урушдан кейинги йиллар эди. Ёз кунларининг бирида ичкари уйимизда бўз тўқиб ўтирган эдим. Бирдан ҳовлида шовқин кўтарилди. Бир пайт ичкарига тўртта комсомол бостириб кирди. «Санми, эскилик сарқитини уйида сақлаётган», дейишди. Тўқувчилик дастгоҳимни синдириб, ҳовлига олиб чиқиб ёқиб юборишди. Ундан мана бу тошгина қолган...»

Мустақиллик ҳали олдинда. 1991 йил 31 августда қандай воқеа содир бўлишини ҳеч ким билмас эди. Биз ҳали мустақиллик нималигини ҳам билмасдик, мустақил одамни кўрмаган авлод эдик. Шунинг учун ўзимизни мустақил тутишни-да билмасдик. Бугунги 40—50 ёшли юртдошларимиз ўзининг 1989—1991 йиллардаги ҳаётини эслаб, бу

фигрга қўшилсалар керак. Мен ҳам эслайман. 1989 йилнинг сентябри. Москва. СССР Фанлар академиясининг «Каховская» метро бекати яқинидаги аспирантлар ётоқхонаси. Минсклик курсдошим Сергей Пуйман билан иккимиз суҳбатлашиб ўтирардик. Мен ундан: «Сен СССРнинг парчаланиб кетишини қандай тасаввур қиласан?» деб сўрадим. У кўрсаткич бармоғи билан оғзини ёпиб: «Тш-ш-ш. Нималар деб алжираяпсан?» дея хонамдан балодан ҳазар, дегандай чиқиб кетган эди...

ГКЧП

«Бизнинг тарихимиз, бугунги ҳаётимиз шуни кўрсатдики, озодлик йўли, мустақиллик йўли машаққатли ва ғоят оғир бўлади. Ҳали кўп синовлардан ўтишга тўғри келади.

Истиқлол йўлида биринчи қадам қўйганимиздан бошлаб, Ўзбекистон диёрига, унинг раҳбарияти ва сиёсатига маломат тошларини отиш ва тутаётган йўлимизни тўсиш ҳаракатлари кундан кунга кучайиб бораёпти», деб ёзилган Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида.

Фильм ушбу фикрни ҳужжатли тасвирлар билан тасдиқлайди.

1991 йил 19 август. ГКЧП ўз бўйнига хиёнат сиртмоғини тақди. Ўша замон амалда бўлган Президентга қарши бош кўтарди. Фильмда ГКЧП деган аббревиатура ортида турган одамларнинг қиёфасини кўрасиз. Уларнинг юзлари, кўзларидаги беқарорликка, титраётган қўлларига эътибор беринг. Улар собиқ СССР республикаларига ўз буйруқларини юборади. Ўзбекистонга ҳам. Ўшанда Ўзбекистон ССР Президенти хорижий сафарда эди.

Бир хиёнат иккинчи хиёнатни уйғотди. Ўзбекистоннинг барча ҳудуд, вазирлик ва идораларига Тошкентдан «Ўзбекистон ССРнинг барча ҳудудларида СССРда фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси фаолиятини яқдиллик билан ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш топширилсин...» деган кўрсатма жўнатилади. Эътибор беринг: Марказдан келган, Ўзбекистон мустақиллигига зид қарорни «яқдиллик билан», «ҳар томонлама» қўллаб-қувватлаш буюрилмоқда.

Албатта, ўша куннинг соатлари, минутлари тарихий масъулият минутлари эди. Президент хорижий сафарга давлат бошқарувини ишониб топшириб кетган Ўзбекистон раҳбарияти уч йўлдан бирини танлаши керак эди:

1. Ўша заҳоти юрт раҳбари — Президент билан боғланиб, тегишли кўрсатма олиш;

2. Ҳеч нарса қилмаслик. Президентни кутиш;

3. Давлат Раҳбаридан яширин, унинг мустақиллик гоёларига қарши равишда ГКЧПни қўллаб-қувватлаш.

Афсуски, катта хато, айтиш мумкин — хиёнат қилинди. Учинчи йўл танланди. Хайриятки, бу мудҳиш хато тезда Президентимиз томонидан тuzатилди.

Тасаввур қилинг, Раҳбар Ватаним, халқимни озод қилман, деб бор жабру жафоларга чидаб, курашиб юрибди. Ўринбосар эса ГКЧПчиларга гумашта бўлиб, улар билан тил бириктириб, Ўзбекистонни мустабидлар қўлига қайта топширмоқчи. Озодликка атиги 12 кун қолганида! Сиз шундай қилармидингиз?

Фильмни кўра туриб, Президентимизнинг «Орамиздан сотқин чиқмаса, ўзбек халқини ҳеч ким енга олмайди», деган фикрининг аччиқ сабаб ва чуқур илдизларини шу тариқа билиб оласиз. Бу аччиқ тажриба бугун ҳам, эртага ҳам огоҳ бўлишимизни талаб қилади.

Эътироф манзаралари

Афсуски, бизни ҳақиқатан ҳам қаттиқ синовлар кутаётган экан. Фильмда бунинг тасвири хужжатларини кўрасиз. Жумладан, юқорида айтилган Наманган воқеаларфи. Бу ҳақда СССРнинг энг машҳур-мафкурачиларидан бири, халқаро «Демократия» фонди раҳбари Александр Лукьянов шундай дейди: «Ўзбекистонда диний экстремизм ўзининг биринчи сигналини берган эди. Лекин буни халқаро жамоатчилик ҳам, Россия ҳам эътиборсиз қолдирди. Тасаввур қиласизми, тарих ғилдираги ўша оломон кўрсатган йўл билан кетса, Ўзбекистон бошига не кўргиликлар тушарди?...»

Жаҳон тан олган ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ўша йилларни эслаб айтган қуйидаги фикрлари ҳам фильм мазмунини бойитган: «Тақдир ва тарихнинг энг қийин

палласида ўзига хос сиёсий селекция рўй берди, — дейди у. — Бу селекция тарих саҳнасига энг керакли ШАХСни олиб чиқди. Ислон Каримов нафақат Ўзбекистон, балки Туркистон заминида ўзининг энг иродали, қатъиятли раҳбар эканини намойиш қилди. Бу — тарихда шахсининг қандай ҳал қилувчи роль ўйнаши мумкинлигини исботлайди. Тарих Ислон Каримовнинг ҳақиқатан ҳам замонавий цивилизациямизнинг энг улкан фигураларидан бири эканлигини кўрсатди».

Фильмда Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов билан суҳбат ёзилган нодир кадрларни ҳам кўрасиз. Унда Озод Шарафиддинов: «Президент Ислон Каримов нима учун шунчалик ҳаракат қиляпти? Турли-туман экстремист, ифвогар кучларга йўл қўймасликка ҳаракат қиляпти? Терроризмга қарши курашяпти? Нима учун? Бунинг фақат битта сабаби бор. У Ўзбекистонни жуда яхши кўради. Ўзбекистон унинг учун энг муқаддас маскан. Она диёр. Она билан баравар қадрланадиган диёр. Унинг кўнглида ўзбек халқи учун улғ бир гурур бор», дейди.

Фильм сўнгида Президентимизнинг жаҳоннинг энг юксак ривожланган давлатлари Президентлари билан теп-па-тенг мулоқотлари, учрашувлари, БМТдаги нутқ лаҳзалари кўрсатилади.

Ҳурматли ўқувчи, Сиз бу фильмни албатта кўринг. Ана шунда бугунги тинч, осуда ҳаёт, фаровон кунлар қандай курашлар эвазига қўлга киритилганини билиб оласиз. Бутун жаҳон эъзозидаги қудратли Ўзбекистон қандай бунёд бўлганини қайта англайсиз. Қалбингиз шукроналарга, ифтихорга лиммо-лим тўлади.

БУЮК ТИКЛАНИШ ЙЎЛИ

Биринчи мақола

Юз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин, халқимиз яна озод бўлиб, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш, маданиятини бойитиш, маънавий қайта уйғонишини таъминлаш имкониятига эга бўлди.

Ислом Каримов

(1993 йил 28 сентябрь. БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясидаги маърузадан.)

Инсон бахт учун туғилади

Ўзини бахтли деб ҳисоблайдиган одам — бахтли.

Ф.Генри

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузасида одамларнинг ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси — одамларнинг ўзгараётгани, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини, онгу тафаккурини ва эртанги кунга ишончини ошириб боришнинг шарти эканлиги уқтирилди¹.

¹ «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. /«Халқ сўзи», 2010 йил 13 ноябрь.

Миллат Буюк ислоҳот кўламини, салмоғини кўрди. 1991–2010 йилларда мамлакатимиз, турмушимиз қандай ўзгариб боргани, қандай натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланаётганимизни билди. Жаҳонда Ўзбекистон деган давлатнинг тобора ошаётган ҳурматига ўзининг дахлдорлигини ҳис қилди. Ҳар бир ўзини ҳурмат қиладиган одам мамнуният, бахт ва ифтихор туйғуларини туйди.

Бу бежиз эмас. Инсон бахт учун туғилади. Бу дунёда бахт жуда қиммат. Тарозининг бир палласига бахт, иккинчисига кунлаб, ойлаб, йиллаб қилинган қаттиқ ақлий ва жисмоний меҳнат натижаси қўйилади. Меҳнат миллат билан унинг бахти орасидаги масофани қисқартиради. Бунинг учун ҳар бир фуқаронинг «Мен Ватаним учун нима қилдим?» деган саволга дадил жавоби бўлиши керак. Жавоб лоақал «Битта гишт қўя олдим», тарзида бўлмоғи шарт. Шу маънода бахт буюк бир қасрга ўхшайди. Яратилади, қурилади. Худди пойтахтимиз кўксини безаб турган олмос қаср — «Ўзбекистон» Халқаро анжуманлар саройи каби.

Миллат юз йилдан кўпроқ вақт давомида қадди букик, энкайиб юришга мажбур қилинган одам каби эди. Унинг эгик (дол) қадди тик (алиф) бўлди. Унинг илгари букилган, энди тўғриланган артерияларидан қон жўшиб оқа бошлади. Бундан у ўзлигини эслаб, таниб, қудратланди. Янги тарихимизнинг йигирма йилидаёқ жаҳон бизнинг неларга қодирлигимизни кўрди. Бундан халқимизнинг ифтихори ошаётир. Баъзиларнинг ақли... шошаётир.

Луғат

Президентимиз томонидан асослаб берилган миллий тикланиш ғоясининг халқимиз ва давлатимиз ҳаётида тутган ўрни фидойи мутахассислар томонидан халқчил, самимий тарғиб қилинмоқда. Зеро, бу халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг мамлакатда кечаётган тарихий ислоҳотларга дахлдорлигини янада кучайтиришнинг асосий шартларидан биридир.

«Тикланиш» нима дегани? Луғатларда бу сўз – 1. «Бирор нарсани вертикал ҳолга келтирмақ; тикка қилмоқ; тикка қилиб қўймоқ. 2. Курмоқ; бино қилмоқ; бунёд этмоқ. 3. Бузилган, ишдан чиққан, хароб бўлган нарсаларни асл ҳолига келтирмақ, тузатмоқ. 4. Унутилган, йўқ бўлиб кетган нарсаларни юзага келтирмақ. 5. Бекор қилинган, рад этилган нарсаларни қайта жорий қилмоқ, қайтариб бермоқ» маъноларини беради. Ана шу маънолардан келиб чиқиб, миллий тикланишни – бир вақтлар барқ уриб, юксалган, бироқ кейинчалик, маълум сабаблар боис, бегона кучлар томонидан бўйсундирилган, хароб қилинган, қадриятлари йўқ қилинган халқ қадди, қадри ва қудратининг тикланиши, қайтадан асл ҳолига қайтарилиши, деса бўлар экан. (Кўриш учун мисол: тикланаётган юзлаб меъморий ёдгорликларимиз. Ҳолбуки, собиқ шўро мамлақати ҳудудида атайлаб ёки қаровсизликдан ҳар йили 11 000 меъморий ёдгорлик йўқ бўлиб кетаётган эди.)

Миллий тикланиш – илгари бой берилган иқтисодий салоҳиятни тиклаб, ўрнига қўйиб, уни янги замонда, янги тараққий эттириш, горизонтал эмас, вертикал, эволюцион ўсиш жараёни. У миллатнинг комплекс такомиллашуви ва кўтарилишида юзага чиқади. (Тафаккурга мисол: барча соҳалар бўйича тобора кўтарилиб бораётган тараққиёт кўрсаткичларимиз.)

Физикадан биламиз: бирор жисмни муаллақ тутиб туриш учун ернинг тортиш кучига тенг куч кифоя. Юқорига кўтариш учун эса ундан кўпроқ куч керак. Кўтарувчи куч қанча кўп бўлса, юксалиш шунча барқарор, шиддатли бўлади. Бировнинг кучи, ёрдами билан тикланиш, кўтарилиш – омонат. Энг яхши, самарали йўл – миллатнинг ўз қудратини ўзини тиклашига сафарбар қилиш эди. Ана шу кучни бизга мустақиллик аввалида аниқ-тиниқ белгилаб олинган тўғри йўл берди.

Ўтмишнинг аччиқ сабоғи

Тарихимизнинг холис талқини боболаримизнинг буюк давлатлар барпо қилганини, юксак маънавият, маданият, тараққиёт саҳифаларини очиб берди. Ички низо ва адонатлар, фақат ўз қобиғига, умрини ўтаб бўлган ақидаларга

ўралашиб яшаб, оғир аҳволга тушиб қолган даврларимизни ҳам. Натижада, бизнинг кейинги олти аждодимиз озодлик армонларида ўтди. Не бахтки, бу кунга етиш бизларга насиб қилди. Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Айниқса, теурийлар ҳукмронлигидан сўнг — яъни XVII асрдан XX асрнинг бошларигача бўлган даврда Туркистон замини сиёсий парокандалик, жаҳолат ва қолоқликка юз тутди. Уч хонликка бўлиниб кетган минтақа узоқ муддат ўзаро зиддият ва қарама-қаршиликлар, уруш-жанжаллар гирдобида қолиб кетгани нафақат иқтисодий, молиявий ва ҳарбий салоҳият нуқтан назаридан, балки ижтимоий-маънавий фикр ривожиди ҳам кўп салбий оқибатларни келтириб чиқаргани барчамизга яхши маълум».

Ҳа, ўша даврларда юртимизнинг айрим ҳукмдор ва амадорлари ўз манфаатини уларга ишонган халқ манфаатидан устун қўйиб, жаҳолат ва ғафлатга ботиб қолди. Элулус бирлигини сақлаб, ягона Ватан ҳимояси йўлида қаттиқ тура олишмади. Ғафлат минтақамизни умумбашарий тараққиёт жараёнларидан узиб, орқада олиб қолди.

XIX асрдаги чоризм истилосининг сабаблари нималар эди? Авваламбор, сиёсий бошбошдоқлик, узоқни кўролмаслик, маънавий заифлик. Оқибат: минтақамиз озодлигидан жудо бўлди. Буни «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби тарихий мисоллар билан исботлаб берди. Китобда айтилганидек: «Бу аччиқ ҳақиқат барчамизга, айниқса, бугун ҳаётга катта умид ва ишонч билан кириб келаётган ёшларимизга доимо сабоқ бўлиши лозим». Бу ўғитни ёшларимиз юракларига ёзиб олмоқдалар.

Ундан кейинги, қизил қон ёмғири остида ўтган 70 йилчи? Халқимиз коммунистик террор, қатағонлар, камбағалликда ҳаммани тенглаштириш, динсизлик, тилсизлик — комплекс ҳақсизлик салтанатида яшади. Бу зинҳор муболаға эмас. Бугун биз ўша кунларни эсламасак, шукронамиз қабул бўлмас.

Кўзда ёш билан тингланган саволлар

1994 йили 22 сентябрь. Муҳтарам Президентимизнинг парламент минбаридан берган саволлари шўролар халқимиз устига ёпган «Бахтлисан қардошлик оиласида!» деган мафкуравий пардани олиб ташлади. Ўша куни «Тақдири-

миз жар ёқасида турган машъум кунлар, миллатимизнинг кадр-қиммати, шаъни ва номуси поймол қилингани, кўҳна тарихимиз ва муқаддас қадриятларимиз топталгани» ҳақидаги изтиробли фикр ва саволлар ўртага ташланди. Бу фикр ва саволлар миллат олдига гўё бир улкан тошойна кўйиб, ўзимизни ўзимизга кўрсатди. Унда биз аслида қандай буюк мамлакат ва аждодларнинг вориси эканимизни кўрдик, билдик. Ўзлигимизни англадик, ориятимиз уйғонди, кўзларимизда ёш қалқди:

«Ўзингиз уйлаб кўринглар, азиз дўстлар, мустабид тузум, мустамлакачилик даврида биз ким эдик?»

– Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

– Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом!» деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?»

– Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожя Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас хокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур Мирзо ва бошқа улў бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларда қоришиб ётган эди?»

– Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?»

– Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улў аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган элнинг фарзандлари эканимизни англаймидик?»

– Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров билармиди? Биров биз билан ҳисоблашармиди?»

– Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?»

– Гўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?»

Дарҳақиқат, яқин тарихда халқимиз ўз бошидан кечирган бундай азоб-уқубатларни, тақдиримиз жар ёқасида турган машъум кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ».

Ҳа, миллатнинг ўша машъум йилларда чалинган дардлари кўп эди. Уларга дармон керак эди. Дармондан ҳам олдин «шамолга қараб» иш қилмайдиган, ўзимиздаги эски

тузум тарафдорларининг қаршилигини енгишга қодир, «миллат дарди — менинг дардим», деб майдонга чиқадиган жасоратли раҳнамо керак эди. Чунки бугун биз, юқорида афсус билан айтилганидек, миллатнинг бу дардларига сабаб — айрим ҳукмдор ва амалдорларнинг ҳал қилувчи пайтларда раҳнамо бўла олмаганида, озодлик учун жасоратли қадам қўя олмаганида эканини билдик. Бугун, муқаддас мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида у қандай саъй-ҳаракатлар, нималар эвазига қўлга киритилганини ёд этмасак, оқибатдан бўлмаса керак.

Озодлик сари жасорат қадами

Жасорат — ғалабанинг боши.

Плутарх

1991 йилгача халқимиз ана шундай ноумид, ўзига ишончи сўндирилган, беқарор келди. СССР дегани бу — улкан қурбонлик майдони, кўрқув салтанати эди. 80-йиллар охири, республикаларда мустақиллик умидлари энди чечак ота бошлаган. Лекин катта майдонда ҳамма жим эди. Бундай вазиятда биринчилардан бўлиб «Биз мустақил бўламиз!» деб олдинга чиқиш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда шама қилиш нима билан тугашини ўша даврда яшаганлардан сўраб кўринг. Яхшиси, Тошкентнинг Юнусободига бориб, «Қатағон қурбонлари» мажмуасини зиёрат қилинг. Мажмуанинг иккинчи залида «Қора қарға» автомобили турибди. Унинг ғилдираклари қизил. Бу ғилдирақлар «Биз ҳам халқимиз. Мустақил бўлишга ҳақлимиз-ку» деб бош кўтарган ота-боболаримиз қонидан қизил. «Қора қарға» халқимизнинг асл фарзандларини излаб, пойлаб, ярим тунда келарди. У олиб кетган одам ортга қайтмаган...

Ана шундай кунлар сабоғи амалда бўлган бир вазиятда Ўзбекистон, унинг Президенти Ислом Каримов Кремлнинг «ўрнатилган тартиб»ларига қарши жасоратли қадамни қўйди. Кейинчалик бу ҳақда Президентимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деган асарида камтарлик билан шундай ёзди: «Ўзбекистон чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилар қатори билдирганлигини жонажон ўлкамиз учун фахр-ифтихор туйғуси билан қайд этиб ўтиш керак. Собиқ Иттифокдаги рес-

публикалардан биринчи бўлиб президентлик бошқарувини амалда жорий этган ҳам, кенг миқёсдаги ислохотларни амалга ошириш, жамиятни тубдан ўзгартириш ва янгилаш йўлига ўтиб олган ҳам бизнинг республика бўлди».

Ўзингиз ўйланг. Бешинчи, тўққизинчи, ўн бешинчи бўлиб ўз мустақиллигини эълон қилиш нақадар, тинч, қулай, хавфсиз бўларди. Лекин бу йўл бизга тўғри келмас эди. Халқининг ҳаққини биринчи талаб қилувчилар номни, нонни эмас, жонни гаровга қўядилар. Ва шундай бўлди. Халқимизнинг ҳақи СССР давлатидан тортиб олинди.

Маҳмудхўжа Беҳбудий: «Ҳақ берилмас — олинур» деб тўғри айтган экан. Шундай бўлди ҳам. Ўзбекистон халқи ўз ватанининг ҳақиқий эгаси бўлди. Чегараларимиз ўз давлатимиз ҳимоясига ўтди. Энди Ўзбекистон Республикасининг чегарасидан ҳеч ким унинг рухсатисиз кира олмайди. 1991 йилнинг 31 сентябрида миллий таҳқирланиш тарихи тугади. Ҳумо куши жафокаш халқимиз бошига қайта қўнди. Орзуларимиздан чиқиб, давлатимиз рамзларига абадий кирди. Энди мустақилликни асраш, яна қўлдан бериб қўймаслик, халқнинг эгилган қадини ростлаш — миллий тикланиш тарихи бошланди.

Бугун — 20 йиллик масофадан қарасак, бир ҳақиқат аён бўлади: бу қадам нафақат Ўзбекистон учун, балки қолган республикаларнинг мазлум халқлари учун ҳам тарихий роль ўйнади. Фараз қилинг, Ўзбекистон биринчилардан бўлиб, мард ва дадил туриб, ўз мустақиллигини, Президент бошқарувини жорий қилмаганида нима бўларди? Қолган республикалар раҳбарлари бундай азмушижоатдан куч олиб, қимтиниб бўлса-да, ўз мустақиллигига интилмаганида нима бўларди? Балки СССР деган империя ҳали ҳам (ўзгарган таркибда) яшайверармиди... Демак, дунёнинг, Ўзбекистоннинг сўнгги 20 йиллик тарихи балки бутунлай бошқача кечган бўларди.

20 йиллик ишларни ёзишга 20 йил етмайди

Топталган қадриятлар, бузилган тарихий адолат, хўрланган халқи билан озод бўлган мамлакатда барча соҳаларда, бирваракайига, туб ислохотлар қилиш машаққатли, лекин ҳаёт-мамот масаласига айланди. Бунинг масъу-

лиятини Президентимиз мана шундай тушунтирди: «Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республикани миллий давлат, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажак авлодларнинг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади... Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз».

Тўғри танланган йўл — ютуқнинг ярми. Ана шундай кескин бир шароитда узоқни кўзлаган, чуқур асосланган, кўп йўллар ичидан энг тўғриси танлаб, туб ислохотларни амалга ошириш осон эмас эди.

Эсланг. Собиқ иттифоқнинг айрим республикаларида «шок терапияси»ни қўлласак бўлди, «хоп» деб бир сакраб, бозор иқтисодиётига ўтиб оламиз», «биз давлатимизни «демократия оролчаси» қиламиз, келиб кўрасизлар» деган баландпарвоз ғоялар кўтарилган эди. Бироқ вақт дегани одил ҳакам экан. Ўтган йигирма йил кимнинг кимлигини кўрсатди, кўрсатаётир. Популист сийёсатчиларнинг жозибали, лекин кўпик ғояларига ишонган халқлари алданди, таланди, қийналди, қийналаётир. Йиллар, имкониятлар, маблағлар ва энг муҳими — халқларининг ишончи елга созурилди. Айримлари «рангли инқилоб» шоуларида мустақилликларини яна бой беришгача бориб етдилар. Бу шоуларда ўша мамлакатларнинг аслида билимли, лекин миллий руҳда тарбияланмаган, Ватан туйғусидан мосуво, совуқ кўзли, бегоналар томонидан кўғирчоққа айлантирилган ёшлари иштирок этишди. Энг ёмони, олдинда — қоронғулик. Мустақилликларининг йигирманчи йилида ҳам оёқлари лойда, қўллари — бошида.

Миллат, халқ назарий сўзлар эмас. Улар — минглаб йиллар олдин яшаган, 2011 йилда яшаётган, 2111 йилда яшайдиган инсонлар, ватандошларимиз. Миллий тикланиш 29 миллионни ташкил этаётган халқимизнинг ҳар бир вакили қаддининг тикланишига, иқтисодининг яхшиланишига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказига инсон ва унинг манфаатлари қўйилди. Зеро, ислохотлар аввало инсон учун, унинг фаровонлиги учун хизмат қилиши керак. Бунинг

самарасини истаган қишлоқ, шаҳарни бир соат айлансангиз ўнлаб мисолларда кўрасиз.

Одамлар орасида юрсангиз, шундай гапларни эшитасизки, натижасида биз танлаган йўл тўғрилигига қайта-қайта иқдор бўласиз. Айрим қўшни республикаларда энг оғир касалларни даволаш, энг қиммат машиналарни таъмирлаш ҳақида гап кетганда, «Буни фақат Ўзбекистонда бажарса бўлади», деб келишаётгани; «Биз ҳам келажакда ривожланиб кетармиз. Ана ўшанда бизнинг фарзандларимиз ҳам қандай коллеж, лицейларда ўқишини сизларга ҳозир кўрсатамиз», деб автобусларда ўқувчилари учун Ўзбекистонга «Келажакка саёҳат» экскурсияларини ташкил этишаётганини айтиб беришади. Буни биз ўн йиллар олдин эшитиб, мамнун бўлардик. Ҳозир бизнинг кўзлар ўзга маррага — дунёнинг энг ривожланган давлатлари етган марраларга тикилган.

Ҳа, бугун бизларга одатий ҳол бўлиб қолган марралар 20 йил олдин биз танлаган йўлнинг ҳақлигини тасдиқлади. Агар мана шундай шитоб билан юксалишни истасак, бу йўлдан ҳеч оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига даъват қилмоқда. Булар миллий мафкурамининг бош мақсади — Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек бош ғоямининг амалий рўёбини кўрсатмоқда.

БУЮК ТИКЛАНИШ ЙЎЛИ

Иккинчи мақола

Барча соҳалар юксалиши — маънавиятдан

Ахлоқи билимидан наст одам — орқага кетаётган одамдир.

Аристотель

Ислоҳотлар аввалида мамлакатимизда нафақат моддий фаровонликка, айти пайтда маънавий юксалишга эришиш шарт, деб белгиланиши жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган барқарорликни таъминламоқда. Чунки «бозор иқтисодиётининг ўзи ҳамма нарсани жой-жойига қўяди» деб, нуқул моддий бойлик ортидан қувиш халқимизнинг характериға ҳам, инсонпарварлик билан йўғрилган миллий ғоямизға ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислоҳотларни амалға оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қатъий қоида дастуруламалға айланди. Яратилаётган «ўзбек мўъжизаси»ға куч, миллий жозиба бахш этди.

Дунёнинг энг халқпарвар кишилари миллийлик, маънавиятни асраш ҳақида қайғуриб келишган. Шу ўринда атоқли инглиз олими Жон Леббокнинг «Миллатнинг ҳақиқий шарафи худудининг бепоёнлигида ҳам, ерининг унумдорлигида ҳам, табиатининг гўзаллигида ҳам эмас, балки халқнинг ғоявий ва ахлоқий баркамоллигиға боғлиқ» деган сўзлари ёдға тушади. Ана шундай маърифатпарварлардан бири В.Белинский: «Миллийликсиз инсоният мантиқий мавҳумликка, мазмуни йўқ сўзға, маъноси йўқ товушға айланиб қолади», деган эди.

Кези келганда инсоният маънавиятиға дахлдор бир воқеани эслаш ўринли бўлар. 1989 йили БМТ томонидан «Инсоният ўз инсонийлигини сақлаб қола олади-

ми?» (Winning the Human Race? Report of the Independent Commission on international Humanitarian Issues/ London and New Jersey. 1989. —272p.) номли илмий-тадқиқотнинг ташвишли натижаси чоп этилди. Бу китоб устида жаҳоннинг 34 мамлакатидан йиғилган энг машҳур олимлар ишлашди. Бироқ ўшандан буён ўтган 19 йил давомида гуманитар муаммолар камаймади, аксинча, кўпайиб келаверди. Ниҳоят, 2008 йили Ўзбекистон Раҳбари ушбу муаммо ечимларини оқибатдан эмас, сабабдан — инсоннинг ўзидан, унинг маънавиятидан излаш кераклигини асослаб берди. Президентимиз давлат раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб, «маънавият» тушунчасини илмий, сиёсий истеъмолга киритди. Шу сабабли «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби жаҳоннинг ўнлаб тилларига таржима қилинди, қилинаётир. Бу — одамдаги инсонийликни, она сути, ота ўғити билан сингган миллийликни сақлаш, бойитиш ташаббусининг дунёдаги эътирофини тасдиқламоқда.

Президентимиз томонидан ислоҳотлар комплексида маънавий ислоҳотнинг етакчи роли методологик асослаб берилди. Миллатни юксак маънавиятли қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Моддий ислоҳотлар, иқтисодий ислоҳотлар — ўз йўлига. Уларни ҳал қилиш мумкин. Халқнинг таъминотини ҳам амаллаб туриш мумкин, аммо маънавий ислоҳотлар — қуллик, мутелик исқанжасидан озод бўлиш, қаддини баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга ворис бўлиш — бундан оғирроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ, бу дунёда».

Инсон омили

Автомобилсозлик ҳам, ғаллачилик ҳам, қурилиш, санъату саноат, соғлиқни сақлаш, банк иши — ҳаммаси инсон омилидан бошланади, инсонда тугайди. Яъни тадбиркор, қурувчи, фермер, банкир, ишчининг «Мен нима учун ишлашим керак? Қандай ишлашим керак?» деган саволларга жавоби ва бу йўлдаги амали ё таназзулни, ё тараққийни белгилайди. Ишлаётган одамнинг «пул топиш»дан бир баҳя юқорида турувчи мотиви, яъни маънавий мотиви

ви бўлса, иқтисод ҳам, сиёсат ҳам, қишлоқ хўжалиги, са-
ноат, муҳофаа, қурилиш ҳам шунча тез ривожланади. Чун-
ки: «Барчамиз яхши англаб олишимиз керакки, ҳаётимиз-
нинг бошқа соҳаларидаги аҳвол, амалга оширилаётган ис-
лоҳотларимизнинг самарадорлиги, аввало халқ маънавия-
тининг тикланиши, тарихий меросимизнинг кенг ўрганили-
ши, анъаналаримизнинг сақланиши, маданият ва санъат,
фан ва таълим ривожини билан узвий боғлиқдир». Бундан
маънавият — маънавият учун эмас, инсон фаровонлигига
қаратилган ислоҳотлар самарадорлиги учун, деган ҳақиқат
ошқор эмасми?

Маънавий қашшоқ миллат ҳеч қачон иқтисодий ва
ижтимоий-сиёсий тараққиётга эриша олмаган. Маънави-
ят қанча юксак бўлса, миллий тикланишнинг инсон оми-
ли кучаяди. Унинг иш самарадорлиги, баракаси шунча
юксак бўлади. Юксак маънавиятли киши ёмон ишлаши,
ёмон фуқаро бўлиши, бировга ёмонлик исташи мумкин
эмас. Чунки у ўзини бошқаларга, мамлакат ҳаётига, тақ-
дирига дахлдор деб билади. Ўз меҳнати билан нафақат
даромад олаётганини, балки миллий тикланишимизга
ҳисса қўшаётганини билади. Бундан мамнун, бардам юра-
ди. Шу маънода юксак маънавият Ўзбекистоннинг ен-
гилмас кучига айланаётир. Миллий тикланишимизга суръ-
ат ва қувват бераётир. Бундан эса Президентимиз томо-
нидан маънавиятни ислоҳ қилиш нега биринчи даражали
вазифа сифатида кун тартибига қўйилганининг ҳикмати
тобора равшан бўла бормоқда.

Миллий тикланиш — тўхтамай, узлуксиз кўтарилиш,
ривожланиш демак. Бунда бир эмас, бир неча авлодлар
иштирок этади. Тикланишнинг бардавомлиги учун биз-
лардан озод ва обод Ватанни қабул қилиб оладиган ав-
лодлар қандай бўлиши керак? Бу саволга Президентимиз-
нинг халқимизда машҳур бўлиб кетган «**Фарзандларимиз
биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиш-
лари шарт!**» деган шиори жавоб. Марра жуда, жуда ба-
ланд қўйилди. Натижалари ҳар биримизни қувонтироқ-
да. Ушбу талаб абадий миллий шиоримиз бўлиб қолиши
керак. Бунинг учун ҳар бир ота-она «**Фарзандим мендан
кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши
шарт!**» деб ният қилсин. Ўз фарзандини ана шу юксак

маррага етказиш учун ҳар кунлик амалий тарбияга киришсин. Ана шунда ҳар бир оилани, ҳар бир Ўзбекистон фарзандини ушбу буюк маррада кўрамиз.

Миллий тикланишимизда ёшларимизнинг ҳозирги замон фани, техника ва технологияси ютуқларини чуқур ўзлаштириши ҳал қилувчи омил. Юксак ривожланган мамлакатлар тажрибалари қайси мамлакат ёшлари замонавий фан, техника ва технология ютуқларини мукамал эгалласа, мамлакат тараққиётига кўшадиган ҳиссаси шунчалик кўп бўлишини тасдиқлаб турибди.

Кўп миллатлиликини, мультикультурализмни айрим давлатларда муаммо, хавф, деб айюҳаннос солишмоқда. Бизда эса миллатлараро тотувлик миллий мафкурамининг асосий ғояларидан бири. «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» деган ибора республикамизда тинч-фаровон яшаётган барча халқ ва элатларнинг тилида, дилида, аҳиллигида намоён. Республиканинг миллий-маданий ранг-баранглиги маънавий қайта тикланиш, янгиланиш омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Миллий тикланишимиз муҳолифлари

— Кўплаб бузғунчи ғояларнинг асосий таъсир объекти ёш, мустақил мамлакатлар бўлиб қолмоқда. Бундай ғоя эгаларининг мақсадлари аён — ўз мавқеини ўзга минтақаларда мустаҳкамлаб, уларни ўз таъсири остига олиш, суверен давлатларни ўз манфаати доирасига киритиш, мустақиллигини заифлаштириш. Шу туфайли «Минтақада шаклланган ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий алоқаларни издан чиқариш, дўст ва биродар давлат, халқ ва миллатлар ўртасига низо солиш, кескинлик ўчоқларни келтириб чиқариш учун турли ғоявий, диний ва мафкуравий воситалар ишга солинмоқда»¹.

— Диний экстремизм эса «демократия миллий қадриятларга ва маънавиятга зид, халқ ҳокимиятчилиги маънавий қадриятларнинг йўқолишига олиб келади», деб демократик ислоҳотлар йўлига тўсиқ қўйишга уринмоқда.

¹ «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» ўқув кўлланмаси. Т., 2000, 26-б.

— Коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келишга ҳаракат қилаётир.

— Ёт мафкуралар, уларга ёлланган «қалам акулалари» аҳоли, ёшларимизни меҳнат, ўқишдан чалғитиб, ўйинларга, кўнгул очишга, истеъмолчиликка йўналтириб, ўзларига ўхшашга чорлаётир. Бебаҳо миллий қадриятларимиз ўрнига ўйлаб топган «қадриятлари»ни киритиш, мустақиллик ғояларини қоралаш, миллийликка секин-аста путур етказиш, авлодларни аждодларга гиж-гижлашга интилмоқда.

— «Қийналиб, стресслар билан топиладиган кўп даромаддан кўра кам зўриқиб эришиладиган ҳаловат яхши. Кел бизнинг сафларимизга», деб ёшларимизни чорламоқда замонавий «таркидунёчилар» — дауншифтерлар жамиятлари.

— Айрим секталар ёшларимизга: «ҳарбий хизматга борма, бурчларингдан қутул, кўй, кел бизнинг сафларга, биз билан бирга бўл» деб имлаётир.

— Киберлудомания (гемблинг) болалар ва ўсмирларни ўйинбозликка жалб қилиб, уларни ҳаётдан, меҳнатдан, ўқиш, спортдан ажратиб олиб, қалбларига «бир лаҳзалик омад» васвасасини солаётир. Бу муаммо интернет on-line тизимида ҳам авж олаётир.

— «Ватан», «миллат», «миллий давлатчилик» тушунчалари эскирди. Дунёда бир тилли битта давлат, битта ҳукумат тузамиз, Ватанингни кўй, дунё фуқароси бўл», деб аврамоқда космополитизм.

— Эгоцентризм мафкураси «Замонавий бўлсанг, ўзингни ўйла», деб ёшларимизда биз шакллантираётган мафкуравий иммунитетни — тўсиқни олиб ташлашга ҳаракат қилмоқда.

— «Ҳаёт бу — роҳат, фароғат. Кўй, ўзингни қийнамагин. Лаззатлан. Ҳамма, ҳамма нарсалар сенинг ҳузур-ҳаловатингга хизмат қилиши керак», демоқда ёшларимизга гедонизм.

— Эскапизм «Одамлар орасида яшаш — ғурбатнинг ўзи. Ватаним деб бошингни оғритма, ўз хаёлларинг билан яша»,

деб биз сингдираётган дахлдорликни ювиб юборишга интилаётир.

— Айрим «нодавлат ташкилотлар» ўзларича дунё харитасини турли рангларга бўяб, бичиб, «демократия тақчил» мамлакатлар рўйхатларини тузиб олишган.

Энг ёмони — бу бузғунчи ғоялар тўдаси чиройли, ёқимли сўзлардан фойдаланади. Чиройли кулиб, маҳлиё қилишади. Уларнинг ҳар бир чиройли сўз, ғамзалари ёшлар кулоғи, кўзларига ташланаётган қармоқ.

Ишонамизки, халқимиз, ёшларимиз чиройли сўзловчи ҳеч бир «авлиё»га маҳлиё бўлмайди. Ўзини, Ватанини, маҳалласи, ота-онаси, ука-синглисини улардан асрай олади.

Хуллас, ўйлаб қарасак, ўтган 20 йил бир қўлимиз бунёдкор меҳнатда, иккинчиси мустақиллик ҳимоясида бўлибди. Агар ёвуз кучлар бизни яратувчилик меҳнатидан чалғитмаганида, ютуқларимиз бундан-да юксак бўлар эди.

Бизни тиклаган шиорлар

Жамият тан олган ҳақиқатлари билан яшайди.

О. Бальзак

Телевидениеда, автобус, таксида, газетаю интернетда бир фикрни кўп эшитавериб кулоғимиз ўрганиб қолди. Бу — «Ўзбекистон, унинг пойтахти, шаҳру қишлоқлари таниб бўлмайдиган даражада тез ўзгариб бораётир», деган фикр. Бундан баъзан «Шундай, тўғри. Яна қандай бўлиши мумкин?» дегандай ажабланиб ҳам қўямиз. Энди ўйлайлик: тикланиш, ўзгариш нега бундай кўп ва тез?

Одамни — фикр, оламни — иш ўзгартиради. Демак, Ўзбекистонни — иш, халқимизни эса бош миллий ғоямиз: озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш нияти ўзгартирди. Бу ният, азму шижоатни Президентимиз Ислам Каримов кўтарган ғоя, фикрлар берди. Улар миллатимизнинг шўролар музлатган фахр, ифтихор туйғуларини иситиб, уйғотди, бизларни бирлаштирди. Миллий ғоямиз амалий ишларимизга кўчиб, улуғ вазифаларни бажармоқда. Миллатимизнинг кечаси, бугуни, эртасини кўрсатиб, Ватанга чексиз муҳаббат садоқат бонги бўлиб

янграмоқда: Ўзбекистон — келажаги буюк давлат! Шу азиз Ватан — барчамизники! Биздан озод ва обод Ватан қолсин! Ватан — саждагоҳ каби муқаддас. Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати! Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун! Ватаним менга нима берди, деб эмас, мен Ватанимга нима бера олдим, деб яшаш керак! Элни Ватан манфаати бирлаштиради. Халқ фаровонлиги — фаолиятимиз мезони. Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам! Ватан ободлиги кўнгил ободлигидан бошланади. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон! Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди!

— Бизни дахлдорликка, ҳаракатга чорламоқда: Мустақиллик — улкан масъулият! Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби! Озод бўлсанг — озод бўл, эркин бўлсанг — эркин бўл, мустақил бўлсанг — ҳақиқий мустақил бўл! Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг. Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак! Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураемиз! Биз қуриш, яратиш йўлидан бораверамиз! Келажакни жасоратли одамлар қуради! Мардлар кўриқлайди Ватанини! Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили!

— Улардан юксак маънавият уфуриб туради: Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Миллат қудрати — ҳамжиҳатликда. Огоҳлик — давр талаби. Жамиятимиз мафқураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин. Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Юксак маънавият — келажак пойдевори. Юксак маънавиятсиз келажак йўқ. Юксак маънавият — енгилмас куч. Ўзбекистон халқи ўз йўлидан қайтмайди.

— Барча соҳаларда ислоҳотларга йўл очиб бораётир: Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун! Демократия — бош йўлимиз. Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили. Ислоҳотлар мезони — одамлар ҳаётидаги ўзгаришдир. Деҳқончилик тараққиёти — фаровонлик манбаи. Тадбиркорлик — иқтисодиёт келажаги. Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги. Фан Ватан равнақига хизмат қилсин. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин. Ҳеч бир нарса мамлакатни спорт каби тезда дунёга машҳур қила олмайди. Ада-

биётга эътибор — маънавиятга эътибор! Тинчлик учун курашмоқ керак. Давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир.

Бу ғоялар миллий тикланишимизнинг энг қийин йиллари синовидан ўтди. Халқимизни асради, унга куч, мадад берди. Демак, уларга садоқат бундан кейин ҳам миллатимизни асрлардан асрларга беталофат, соғ-омон ва фаровон элтаверади.

1991 йилдаги Ўзбекистон билан 2011 йилдаги Ўзбекистонни қандай қиёсласа бўлади? Нималарга ўхшатса бўлади?

— Гувала уйлар билан — кўзларимизни қувонтираётган янги уй-жойларга.

— Қадди эгик, ўтирган одам билан — тик, мағрур юриб кетаётган одамга.

— Бемор билан — соғлом одамга.

— 14 киши танийдиган одам билан — жаҳонга машхур одамга.

Агар йигирма йиллик миллий тикланишимизни тасвирлаш учун атиги 5—10 та мисол бўлганида, уларни шарҳлаш, тушунтириш осон бўларди. Яхшиликлар, янгиликлар, бунёдкорлик беҳисоб бўлса, бу мушкул бўлар экан. Сиз эришган натижаларимиз тарғиботида бундан ҳам яхши қиёслар топасиз. Шундай эмасми?

ТҮРТ МУҚАДДАС СЎЗ ҲИКМАТИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш эътибор марказида бўлиши зарур.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори халқимиз интиқиб кутган хушхабар бўлди. Қарорда баён қилинган ғоялар халқимизнинг руҳи ва кайфиятини кўтариб, янги марралар сари илҳомлантирди. Асрлар давом этган мустамлакалик тарихини, машаққатли, лекин жўшқин йигирма йиллик бунёдкор кунларни эслатди. Шаҳар-қишлоқларимиздаги файзу шавқ одамларимиз чехраларига кўчгандек гўё. Бир ажиб хушнудлик, тароват кўзлардан кўзларга, сўзлардан сўзларга ўтаётир Ўзбекистонимизда.

Қарорда маданий-маърифий тарғибот масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу мақсадда Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақилликнинг йигирма йиллик байрамига бағишланган тарғибот ишлари бошлаб юборилди. Бўлажак маърифий учрашувлар, жонли мулоқот, самимий суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар завқи кишига шижоат беради. Таниқли олимлар, адиб ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари сафарга шайланишмоқда. Уларнинг оташин, самимий суҳбатларидан пойтахтликлар

ҳам, энг чекка қишлоқ ва овулларда яшаб меҳнат қилаётган юртдошларимиз ҳам бирдай баҳраманд бўлади.

Тиниқ сўз жилвалари

Ўзбекистон фарзандлари мазлум Ватанни озод этдилар. Бугун уни «**Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!**» дея юксак мартабага кўтардилар. Тўрт тарафда бунинг моддий ва маънавий тасдиқлари. Кувонмай бўладими?!

Байрамнинг мана шу тўрт сўздан иборат қисқа, самимий шиорида ҳикмат кўп. Бу шиор — содиқ фарзандларнинг она Ватанга мурожаати. Ватанга муҳаббат изҳори. «**Буюк**» сўзи — йигирма йилда юксалган Ватан маҳобатини, «**Муқаддас**» сўзи — унинг саждагоҳдек мақомини, «**Мустақил**» сўзи — кечаги кишанлардан озод, бахтиёр ҳолатини англатади. Шунинг учун ҳам бу шиор Президентимиз қарори матнида олмосдек порламоқда.

Бу шиор ҳар бир ўзбекистонликнинг кўзларидан, сўзларидан сизиб чиққан. У энди ҳар куни ёниқ кўзларимизда, тиниқ сўзларимизда жилваланади. Чунки юз йилдан кўпроқ вақт ўтгандан кейин яна озод бўлган, ўз тақдирини ўз қўлига олган халқ тўйи бу. Уйғонган миллат тўйи бу. Машаққатли, лекин шонли йигирма йилнинг ҳар тонгини Ватан деб бошлаган миллат маросими бу. Буюк келажакка элтар йўлнинг энг қийин довларидан ўтган юрт тантанаси бу.

Мўъжиза рўй берса-ю, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Алишер Навоий, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Фарғоний, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, термизийлар, шошийлар, насафийлар лоақал бир соат тирилиб, жам бўлсалар, бугунги Ватанни, ўзларига кўрсатилган олий эҳтиромни кўриб нима деган бўлардилар?!

Соҳибқироннинг харобага айланган қабри бошида тиз чўкиб, миллатнинг аҳволи зоридан, мустамлакаликнинг ситамларидан йиғлаб қақшаган Фитрат-чи?! Бугун Тошкентнинг Амир Темур хиёбонида, суворий Соҳибқироннинг маҳобатли ҳайкали қошида туриб нималар деган бўларди? Энди унинг кўзларидан шодлик ёшлари шашқатор бўлмасмиди? Ҳа, бугун аждодларнинг шод руҳларидан Ўзбекистон бошига дуолар ёғаётган бўлса, не ажаб!

Қарор билан тасдиқланган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот иш-

лари дастурининг қамрови кўнгилларни кўтаради. Унга мувофиқ мисли кўрилмаган даражада ташкилий ишлар амалга оширилади. Чора-тадбирлар эришган марраларимиз каби кўп, кўлами кенг. Улар миллионлаб юртдошларимизнинг ҳаётида ўчмас из қолдиради.

Маънавият ва маърифат Ўзбекистонда энг оммавий — етти ёшдан етмиш ёшгача юртдошларимизга хизмат қиладиган соҳа. У ҳамма кўрадиган, ўқийдиган, эшитадиган, иштирок этаётган қадрдон соҳага айланди. Маданий-маърифий тадбирлар ҳар бир ўзбекистонликнинг қалбида туғанмас шодиёнани бошлаб бермоқда.

«Олтин олмаларни кумуш ликопларда кўрсатинг», дейдилар. Бу бежиз эмас. Шундай улуғ кунларда шаҳру қишлоқ, маҳаллаларни шодиёна безаш, жиҳозлаш муҳим. Ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгига кириб бориш ундан муҳим. Уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтариш, янги марралар сари илҳомлантириш эса ундан-да муҳимдир. Чунки **«Тарихан қисқа бир даврда аввало эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир»¹**. Хуллас, маънавий-маърифий тарғибот шонли йигирма йилда эришган ютуқ ва натижаларимизга мос бўлиши талаб этилмоқда.

Тарғибот тамойиллари

Маънавият ва маърифат соҳасининг қуроли ҳам, воқитаси ҳам, усули ҳам тарғибот (одамларни бир мақсадга рағбатлантириш) ҳамда ташвиқот (шавқлантириш). Демак, бугун тарғибот одамларни **«Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!»** шиори остида маънавий рағбатлантириши, ташвиқот эса «озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт» шавқини акс эттириши керак.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўқрисида»ги қароридан.

Президентимиз Қарорида тарғибот-ташвиқот олдига аниқ-тиниқ талаблар белгилаб берилган. Яъни тадбирларни ўтказишда:

— янги ижодий кучларни, истеъдодли ёшларни, кенг жамоатчиликни жалб этиш;

— барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб бориш;

— уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган;

— янги марралар сари илҳомлантирадиган;

— таъсирчан;

— расмийлик ва баландпарвозлик кўринишларидан холи тарзда ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш вазифаси қўйилган. Бу эса мутасаддилар, тарғиботчи ва ташкилотчиларга катта масъулият юклайди. Уларга ёрдам бўлар, деган ниятда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил қилиш бўйича қуйида айрим тавсиялар таклиф этилади.

Пухта тайёргарлик. Тадбирга тайёргарлик кўришда нотик уларга тақдим этиладиган қўлланмадан, илмий адабиётлардан, интернет тармоғидан фойдаланиши, мутахассислар билан суҳбатлашиши, маълумотлар тўплаши керак. Республикаимизнинг марказий оммавий ахборот воситалари, телерадиоканаллари маълумотларидан унумли фойдаланиш зарур.

Ташкилотчилар қатнашчиларни тадбирдан камида бир ҳафта олдин хабардор этадилар. Керакли аудио, визуал, кўргазмаларни воситаларни тайёрлаб, фаол иштирокчиларни рағбатлантириш чораларини кўриб қўйсалар, яхши иш бўлади. Тадбир ҳали бошланмасдан туриб, ўзининг эълони билан кишиларни қизиқтирсин, ўзига чорласин. Уни эшитган, ўқиган киши тадбирда кўтариладиган масалалар унга дахлдорлигини тушунсин.

Ишонтириш мустақиллигимизнинг бебаҳо неъматлигига тингловчиларни ишонтириш, уларда ифтихор, Ўзбекистоннинг буюк келажигига ишончнинг янада мустаҳкамланишига эришиш демак. Токи тадбирдан чиқаётган юртдошимизнинг ишончи кираётганидагидан кучайиб, мамнун чиқсин.

Ёт ғояларга қарши тарғибот. Мустақиллигимизни кўра олмаётган гуруҳларни, уларнинг бузғунчи тарғибот олиб

бораётганини зинҳор унутмаслик керак. Уларнинг қора фикр тўла каллаларига мустақиллик йилларида эришган, ҳар куни кўриб юрган ютуқларимиздан мисоллар билан зарба бериш даркор. Бу уч карра самарали. Биринчидан, бу тингловчиларнинг огоҳлигини оширса, иккинчидан, юртдошларимизга эришган ютуқларимиз ҳақида янги маълумотлар бериб, ифтихор уйғотади. Учинчидан, уларнинг қадрига етишга, шукронага чорлайди.

Тушунарлилик. Тарғибот назариясида «Нутқида 10 та тушунарсиз сўз ишлатган нотиқ банкротга учрайди», деган нақл бор. Бу бежиз эмас. Тарғиботчи кўпроқ кундалик ҳаётимизда ишлатиладиган сўзлардан фойдаланса, нутқи тушунарли бўлади. Расмиятчилик одамни бездиради.

Тадбирга мавзу танланганда, албатта, қатнашчиларнинг ёши, касби, маълумоти ва манфаатлари эътиборга олинади. Тарғибот материалининг мазмуни, келтириладиган далиллар, баён услуби тингловчиларнинг ўртача даражасига мос бўлиши керак. Ана шунда тарғибот яхши самара беради.

«Тасвирли» сўз. Мактаб дастурларидан биламизки, сўз — иккинчи сигналлар системаси. У биринчи сигналлар системасининг ўзбекона акси. Қайноқ, ўз ўрнида айтилган публицистик сўз унда тасвирланаётган воқеа, манзаранинг ўрнини босиши мумкин. Бу физиологлар томонидан тасдиқланган. Масалан, янгиқўрғонлик коллеж талабаси Шерзод Сурхондарёдаги янги темир йўлни ҳали ўзи бориб кўрмаган. Кечаги тадбирда атоқли нотиқ Бахтиёр Исҳоқов бу қурилишни шундай тасвирладики, Шерзод Қумқўрғонга бориб келгандек бўлди. Чунки ҳароратли, образли баёндан таъсирланди. Қурилиш кўлаמידан ҳайратга тушди. Демак, образли сўз кўз ўрнини босиши мумкин экан. Чунки Шерзод аср қурилиши, деб номланаётган темир йўлни кўзи билан эмас, нотиқнинг сўзи билан «кўрди». Нотиқ унда темир йўлни кўрганларда содир бўлган ҳайрат, завқни пайдо қила олди.

Тарғибот, у ёки бу ижтимоий-сиёсий, мафкуравий ҳодисанинг содир бўлган вақтидан келиб чиқиб, уч замонга бўлинади. Булар — воқеа ҳақида олдиндан маълумот берувчи, воқеа билан бирга бошланувчи ва воқеадан кейинги тарғиботдир. Учаласи ҳам муҳим. Акс ҳолда ай-

рим кишилар ахборот етишмаслиги туфайли буюк ишлар моҳиятини тўла тушунмай қолиши мумкин.

Тингловчиларнинг руҳи ва кайфиятини кўтариш, янги марралар сари илҳомлантириш одамларнинг онгига тез ва соз кириб боришга хизмат қилади. Бадиий нутқ, қиёс, жўшқин руҳ тингловчилар қалби ва онгига йўл очади. Қарашларига тез таъсир қилиб, орзуларга қанот беради. Бунинг учун ёритиладиган воқеа, мисолларни танлашда уларнинг аҳолининг кўпчилик қисми учун муҳимлигидан келиб чиқилса, яхши бўлади. Одатда, қатнашчиларнинг диққатини дастлабки олти дақиқа давомидагина жамлаб туриш мумкин. Шунинг учун аввало тингловчилар билан фаол мулоқот ўрнатиб олиш керак. Мисоллар келтиришни сўраб аудиторияга мурожаат қилиш ҳам қатнашчиларнинг диққатини жамлашга ҳисса қўшади. Бу бир неча марта такрорланса яхши бўлади. Бунда нотик билан тингловчиларнинг яқдиллиги намоён бўлади, ундан тингловчилар руҳланишади.

Худудий ёндашув. Тарғибот мазмунини белгилашда 3 худудий даража: 1) республика; 2) худуд; 3) тарғибот кечаётган туман, шаҳардаги корхона, муассаса, идора мисолларидан фойдаланиш, яъни бирор соҳа бўйича республика, худудий, маҳаллий ва хусусий мисолларни бир-бирига боғлаш тавсия этилади. Бу тингловчилар наздида у ёки бу соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида объектив, яхлит, тизимли манзарани ҳосил қилади.

Тингловчилар билан ишлаш — иштирокчиларни қаторларга, гуруҳларга бўлиб, уларга саволлар ёки қизиқарли топшириқлар бериш. Тадбир охирида фаол ва ҳозиржавоб 3 кишини рағбатлантириб, уларга ҳам қисқача сўз берилса, яхши бўлади. Улар ўз сўзларида беихтиёр нотик айтган асосий факт, фикрларни қайта эслатсин. Ана шунда нотик бир марта айтган фикр иккинчи марта бошқа одам томонидан, айнан эмас, қизиқарли, бойитиб эшиттирилади. Ҳар бир такрор эса, тарғибот назариётчиларидан бирининг тили билан айтганда, «деворга мих қоқаётган болғанинг навбатдаги зарбасига ўхшайди».

Аҳолини тўла қамраб олиш. Тасаввур қилинг, парранда гриппидан оғоҳлантирувчи тарғибот самарадорлигини қандай баҳоласа бўлади? Туман аҳолисининг 100 фоизи пар-

ранда гриппи нималигини тушунтириб бера олса, ўзини ва атрофдагиларни бундан қандай ҳимоя қилишини кўрсатиб бера олса, бу туманда ҳеч ким грипп бўлмайди. Чунки қамров 100 фоизга, кафолатли таъминланган.

Тўлиқ қамров нафақат огоҳлантириш мақсадларида, балки бунёдкор ютуқларимиз тарғиботида ҳам зарур. Қалбларга қувонч ҳар бир оилага, энг чет тумандаги энг чет уй, овулларга-да кириб бориши керак. Ана шунда миллат ўз шижоати, қудратини, нималарга қодирлигини 100 фоиз англайди. Қанотланади. Бунинг учун ҳар бир тадбирнинг қамров кўламини пухта ҳисоб-китоб қилиб олинса, ундан кўпроқ одам баҳраманд бўлади.

Самимият. Самимият бегонани танишга, танишни дўстга айлантиради. Тарғиботда ҳам. Айниқса, мустақиллик мавзусида сўз кетганда. Шунинг учун Президентимиз Қарори расмийлик, баландпарвозлик каби хатолардан бизни огоҳлантиради. Самимийлик сўзловчи ва тингловчиларни бир маънавий организмга айлантиради. Юраклар бир хил ура бошлайди. Бунга эришмоқ учун нотикдан эътиборлилик, зийраклик, чуқур билим, самимият талаб қилинади. Агар расмийликка берилиб кетилса, иштирокчиларда ҳатто энг муқаддас мавзуларга ҳам бефарқлик пайдо бўлиши мумкин.

Кўргазмали воситалар. Кўргазмали воситалар кам вақт ичида кўп маълумотни чиройли қилиб кўрсатади. Нотикнинг кўргазмали воситалардан самарали фойдаланиши унинг жиддий тайёргарлигини кўрсатиб, тингловчиларда унга ҳурмат уйғотади. Шунинг учун тадбирларда Ўзбекистоннинг йигирма йил давомида эришган ютуқларига бағишланган ҳужжатли фильмлардан, мультимедиалардан, слайдлардан фаол фойдаланиш тавсия этилади.

Эришилган натижани мустаҳкамлаш. Маърузачи нутқининг сўнгида иштирокчилар билан мавзу юзасидан савол-жавоб учун вақт ажратади. Тингловчиларда саволлар туғилиши табиий. Агар муносабат суст бўлса, бу мавзунинг тўлиқ тушунилмаганидан далолат беради. Бунда мавзу юзасидан қўшимча саволлар билан тингловчиларни фаоллаштириб, тадбир самарадорлигини янада ошириш мумкин.

ЎЗБЕКИСТОНДА УЙҒОНИШ БАХТИ

ёки

эзгу ғояларимиз рўёби ҳақида

Ғояларда акс этган натижалар

Рўёб — сувнинг сатҳи, юзаси, дегани. «Рўёбга чиқди» ибораси сув остида ётган бирор жисмнинг босимни енгиб, сув юзасига, сатҳига чиқишини билдиради. Бу ибора кўпинча орзу, ният, ғояларнинг ушалишига айтилади. Бугун ислоҳотларнинг кўзларимизни яшнатаётган, тилларимизни сайратаётган сон-саноксиз ютуқлари уларнинг заминидаги теран илмий асослардан, бунёдкор ғоялардан сўзламоқда.

Мақсади ноаниқ миллат шамол эсишига қараб сузаётган кемага, ўқланган-у, бироқ қаёққа қараб отишни билмайдиган замбаракка ўхшайди. Президент Ислом Каримов халқимизга **«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!»** деган буюк орзу ва ишончни берди. Мутеликка ўргатилган маъсум ва маҳзун миллатнинг бошини кўтарди. Нуқул пастни, ўз оёқлари атрофини кўришга ўрганиб қолган миллат олдинга қаради. Ўзидаги чексиз имконият, салоҳиятни, бунёдкорлик майдонини кўрди. Ўзига ишонди, ишга тушиб кетди. Бунинг натижаларини ҳар қадамда, ҳар куни кўраётган яхшилар шукроналар айтмоқда. Кўзи очиғ-у, кўролмаётганлар... қийналмоқда.

Ҳарбий полигонларда ҳужум қанчалик зарур бўлса, ҳимоя ҳам шунча зарур. Мафкуравий полигонларда бўлса инчунин. Халқимизни ғоявий ҳимоя қилиш, ёвуз ғояларга қарши туришида Президентимизнинг огоҳликка даъват этувчи асарлари, нутқлари, ташаббуслари, айниқса, «Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби методологик асос бўлиб хизмат қилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз

қалби ва онгига илондек сирғалиб келаётган маккор ғоялардан огоҳлантиришда, уларга қарши курашиш учун маънавий қурол ва ҳимоя учун маънавий қалқон бўляпти.

Миллий ғоямиз ўзида халқимизни бирлаштирадиган олий мақсадлар, асрлардан асрларга, юраклардан юракларга ўтиб келган орзу-армонлардан яралди. Унинг рўёби учун мустақил фикрловчи инсонлар керак эди. Шу сабабли миллий ғоя тарғиботи олдида фуқаролар дунёқараши-ни бошқариш эмас, балки одамлар тафаккурини бойитиш, янги маъно ва мазмун билан тўлдириш вазифалари қўйилди. Зеро, «Миллий ғояда мужассам бўлган буюк мақсадларни рўёбга чиқариш авваламбор жамиятимиз ва шу жамият аъзоси бўлмиш ҳар қайси инсоннинг маънавий олами ва дунёқарашидаги ижобий ўзгаришлар билан бевосита боғлиқ эканини унутмаслигимиз зарур»лиги Президентимиз томонидан уқтирилди. Бу, аввало, жамият тафаккурини эски, миллат, халқ ва Ватан учун зарарли қараш, қолиплардан даволашни талаб қиларди. Шу маънода миллий ғоямизга ўзига хос маънавий даволаш вазифаси юкланди.

Миллий мафкурамизнинг бош ғояси — **Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш** деб белгиланди. Бу — биз қуришга жазм этган «Келажаги буюк Ўзбекистон»нинг шаклу шамоийли эди. Ана шундай Ватанда яшаш ҳар бир ўзбекистонликнинг орзусига, ғоясига айлантира борилди.

Ўтган машаққатли, лекин миллий ғоямиздан кучланган йигирма йил миллатни бугунги шарафли марраларга кўтарди. Ҳамма жойда, барча соҳалардаги ўсиш, суръат, факт ва рақамлар, кўзларимиз кўриб, қулоқларимиз эшитиб турган ҳаёт динамикаси буни исботлаб бормоқда. Уларнинг кўплигидан ҳар бири ҳақида ёзиш ва шарҳлашнинг имкони йўқ. Мамлакатимиздаги газеталарни варақлаб, «Ахборот» ёхуд «Давр»ни кўринг. Ҳар бир кунни бир китоб бўладиган бунёдкорликка гувоҳ бўласиз.

2010 йилнинг 12 ноябри. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» деб номланган маърузасида маънавий-маърифий соҳа учун жуда қимматли фикр: одамларимизнинг ўзгаргани, уларнинг

сиёсий ва фуқаролик фаоллиги ошаётгани, онгу тафаккури юксалиб, ён-атрофда бўлаётган барча воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Эътибор беринг, одамларнинг ўзгаргани, фаоллиги ошгани, тафаккури юксалгани, дахлдорлик туйғуси ва ишончи ортгани таъкидланмоқда. Халқимиз онгу тафаккуридаги бу ўзгаришлар диалектик равишда унинг тутуми, ҳаракатидаги ўзгаришларга олиб келди, уларни бунёдкорликка сафарбар қилди. Ва ниҳоят: **«Юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг ҳаётидаги ана шундай ўзгариш ва янгиланишлар ўз моҳият-эътиборига кўра, бугунги кунда мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминлаётган ҳал қилувчи кучга айланмоқда»¹**. Бу юксак эътироф республикамизнинг барча ҳудудларида, давлат ва жамоат ташкилотлари, корхона ва идоралар, таълим муассасаларида хизмат қилаётган маънавият ва маърифат ходимларига юксак рағбат, мадад ва илҳом бермоқда.

Одам «Мен бу ишни қила оламан», деганда (ўзига ишонгани учун!) ҳақ бўларкан. Қарангки, у: «Мен бу ишни қила олмайман», деганида ҳам (ўзига ишонмагани учун!) ҳақ бўларкан. Демак, масала ишончга бориб тақалмоқда. Демак, ишончни пайдо қилиш, кучайтириш шунчалар қийин ва муҳим экан-да.

«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» шиори улкан ирода ва илмий асосга қурилган ишонч билан ўртага ташланди. Бу буюк орзу биринчи марта айтилганида, тўғриси, кўпчилик тушунмади. Тушунмаганларни ҳам тушунса бўларди. Чунки:

«Ўзбекистон БМТга аъзо бўлади»;

«Ўзбекистон халқининг ўртача умри 67 ёшдан 73 ёшга узяди»;

«Тошкент — ислом маданияти пойтахтига айланади»;

«Фермерлик ривожланиб кетади»;

«Спорт Ўзбекистонни оламга тез машҳур қилади»;

¹ И. Каримов. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». «Халқ сўзи», 2010 йил 13 ноябрь.

«Ўзбекистон Германия, АҚШ, Япония, Франция, Хитой, Жанубий Кореяни ўзига тенг ҳамкор деб ҳисоблайди»;

«Ўзбек йигити Жаҳон чемпионати ўйинларига ҳакамлик қилади»;

«Ўзбекистон енгил ва юк автомобилларини ишлаб чиқаради, экспорт қилади»;

«Навоий шахри халқаро интермодаль логистика марказига — жаҳоннинг осмон йўллари туташтирадиган жойга айланади»;

«Ўзбекистонда оналар ўлими 2 баробардан зиёд, болалар ўлими 3 баробар камаяди» деган гаплар, очиғи, ўша пайтдаги тасаввурга, ақлга сиғмас эди-да. Шунинг учун «Бундай бўлиши мумкин эмас. Чунки бундай бўлмаган», деганлар ҳам, «Ҳм-м. Шошилманг. Кўрайлик қани, нима бўларкан», дегувчилар ҳам кўп эди. Ўзбекистоннинг, яъни ўз ватанининг ўз кучи, ақлига суяниб зўр давлат бўлишига ишонувчилар кам эди. Чунки бунинг аянчли сабаблари бор эди. 90-йиллар одамлари буюклик ўз юртида эмас, шимолда деб ишонтирилганди. Ҳатто қўшиқлар ҳам шу ғояга хизмат қиларди. Бунга Ватан ҳақида ўзбек тилида куйланган қўшиқдан бир парча мисол:

*Бепоен юртимнинг бир гулбоғи,
Москвадан нур эмган бахт маёғи.
Бахтлисан, қардошлик оиласида.*

(Ўша пайтлари бу қўшиқни жўшиб айтган ёшлар ҳозир унинг замиридаги маънони теран тушундилар. Энди билсак, бу қўшиқнинг маъноси: «Ўзбекистон! Электр қувватини Москва уласа — ёнувчи, узса — ўчувчи маёқсан. Шундан бахтлисан, билиб қўй!» экан.) Қўшиққа сингдирилган ана шу ғоялар қулоғимизда бўлган шундай бир вазиятда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» шиори ўртага ташланди. Бу улкан жасоратни, халқни бунга ишонтириш эса ундан ҳам катта шижоатни талаб қилар эди.

Ўрта аср грек педагогикасида «Ignoti nulla cupido» — «Мавҳум нарса одамларни қизиқтирмайди», деган тамойил бўлган. Бу тамойил кейинчалик тарихда одамларни бир бутун, яхлит мақсад, ғоя атрофига бирлаштириш, уларни қизиқтириш, сафарбар қилишда иш берган.

Мавҳумлик билимдан чекинади. Ҳар бир инсон — ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, ғоявий, эстетик, маънавий, тарихий билимларнинг ўзига хос мажмуи. Ана шу билимлар уни бошқаради. Яхши (ёки ёмон) ишларга йўллайди. Бу билимлар мажмуи ва таркиби эса нисбий. Врачнинг кундалик билимлари фермерникидан, продюссернинг кундалик билимлари журналистникидан фарқ қилади. Кундалик ҳаёт одамларнинг «ҳозир ва шу ерда»ги хатти-ҳаракатларидан ташкил топади. Бу — ишлаётган реал онг дегани эмасми? Одам хулқини бевосита (ҳозир ва шу ердаги воқелик ҳақидаги) ва билвосита (бошқа вақт ва бошқа макондаги воқелик ҳақидаги) билимлари бошқаради. Бу одамнинг «ҳозир ва шу ерда»ги хатти-ҳаракатлари, унинг ўзи яшаётган жойдаги воқелик ва Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидаги ислоҳотлар ҳақидаги билимлари одамга қарор, хулоса беради, деганидир. Ана шу билимларни миллий ғоя, маънавият ва маърифат бермоқда.

Мақсад, ғоя ажойиб бўлса-ю, унинг тасвири бўлмаса, халқ қалби ва онгига кириши, жой олиши, севилиши қийин бўлади. Шу боис ғоянинг тарғиботи, ташвиқи, тасвири улкан аҳамият касб этди. Миллий ғоямиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» деган буюк мақсаднинг Президентимиз асарларида акс этган шакл-шамойилини халқимизга кўрсатди, тушунтирди. Янгича ишлашга, яшашга иштиёқ, завқ бериб, қизиқтирди, илҳомлантирди. Маърифат тафти мутелик, ишончсизлик музтоғларини эрита бошлади. Мустақил Ўзбекистон орзулари буюк одамлар юртига айлана борди. Ўтган йигирма йил — буюк орзуларни рўёбга чиқариш учун зарур вақт, инсон омили, маблағ, иш, тинчлик, сиёсат билан таъминлади. Халқимизни мустақилликни мустаҳкамлаб, янада ёруғ ва эркин ҳаёт сари умуммиллий сафарбарликка чорлади. Сиёсий партияларнинг мафкуравий платформаларига, жамоатчилик, нодавлат ташкилотларининг фаолият дастурларига сингди. Дастурлардан одамларнинг дунёқарашларига, улардан амалиётга ўтиб, юзага — рўёбга чиқмоқда. Бугун ана шу йигирма йиллик меҳнатнинг ширин мевалари дастурхонларимизда. Озод ва обод, эркин ва фаровон ҳаётимизнинг тотли, юз минглаб мисоллари бунга гувоҳлик бермоқда.

Натижаларда акс этган ғоялар

Юрт тинчлиги

Ота-боболаримиз, она-момоларимизнинг чехраларини бир эслайлик. Улар Яратгандан бизлар учун тинч-осойишталик сўраб, дуо қилаётган сиймода гавдаланадилар. Демак, эртага биз ҳам авлодларга шундай гавдаланамиз. Демак, бу — азалий ва абадий ўзбекона қадриятимиз. Унда инсоннинг энг муқаддас ҳуқуқларидан бири — тинч яшаш экани эътироф этилади. Ана шу миллий ва умумбашарий қадрият — тинчликни таъминлаш миллий мафкурамининг асосий ғояларидан бири этиб белгилаб олинди.

Миллий ғоямиз тинчлик сўзи билан бошланади. «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида қайд қилинганидек: «**Табийки, миллий ғоямиз шу юртда яшаётган барча одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади**».

Тинчлик — жозибали сўз. Унинг қадрини тинчлигини йўқотганлар яхшироқ билади. Тинчлик орзунинг эмас, балки мустаҳкам ҳимоянинг натижаси. Тинчлик бу — ҳар куни 24 соат давом этадиган аниқ, оғир иш. У ҳар бир вилоят, туман, маҳалла, оила, қолаверса, ҳар бир инсоннинг қалбидаги тинчлик, ҳаловат, хотиржамликка боғлиқ. Аслида тинчликни бузадиган катта сабаблар у ёки бу инсон қалбидаги нотинчликдан бошланса, не ажаб.

Президентимиз шу сабабли бу масала аҳамиятини урғулаб «**Тинчлик учун курашмоқ керак!**» деган талабни қўйди. Бу «**Ўз уйингни ўзинг асра!**» тарзида ҳар бир инсоннинг виждон иши даражасига кўтарилди. Токи ҳар бир фуқаро ҳар куни ўзининг оиласи, маҳалласи, Ватанининг тинчлигига дахлдорлигини эслаб қўйсин. Огоҳ бўлсин. Шу тариқа ушбу шиор ҳар бир ўзбекистонликнинг миллий бурчига айланди. Дунёнинг турли минтақаларида нотинчликлар фонида Ўзбекистон тинчлик, осойишталик диёри бўлиб турибди. Демак, Юрт тинчлиги учун кураш давом этмоқда.

Бугун халқимиз Юрт тинчлиги ғояси рўёбидан дарак берувчи минглаб ишлар натижаларидан хабардор. Бу ғоянинг тантанасидан баҳраманд, хотиржам. Буни тасдиқ-

ловчи мисоллар океанидан олинган айрим томчиларга мурожаат қилайлик.

«Ҳаёт завқи», «ҳаёт лаззати» деган ибораларни кўп эшитганмиз. «Ҳа, энди бу китобларда шоирлар ёзадиган гаплар-да», деб ҳам кўямиз. Йўқ. Ҳар бир киши реал ҳаётда, замонавий тилда айтсак, «on laup»да бахтини ҳис қилса бўлар экан. Ҳаёт лаззатини эртага туймоқчимисиз? Бунинг учун тонгда уйғонинг. Ўзбекистонда...

Тошкент. 2011 йилнинг 10 март. Соат 6:20. Кун тундан ажралаётган палла. Уйга меҳмон келадиган. Сабзипиёз деганларидек, Юнусобод бозорига борадиган бўлдим. Машина радиосининг мурватини бурадим. Эфирда С1 FM. Ҳавога ўзбек «Шашмақом»идан куй янгради. Шундай ширин оҳанг таралдики, жондек самимий. Прайм-тайм соатларида эшиттириладиган, кўрсатиладиган «Нега мени севмайсан?» тарзидаги «оммавий маданий» саёз сўз, соз, ортиқча ноз, ёлғон фироқ, ишва, фальш йўқ. Кетидан «Кўрсатмагай» кўшиғи, кейин эса

*Оқила қиз ҳуснда ўртача бўлса ҳам,
Эл аро баъзи бир маҳлиқони енгади.
Эл ризосин қудрати балким қазони енгади.
Битта раҳмат оқибат минг балони енгади, —*

деган маърифий кўшиқлар таралди. Кўшиқ — икки нарсанинг кўшилгани. Ўзбек кўшиқлари — ҳикматнинг куйга, яхшилиқнинг гўзалликка кўшилиши, дейсиз.

Ҳа, Ўзбекистон тонги ана шундай тароватли, ҳикматли бошланади. Лоқайд одам бунинг нашъасини суролмас экан. Бунинг учун Ўзбекистонда, тонгда уйғониш керак экан.

Социолог Дюркгейм ҳаётни ўрганишда «ижтимоий факта бир буюм, предметдек (моддий нарсадек, демоқчи — М.Қ.) қаранг», деган эди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 7 октябрь куни Оқсаройда БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош котиби Толиб Рифаини қабул қилди» («Адолат». 2010 йил 8 октябрь). Бир қараганда, кичик бир хабар. Лекин фикрловчи одамлар шуни яхши биладиларки, қаерда тинчлик, хотиржамлик кафолатли ҳимояда бўлса, сайёҳ ўша жойга боради. Нотинчлик, беқарорликдан, ғурбатдан қочади.

Жаноб Толиб Рифаининг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти номидан Ўзбекистонга келиши Ўзбекистонимизнинг дориламон, тинчлик-барқарорликнинг ижтимоий факти, моддий, реал майдони эканини англамайдами?

Афсуски, айнан шу кунларда дунёнинг бошқа ҳудудларида бунинг акси: «Тошкент оқшоми» газетасининг ёзишича, Доғистонда жангарилар билан отишма чоғида уч нафар милиция ходими ҳаётдан қўз юмиб, биттаси яранган...

Энди мулоҳаза қилайлик: ақлу ҳуши жойида, маблагини шамолга совурмайдиган, инсондек яшашни, гўзалликлардан роҳатланишни хоҳлайдиган сайёҳ қаерни тандайди?

КЕЛАСИ ЗАМОННИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОНГА АЙЛАНИШИ

Ватан равнақи ғоясининг рўёби ҳақида

*Миллий ғоямизнинг асосий мазмунини ифода эта-
диган йўналишлар ҳақида гапирганда, ҳеч шубҳасиз,
биз Ватан равнақи ва тараққиётини ўзимизга та-
саввур қиламиз.*

Ислом Каримов

Нега «Ватан — Она» дерлар?

ВАТАН — инсон энг кўп ўйлайдиган, сўйлайдиган, куйлайдиган мавзу. Энг юксак жасоратлар сабаби — Ватан. Жаҳон урушлари ўртага Ватан масаласи қўйилганда бошланган. Ватан деб жондан кечадилар. Улар маънавий жасорат соҳиблари, азизларимиз. Ўзбекистонда улар абадий хотирланади, қадрланади.

Нега Ватан сўзининг олдига Она сўзини қўшамиз? Она — кўзи юмуқ муштдек жоннинг 9 ойлик роҳатбахш, сокин ватани. Инсон туғилгач, ўзга ўлкаларда эмас, фақат киндик қони томган ўз Ватанида ана шу ҳаловатни ҳис қила олади. Ватан сўзига Она сўзининг қўшилиши балки шундандир?!

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов Ватан меҳри билан безалган жўшқин шиорларни ўртага ташлади. Улар Ватанга чексиз муҳаббат, садоқат бонги бўлиб янграмоқда:

Ўзбекистон — келажак буюк давлат!

Ватан саждағоҳ каби муқаддас.

Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати!

Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун!

Ватаним менга нима берди, деб эмас, мен Ватанимга нима бера олдим, деб яшаш керак!

Элни Ватан манфаати бирлаштиради.

Ободлик кўнгилдан бошланади.

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Шу азиз Ватан барчамизники!

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!

Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!

Аён бўлдики, Юртбошимиз янги Ўзбекистонни яратиш учун, бизда янгича Ватан туйғусини уйғотиб, бизларни буюк келажакни қуришга тайёрлаган экан. Президент даъватлари касбимиз, миллатимиз, динимиз, ёшимиз, жинсимиз, лавозимимиздан қатъи назар, Ватан равнақи масаласида бир жону бир тан қилди, бирлаштирди.

Бу даъватлар илк китоблари давлат маблағи ҳисобидан чоп этилаётган иқтидорли ёшларнинг, жами ёш авлоднинг дилида, тилида, ишида, ижодида акс садо бермоқда. Ана шундай ёшлардан бири — Фарғона давлат университети талабаси Гўзалхон Эргашева қалбидагини шундай ифода этади:

*Юрагим тубида муқаддас жой бор,
Унга Ватан дея ёзиб қўйганман.
Юртга хизмат қилиб, яшайман ҳар дам,
Чунки тупроғини босиб қўйганман.*

Она Ўзбекистон ҳар биримиздан мана шундай садоқатли меҳрни кутишга ҳақли. Шундай эмасми?!

Фоявий тарбияда «Фояларга образ беринг!» дейилади. Мусаввир Леонардо да Винчи ҳам «Кўриб бўлмайдиган нарсани қаттиқ севиб бўлмади», деган. Бу қоидалар ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишида ҳам муҳим. Шунинг учун барча халқларнинг Ватан сиймосини ифодаладиган ўз образлари, рамзлари бор.

Биз Ватан деганимизда беихтиёр кўз олдимизда Мустақиллик майдони, Бахтиёр онанинг мунис сиймоси гавдаланади. Юракларимизни аллалайди. У зурёдининг дийдорига тўймай тикилаётир. Орзулари бир олам. Унинг мамнун чеҳрасидан Мустақиллик майдонимиз мунаввар. Бугун Бахти-

ёр Онамиз ҳаммамизни Буюк, Муқаддас, Мустақил Ватан билан қутлаётир. Онамизга қўшилиб Олам қутлаётир.

Ватан равнақи тасаввурда

Ватан равнақи ғояси ҳар бир юртдошимизнинг ташаббускор, ишбилармон, тадбиркор бўлиб, шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғун яшашига боғлиқ.

Бугун «тараққиётнинг ўзбек модели» ўзини тўла оқлади. Жамиятимизда тадбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланиб, давлатимизнинг иқтисодий қудрати тобора ортаётир. Халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётгани Ватан равнақининг асоси бўлмоқда. 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номлангани ҳам Ватан равнақи тантанасини тасдиқлаб турибди.

1992 йил 2 июлида бўлиб ўтган XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида Президентимиз шундай деган эди: «Мулкчиликнинг барча шаклларига эрк берилади, шахсий ташаббус ва ишбилармонликка кенг йўл очилади»¹.

Сиз ҳозир мустақиллигимизнинг ўн биринчи ойида кўтарилган ғояларни ўқидингиз. Ғоялар одатда келаси замон майлида кўтарилади. «Эрк берилади», «йўл очилади» ва ҳ.к. Келаси замон феълларидан «а» ҳарфини ўчириб қўйсангиз, «эрк берилди», «йўл очилди» бўлиб, келаси замон ҳозирги замонга айланади. Меҳнат ва изтиробларга тўла йигирма йилда, дарҳақиқат, кўплаб ғояларимиз ўз меваларини берди.

Ҳолбуки, мустақилликни биз билан бир вақтда қўлга киритган кўплаб республикаларда натижа бошқача бўлди. «А» ҳарфи ўчмади. Аксинча, у «ма»га айланди — «эрк берилмади», «йўл очилмади». Бунинг оқибатида совет турмушининг хароб манзаралари асл ҳолича, «оригинал»да сақланиб қолмоқда. «Аргументы и факты» ҳафталигининг ёзишича, айрим собиқ совет республикаларининг шаҳар, район, қишлоқларида «мустақилликнинг 20 йилида битта ҳам (!) ижтимоий объект қурилмади. Баъзи мактаб, касал-

¹ И. Каримов. Истиқлол йўли: муаммо ва режалар. Т., «Ўзбекистон», 1992, 20-б.

хона, кинотеатрлар сирти косметик бўялган, холос. Кўчаларни тўлдириб «Москвич-412»лар юрибди. Майдонларда Ленин «Тўғри йўлдан боряпсиз, ўртоқлар!» деб турибди...» («АиФ». №11, 2011.)

Ободлик — озодликдан

Ватан равнақ топиши, обод бўлиши учун аввало у озод бўлиши шарт экан. Ёшларимиз Ватан тарихини яхши билдилар. Юртимиз юз йилдан ортиқ вақт «пахта экиладиган худуд» мақомида келди. Шўро даврида ҳам Ўзбекистон бор эди, бироқ обод эмас эди. Бу масалани ўзга жойларда «кўриб чиқишарди». Масалан, «Советобод районидаги бошланғич мактабнинг девори шўрлаб, шиферлари синган. 10 йилдан буён томидан чакка ўтиб ётибди. Бу — бешинчи аризамиз. Илтимос, ёрдам беринг», деб ёзиларди Москвага. Бир йилдан сўнг «Советобод район Карл Маркс номидаги мактабга 10 та кичик шифер ажратишни келаси беш йиллик дастурига киритиш масаласи кўриб чиқилади», деган жавоб келиши мумкин эди. Чунки қарорни биз эмас, ўзгалар қабул қиларди.

Мустақиллик маънавиятидан кўнгиллар обод бўлди. Обод кўнгиллар уй, кўча, йўл, қишлоқ, маҳалла, ям-яшил хиёбон, майдон, гулзорлар, иншоотлар билан Ватанни ОБОД қилди. Қайси томонга қараманг, кўзларингиз гувоҳлик бераётир: биздан озод ва обод Ватан қолаётир.

Ўзбекистон қачон шунчалар машхур, шунчалар обод бўлган? Бундан 20 йил олдин олам аҳли Самарқандни, Бухорони, Хивани эшитганди, холос. Бироқ Ўзбекистонни билмас эди. Самарқанду Бухоро, Хивани аجدодлар, Ўзбекистонни — 1991 йил ўз тақдирини ўз қўлига олган озод авлод машхури жаҳон қилди.

Тошкент, Нукус, Қўқон, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Қаршини, ҳар бир туманимизда ярқираган турар жойларни кўринг. Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳару қишлоғи шундай гўзал, обод бўлаётир.

Миллатнинг тўйи арафасида одамнинг ёқимли, ширин сўзларни кўп-кўп айтгиси келади. Лекин бугунги бахтиёр кунлар осмондан тушмаганини, ўзи келмаганини ҳам айтмаса, бўлмас.

Ўйлаб қарасак...

Ўтган 20 йил давомида мафкуравий хуружлар ёшларимизнинг Ватан туйғусини сўндиришга чиранди. Бунинг учун ҳеч нарса аямади. Янги-янги ҳийла-найранг, замонавий воситалар, катта маблағини сотқин ёллашга сарфлади. Сотқинлик эртақларда ёки тарихда қолиб кетмаган экан. У ҳозир ҳам, эртага ҳам кутилмаган жойдан чиқиб, юракларни эзиши мумкин экан.

Ўз халқининг душманларига дўст бўлиб, Она Ватанига қарши қурол кўтарган, маҳалла, қишлоқ, ота-она, ёрбиродарларидан воз кечиб, адашган, икки дунёсини бой бериб қўйганларни ҳам кўрдик.

Яқинда, «Ўзбекистон» телеканалда ўз ватанига, халқига қарши қурол кўтарган акромийлар ҳақида ҳужжатли фильм берилди. Унда оддий андижонликлар акромийларни «халқимиз жонига зулм қилганлар», «уруғ-аймоғини пулга сотганлар», «маразлар», «ота қаддини букканлар», «менинг болаларимни чиритганлар», «падар лаънатилар», «ўлигинг ҳам келмасин», деб ер муштлаб қарғади.

Ўзбекдек содда, самимий, мулойим халқ шундай фарёд қилиши учун унинг ичи нафратдан тўлиб, ёниб кетиши керак. Шундай бўлди. Акромийларнинг Ватанга хиёнатини халқимиз, оддий андижонликлар шундай қарғади. «Ватанни севмоқ — иймондандир!» деган муборак ҳадиснинг устидан босиб ўтган гумроҳларни аҳли ислом, аҳли инсон шундай қарғар экан.

Ҳа, дунёда ким кўп, бузғунчи кўп. Демак, улар билан мафкуравий курашимиз давом этаверади. Сохта, ёлғон ахборот тарқатишга, ахлоқсизликни «мода»га айлантиришга, ўз «демократия»сини зўрлаб ё алдаб жорий этишга уринаверишади. Ёшларимизнинг ватанга садоқат, дахлдорлик, гражданлик туйғуларини сўндиришга интилишади. Уларни биздаги Ватанга садоқат, дахлдорлик, жўш ураётган шижоат, ишонч қўрқитаётир. Шунинг учун улар бизнинг қисқа вақтда эришган асрларга татигулик ютуқларимизни қадрсизлантиришга чиранмоқда. Уларнинг иддаолари барча соҳалардаги муваффақиятларимизга урилиб, чилпарчин бўлаётир.

Ўзбекистон — муваффақиятлар майдони

Ўз киндик қони тўкилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, гурур ва ифтихори юксак бўлади. Шундай бўлди ҳам. Келинг, бу ҳақда инсонлар сўзласин.

Фермер (2009 йил): — «Фермерлик» деган сўзни муҳтарам Президентимиздан эшитдим. Илгари тасаввур ҳам қилолмасдим. Мана мен бугун фермерман, мулкдорман. 300 гектар ерим, 700 бош қорамолим, сут ва гўштни қайта ишлаш цехим бор.

Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишляпман. Кредит олиб 100 оила асалари сотиб олдим, 15 сотих ерга парник қурдим. Биогаз олиш қурилмасини яратдим. Газ ишлаб чиқаришни йўлга қўйдим.

Коллеж битирувчиларидан 30 тасини танлов асосида ишга олдим. Фермер хўжалигимиз ишчилари 73 кишидан 103 кишига етди. Илгари ўртача иш ҳақи 130 минг сўм бўлган бўлса, ҳозир 300 мингдан ошди.

Банкдан кредит олиб, қишлоқ аҳолисини табиий метангази билан таъминламоқчиман. Техникаларимни газлаштираман. Бу билан ёқилғига харажатларимни тежайман.

.. **Меҳнат фахрийси:** — Юртимизда янгилик, ўзгариш шунча кўпки, қиёсига вақт етмайди. Ўзимдан мисол. Мен бошланғич синфни совет мактабида — ертўлада ўқиганман. Бугун биргина Ангор туманида замонавий 43 та мактаб, 6 та коллеж ишлаб турибди.

Транспорт муаммоси йўққа чиқди. Олдинлари Ангордан Термизга келиш учун бир кун кетарди. Ҳозир ярим соат кифоя. Чунки йўллар равон. Пенсиямизни уйга олиб келиб беришади. Қаерда бор бундай шароит?

Маҳалла фаоли: — Илгари кўча-кўй, жамоат жойларида қоп-қора кийиниб, ранги мурдадек бўлиб, қўрганларнинг кўнглини оғритиб юрган адашганлар бўларди. Мана бугун кўча, бозорларни кўринг. Ҳамма кўзларимизни қувнатиб, миллий, замонавий кийинган. Кўча, бозорларимизни қора рангдан, залолатдан нима поклади? Менимча, ҳаммамизнинг фикрга қарши — фикр, ғояга қарши — ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашганимиз поклади.

Ёш тадбиркор: — Масъулияти чекланган жамиятимизда теварак-атрофдаги қишлоқлардан 800 дан ортиқ киши ишламоқда. 2007 йилда Австриядан қайта ишлаш линиясини олиб келиб ўрнатдик. Шарбатларни замонавий пьурпак пакетларига қадоқлаяпмиз. Янги иш ўринларини яратяпмиз. Бу тобора кўпроқ оилаларни фаровон қилаётир. Режам — туманимизда етиштирилаётган мевалардан табиий концентратлар ва помидордан томат пастаси ишлаб чиқариб, унинг 80 фоизини экспорт қилиш.

Ватан равнақи йўлидаги ҳар қандай меҳнат Президентимиз эътиборида экан. Мана, чекка бир қишлоқда ишлаётган мендек бир оддий тадбиркор «Шухрат» медали билан тақдирланди.

Мен Президентимизнинг: «**Киши тоза қалб билан, чин кўнгилдан бир ният қилиб, интилса, унга албатта эришади**», деган сўзларини шиор қилиб яшаб, шу натижаларга эришмоқдаман. Орзуим — Ўзбекистонимизни юксак ривожланган давлатлар қаторида кўриш. Бунда менинг ҳам ҳиссам борлигини ҳис қилиш.

Спортчи: — Спортда эришган мислсиз натижаларимиз Ватанимизни тез машҳур қилди. Футбол бўйича Осиёнинг энг яхши ҳаками Равшан Эрматов ёшларга маслаҳат беради: «Авалло, ҳар бир йигит ўз касби, ишида зўр натижаларга эришиши керак. Бу унинг ҳаётини фаровон қилади. Оилали, фарзандли, яхши дўстлари бўлиши керак. Нимага қўл урса, уни пухта ва сифатли бажариши керак. Ўз олдига катта мақсадлар қўйишдан чўчимаслиги лозим. Биз энгиб ўтолмайдиган тўсиқ йўқ. Оптимист бўлинг, ҳеч қачон тушкунликка тушманг ва доим олдингизга аниқ мақсад қўйиб, унга интилинг. Мени Осиё, Европанинг кўп мамлакатларида танишади. Ёнимга келиб, суратга тушишади, автограф олишади. Бироқ Ўзбекистондек юртни, бу ердаги меҳр-муҳаббатни бошқа ҳеч қаерда кўрмадим.

Равшаннинг Ватан равнақи ғоясига садоқати унинг ўзини ва Ўзбекистонни оламга машҳур қилди.

Газеталар Ватан равнақи ғоясининг рўёби — фактларни ёзаётир:

— Илгари Ўзбекистон жаҳон пахта бозорига киришга интилган ёш мамлакат эди. Бугун эса пахта бозори Ўзбекистонга келди. «Пойтахтимизда 2010 йилнинг 13 октябрь

куни VI Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бошланди» («Тошкент оқшоми», 2010.14.10).

– Жаҳон давлатлари жаҳон молиявий инқирозидан инграётган «2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни ташкил этди» («Халқ сўзи», 2010. 20.10).

– 2010 йилнинг олти ойида мамлакатимизда экспорт ҳажмининг ўсиши 14,3 фоизни ташкил этди («Халқ сўзи», 2010.05.08).

– Ватанимиз равнақи юксак ривожланган давлатларнинг Ўзбекистонга бўлган эътирофида, эътиромида яққол кўринмоқда. Ўзбекистон Президентининг расмий ташрифлари натижалари чет элларнинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари томонидан катта қизиқиш ва диққат билан кузатиб борилмоқда. Келинг, ана шундай ташрифлардан бири ҳақида ҳолис хорижий экспертлар сўзласин:

«Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга ташрифи Осиё тарихидаги муҳим воқеадир» (Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси, профессор С.Саксена (Буюк Британия).

«Президент Ислом Каримовнинг Япония, Хитой ва ниҳоят, Ҳиндистонга қилган ташрифлари халқаро ҳамкорликни самарали ривожлантиришнинг яққол мисолидир» (Саргемини consulting компаниясининг янги бозорлар бўйича эксперти Б.Нисканена (Франция). (Uzbekistan Today, 2011.26.05.)

– «Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган мамлакатимиз автосаноати иқтисодиётимиз салоҳияти рамзларидан бирига айланди. «Ўзэкспомарказ»да янги **Chevrolet Spark** автомобили кенг жамоатчиликка намоёиш қилинди» («Тошкент оқшоми», 2010.26.08).

– Ўзбек автомобиллари жаҳон бозорларини эгалламоқда. Сотувлар «Nexia» энг сеvimли автомобиллардан бири эканини кўрсатаётир. Ўзбек автомобиллари бугун жаҳоннинг 10 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинмоқда. Россиянинг «Автостат» аналитик марказидан расмий хабар: «Nexia» Россияда сотиладиган хорижий автомашиналар орасида биринчи ўринга чиқиб олди. Россияда 2010 йилнинг сентябрида биргина «Nexia»нинг сотилиши 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 126 фоизга ошган. Ўзбек

«Nexia»си «Renault Logan», «Ford Focus» автомобиллари-дан ўзиб кетди» («XIX асп», 2010.16.09).

– «Тошгузар–Бойсун–Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилганига уч йил тўлди. Бу қурилиш халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин намунасидир. Ҳисор тоғ тизмаси узра 1800 метр баландликдан ўтган, умумий узунлиги 223 километрни ташкил этувчи бу темир йўл Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятидаги шу пайтгача пўлат излар етиб бормаган ҳудудларни пойтахтимиз, шунингдек, юртимизнинг бошқа шаҳарлари ва қўшни мамлакатлар билан боғлаш имконини беради» («Халқ сўзи», 2010.24.08).

– Кичик ютуқлар катта ютуқларни пайдо қилади. Ўзбекистон равнақи унинг туман, шаҳар, қишлоқ, маҳаллалари равнақининг йиғиндиси. Шаҳарларни қўйинг, тоғдаги қишлоқларимиз экспортёрларга айланмоқда: «Янгиқўрғон тумани. «Ян текстиль» МЧЖда янги маҳсулот – ватинли сочиқ матосини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жамоа хорижга 89 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган. Бу кўрсаткич 2010 йил охиригача 300 минг АҚШ долларига етказилади. 55 кишилиқ жамоа 2010 йилнинг 9 ойида ички бозорга 1 млрд сўмликка яқин маҳсулот чиқарган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30 фоиз кўп» («Халқ сўзи», 2010.21.09.).

– «2010 йилнинг биринчи ярмида республикаимиз **тўқимачилиқ** саноати корхоналарида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 148,2 фоизни ташкил этди. Маҳсулот рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида иқтисодиётда таркибий туб ўзгартиришни чуқурлаштириш сиёсати туфайли соҳада шундай юқори кўрсаткичга эришилди» («Халқ сўзи», 2010.12.08.).

– Ўзбек санъати, либос дизайни бутун жаҳонга ўз сўзини айтаётир. «Пойтахтимизда бешинчи бор «Art Week Style.uz – 2010» санъат ва мода ҳафталиги бўлиб ўтди. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур нуфузли тадбирда юртимиз маданияти ва миллий анъаналаримиз жаҳон миқёсида яна бир бор кенг намоиш этилди» («Халқ сўзи», 2010.15.10).

Пойтахтимизда «Theatre UZ – 2010» биринчи халқаро театр фестивали бўлиб ўтди. («Ватанпарвар». 2010.15.10).

– Ўзбекистонликлар энди «ТУ–154» самолётларида

эмас, дунёнинг энг машхур самолётларида учмоқдалар. Мисол учун, Тошкентдан учган зиёратчиларни бағрига олган «А 320» самолёти 40 дақиқада Бухорои шарифга қўнаётир.

— Собиқ иттифоқ ҳудудида мароқ билан кўрилаётган ҳозирги телевидение энди бизни қониқтирмайди. Ўзбекистон 2015 йилга келиб жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида кўрилаётган **рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтади...**

«Эй болам, сенинг Ватанинг битта...»

Ватан равнақи — Президентимиз асарлари, нутқлари, суҳбатларидаги фикрлардан униб чиққан, қувват олган бунёдкор гоя. У ёшларимизни юртимиз равнақига дахлдорликка чорламоқда.

Табиат жамоа бўлиб яшашга содиқ. У баъзида дахлдорликдан инсонларга ибрат беради: асалари уясига яқин бориб турган одамнинг ҳоли нима бўлишини яхши биламиз. 100 000 асалари ўз уясининг дахлсизлиги учун ҳимояга отилади. Ўйлаб ўтирмасдан, ўзини фидо қилиб, «ёғий»га ёпишади, талайди.

Фараз қилинг: бегоналар асалари уясини бузиб, асалдан хоҳлаганича олаверса-ю, асаларилар лоқайд, четда қараб турса нима бўлади? Табиатда асалари зоти ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади. Мафкуравий ғанимларимиз бизнинг лоқайд асаларига ўхшашимизни истайди. Демак, Ватан мустақил бўлса ҳам, фарзандлари лоқайд бўлса, бундай миллатнинг келажаги бўлмас экан. Шундай экан, муҳтарам Президентимизнинг ҳаётга катта умидлар билан кириб келаётган ёшларга қарата айтган дахлдорлик сари даъватини ҳар бир таълим муассасасига, энг гавжум жамоат жойларига кўринарли қилиб битиб қўйиш лозим:

«Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, ҳимоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлиқ адо этишингга боғлиқ».

БАХТИ УЙФОНГАН ХАЛҚ

Халқ фаровонлиги ғоясининг рўёби ҳақида

Халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчани ҳам миллий ғоямизнинг негизини ташкил этадиган тамойиллар қаторига қўйишимиз табиийдир.

Нега деганда, бу дунёда ҳар бир одам тўқ ва бадавлат ҳаёт кечириш, эл-юрт учун муносиб фарзанд тарбиялаш, уларга билим бериш, уйли-жойли қилиш, уларнинг бахту камолини кўриш орзуси билан яшайди.

Ислом Каримов

Ушбу халқчил фикрлар ҳар бир авлодга ота-оналарнинг қўл қўтариб, «омин» дейишдан олдин қилган азалий дуоларига бориб боғланади. Бу орзулар аждодлардан авлодларга ўтиб, армонга айланиб келаверарди. Фақат мустақиллик туфайли орзулар фазодан «ерга тушди». Реал, моддий воқеликка айланмоқда. Не бахтки, биз халқимизнинг «бахти ётган» йиллари тугаб, бугунги — «бахти уйфонган» даврида яшаяпмиз.

Фаровонлик ҳар бир одамнинг, халқнинг ўз олдига қўйган қатъий азму қароридан бошланади. Биров берган нарса бировни фаровон қилмаган. Шунинг учун Ўзбекистон халқини фаровон қилишни аввало энг муҳим нуқтада — одамларнинг ният, ғояларида уйғотиш, уларни бирлаштириш, сафарбар қилиш керак эди. Шундай бўлди. Халқ фаровонлиги миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бирига айланди. Ўтган 20 йил Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини ошириш учун машаққатли кураш йиллари бўлди.

Асрлар давомида фалакда сузган орзулар ерга қўнди. Фаровонлик, ўзини ўзи тўқ ва бадавлат қилиш нималигини, тарбияли, билимли фарзандлар бахти қандай бўли-

шини кўряпмиз, эшитяпмиз. Фарзандларимизнинг ютуқлари билан бир-биримизни қутлаяпмиз.

Йигирма йил олдин биз мулксизлар жамиятида яшар эдик. Мулкдорлар фақат чет элларда бўларди. Бугун ўзимиз ёки кўшниларимиз мулкдор. Фаровон оилалар, маҳаллалар сони кундан-кунга оша бораётир. Шукронаси бор одамлар тўй-томошаларда, маънавий-маърифий тадбирларда бунинг ўнлаб тасдиғини айтиб юрибди. Бу кунларга етишмоқ осон бўлмаганини ҳам.

Очарчилик остонасидан қайтарилган миллат

Этнолог олимларнинг фикрича, деҳқончилик дастлаб Ер шарининг тахминан 20—45 параллеллари оралиғида пайдо бўлган ва узоқ давр давомида ўзлаштирилиб, такомиллашиб келган. Ўзбекистон дунёга деҳқончилик маданиятини берган ҳудудлардан бири бўлган. Макка жаҳонга Америкадан, буғдой Марказий Осиёдан тарқалган. Бизнинг буғдойимиз ўзининг ҳосилдорлиги, таркибида протеиннинг кўплиги билан машҳур бўлган. Афсуски, шўролар халқнинг ғаллачилик маданияти, тажрибасини ҳам қатағон қилди. Энг катта империя бўлмиш СССР ношудлигидан ўзини ўзи ғалла билан таъминлай олмасди.

«Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40—50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга етарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик.

Бугун очиқ айтаверсак ҳам бўлади: 1991 йилнинг охири ва 1992 йилнинг бошида кўп нарсаларда узилиш бўлиб, жуда оғир аҳволга тушиб, нақ очарчилик остонасида турар эдик»¹.

Тадбирли, аздами шижоатли кишилари кўп миллатлар ҳар томонлама бой, қудратли бўлиб келган. Шўролар эса бунинг тескарисини қилишди. Тадбиркор, ташаббускор ва шу боис мулкдор бўлганларнинг мулкани талаб, ўзларини сургун, қатл қилди. Камбағалликда ҳаммани тенглади.

¹ И. Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. /Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 3-бет.

Совет кинолари, китоб, спектаклларидаги салбий образлар — мулкдорлар эди. Мулкдор боболаримизнинг ўз ҳисобларидан мадрасалар, кўприклар қурдиргани, ариқлар қаздириб сув келтиргани, камбағалларнинг тўйларини қилиб берганини гапириш, ёзиш, ҳатто, эшитиш ҳам жазоланди. Турғунлик ва иқтисодий танглик янада ошди. Бошқача айтганда, оммавий камбағалликнинг асосий сабабларини совет ҳокимияти туғдирди.

Ўзбекистон халқи «иккинчи даражали» одамлар тоифасига киритилган эди. Шу сабабли бошқа республикалардан ҳам камбағал, яъни қашшоқ эди: «Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизга яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди. Айни маҳалда Россия ва Украинада аҳолининг 30 фоизга яқинигина шундай аҳволда кун кечирганди»¹.

Халқ фарвонлиги учун кураш энг муҳим, бирламчи масала — нондан бошланди, десак бўлар. Чунки совет давридаги нон учун саҳарлаб, узундан-узоқ навбатда туриш, нонни карточка билан олиш ва бошқа чекловлардан халқимиз дили зада бўлиб қолган эди. Шу сабабли фарвонликнинг биринчи шартларидан бири сифатида ғалла мустақиллигига эришиш керак эди. Бу эса тез, самарали ва қатъий чоралар кўришни талаб қиларди.

Бу ҳақда Президентимиз 1995 йилда шундай деган: «Авваламбор, «пахта, пахта» деявериш, ғалла етиштиришдан бутунлай чиқиб кетдик. Унинг технологиясини ҳам унутиб қўйдик. ... Қисқа қилиб айтганда, ғаллачилик бизда ўтай соҳа бўлиб қолган.

Яна такрорлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу — кўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтаимиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча».

Аниқ ҳисоб-китоблар, тинимсиз саъйи ҳаракатлар ўз

¹ И. Каримов. Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. /Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., «Ўзбекистон», 1996, 284-б.

нинг саъйи ҳаракатлари, адолатли бошқаруви туфайли моддий фаровонлик ва маънавий юксакликка эришмоқда», — деган жиддий хулосасини эълон қилди.

Бизнинг 20 йил олдинги ва ҳозирги турмушимизни қиёслаган диёнатли рус олимлари ҳам холис фикрларини айтишмоқда. Меҳнат ва ижтимоий муҳофаза академияси ректори Евгений Кожокин: «Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, хом ашё етиштиришга йўналтирилган, ҳалокатли пахта яккаҳоқимлиги авжига чиққан, қолоқ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси, жон бошига истеъмол даражаси паст бўлган республикадан янги ва улкан марраларни қўлга киритаётган, ҳар томонлама обод бўлиб бораётган мамлакатга айланди, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллади».

Ҳа, биз сўнги 4 йилда ижтимоий соҳада қилган ишларни шўролар 74 йилда қила олмаган. Масалан, улар шаҳар билан қишлоқ тафовутини ҳал қила олишмади (аслида буни исташармиди?). Собиқ СССР республикаларида бу муаммо ҳали кун тартибига ҳам қўйилган эмас. Ўз газеталари «Пойтахтда — XXI аср, 100 км юрсанг — XVIII аср», деб ёзаётгани одамнинг раҳмини келтиради.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон тобора шаҳарлашиб бораётир. Кўзларингизга ишонсангиз, қаранг: барча туманларимиздаги коллежлар, гузарлар, ҚВП, янги лойиҳадаги турар жойларни, оқилона инфраструктура, асфальт, темир йўлларни, яратилаётган қулайликларни кўрасиз. Чекка қишлоқларда ҳам замонавий «маркет»лар, интернет хоналари кўпаймоқда. Қишлоқларда тадбиркорлар савдо ва ҳордиқ масканлари қурмоқдалар. Кечқурунлари катта экранларда миллий эстрада кўшиқларини, спорт мусобақаларини кўриб, болалари билан музқаймоқ еб, салқинлаб, яйраб дам олаётган ҳамқишлоқларни кўрасиз. Бу янгилик-яхшиликларни кўриб, ҳам ҳайрон қоласиз, ҳам қувонасиз.

Жаҳон молиявий инқирози ҳали тугамаган, йўфон ингичка бўлиб, ингичка узилаётган, энг ривожланган давлатлар ҳам инқироздан инграган пайтларда бу фаровонликнинг қадр-қимматини халқимиз юракдан ҳис қилмоқда. Чунки халқимиз Буюк Британиянинг «Lloyds Banking Group» банки мавжуд иш ўринлари сонини 4500 тага қис-

қартиришини маълум қилганидан («Халқ сўзи», 2010.15.10); Францияда мамлакат касаба уюшмалари томонидан уюштирилган норозилик акцияларида 3 миллионгача киши иштирок этганидан; АҚШда сўнгги тўрт йилда 300дан кўпроқ молия ташкилотлари банкротга учраганидан («Samarqand», 2011.07.01); мобиль алоқа воситалари ишлаб чиқарувчи «Nokia» компанияси 1800 нафар ходимини ишдан озод қилишга жазм қилганидан («Халқ сўзи», 2010.23.10.) яхши хабардор.

Фаровонлик: куч — билим ва тафаккурда

Бухоролик темирчи усталарнинг бир мақоли бор: «Болга урувчига — бир танга, «мана бу ерга ур», дегувчига — икки танга». Демак, фаровонлик азалдан мушакларга эмас, билим ва тафаккурга боғлиқ экан-да? Бу мақол XXI аср — интеллектуал асрда том маънода долзарблик касб этмоқда.

Маҳалла фахрийларидан Омон ака: «*Қишлоғимизда телевизор, радио, компьютер тuzатадиган устахона бор. Ишламай ётарди. Бултур қишлоғимиздаги коллежни битирган Жасуржон келиб, ишлатиб юборди. Эшигида: «Уйингизга бориб, тuzатиб берамиз», деб қўл телефонини ҳам ёзиб қўйибди. Неварамнинг компютери бузилган эди. Чақиртирдим, келди. Компютерни бир-икки айлантириб, бир жойига тегинди. Ишлаб кетди, жонивор.*

— Болам, барака топ. Бу ёғи қандай бўлади энди. Айт, — дедим.

— Амаки, ўн бир минг сўм бўлади, — дейди.

— Келганинга ўн минут бўлди. Бир бурашинг ўн бир мингми? — дедим.

— Амаки, бир бураганимга — минг сўм. Қаерини бурашни билганимга ўн минг берасиз», — деса, бўладими, кулиб.

У пулни олиб: — Омон ота, компютерни анча арзонга тuzаттирдингиз. Туман марказига олиб борсангиз йўлга вақтингиз, йўлкирага пулингиз кетарди, тўғрими? Кўп демасдим. Рози бўлинг», — дейди.

Индамай қолдим. Гаплари тўғри. 20 мингим ёнимда қолаётганини ўйламаган эканман. «Раҳмат болам, барака топ, розиман», дебман шошиб. Чойга ҳам қарамай шошиб кетди: «Буюртмаларим кўп, хайр», деб».

Ҳа, бугун турмушини фаровон қиламан деган одамга ният, куч-ғайратнинг ўзи камлик қилади. Касбининг янгиликларини, илғор тажрибани, чет тилларни, компьютер технологиялари, интернет, зарур ахборотни инглиз тилида қидиришни яхши билиши керак. Бугун мобиль телефонни ишлатиш, хорижнинг янги технологик линиясини, фермер хўжалигини, Nestle идишини қадоқлаш, МЧЖни бошқариш учун ҳам билим керак. Ана шундагина киши ўз бизнесини оқилона ва самарали юрита олади. Ўзини ҳам, халқини ҳам фаровон қилади. Демак, фаровонлик ҳам билим ва тафаккурда. Тадбиркорликда ҳам юксак маънавият — енгилмас куч.

Одамлар орасида

Одамлар қилган ишлар ғояларининг энг яхши таржимонларидир.

Ж. Локк, инглиз педагоги

Кўқон. Бахтли одам сўзласа, уни тинглаётганлар ҳам ўзларини бахтли ҳис қилади, дейишади улуғлар. Айниқса, бегараз, пок, самимий ёшлар сўзласа, лабларингизда табассум пайдо бўлганини ўзингиз ҳам сезмай қоласиз.

Маҳлиё Норматова — коллеж талабаси: *«Амир Темур бобомиз: «Бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг, биз қурган иморатларга боқ», деб бежиз айтмаган экан. Янгидан янги коллежлар, равон йўллар, театрлар, банклар, болалар ижодиёти уйлари, мусиқа мактаблари... эҳ-ҳе-е! Кўқонимизда бундай биноларни санаб саноғига етолмаймиз. Ҳамма-ҳаммасини айтиб, дунёга жар солгим келади!»*

Бухоро. Гилам корхонаси раҳбари Муҳаббат Тешаева: *«Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон жаҳоннинг энг зўр гилам бозорларидан бирига айланди. Ахир гилам бу — тўй, янги уй, янги ҳовли, офис, юбилей, совға дегани-да! Халқимиз ортиқча пулига гилам олиб қўяди. Буларга сабаб — биздаги фаровонлик.*

Германияда бир халқаро ярмарка бўлди. Жаҳоннинг машҳур гилам ишлаб чиқарувчи корхоналаридан бирининг раҳбари: «Биз ота-боболаримиздан мерос тайёр дастгоҳлар, бо-

зор иқтисодиёти тажрибаси билан 20 йилда эришган натижага ўзбек гиламчилари 5 йилда эришди. Ёш Ўзбекистон ўз тадбиркорларини қаттиқ қўллаб-қувватлаётир. Бу кетишда яқин беш йилда қўшни давлатлар гилам бозорларини ўзбеклар тўла эгаллаб олишади», деди.

Хорижлик тадбиркор билиб айтган экан. Иқтисодий инқироз даврида жаҳоннинг манман деган гилам корхоналари ҳам касодга учради. Тўхтади. Ўзбекистонда эса бирорта гилам корхонаси инқирозга учрамади. Аксинча, ривожланди. Масалан, бизнинг корхонамизда 2010–2011 йилларда айланма маблағимиз 14 миллиард сўмни ташкил этди. 4 миллиард 300 минг сўм соф фойда олдик. Ишчиларимиз ойига 350 000 сўмдан 1 000 000 сўмгача маош олишаётир».

Наманган. Даврон Холмирзаев баланд бўйли, юзларини офтоб ялаган, катта-катта кўзлари кулиб турадиган забардаст фермер йигит. 2010 йили қилган даромадидан 20 миллионини қишлоғида насос қуришга ажратди. Ҳамқишлоқларимнинг фаровонлигига, деб. У давраларда: «Дунё ўзбекларнинг, Ўзбекистон имкониятларининг ҳали ярмини ҳам кўргани йўқ», деб ғурурланиб юради.

«2010 йил «Ўзэкспомарказ»да ярмарка бўлди, — дейди у. — Менга керакли технология Бао Фен деган хитойлик бизнесменда бор экан. Русча гаплаша бошладик. Жаноб Бао Феннинг русчаси шундай чатоқ эдики, Пушкин узоқдан эшитса, газабидан тирилар, яқиндан эшитса қайта ўларди. Бўлмади. Охири: «Do you speak English?» дедим. Бао қувониб, «Yes!» деди. Инглиз тилида ҳамма ишларимизни келишиб, шартнома туздик. Шу-шу иккаламиз ўртоқмиз. Интернетда «кўришиб», гаплашиб турамиз. Яқинда бориб ҳам келдим. Замонавий фермер бир-икки чет тилини билиши керак экан. Бу унга ҳам моддий, ҳам маънавий фойда келтирар экан. Ўзим кўрдим фойдасини».

Оқдарё. Қўтирбулоқ қишлоғи. Оддий деҳқон, 75 ёшли забардаст Давир аканинг сердарахт ҳовлисидамиз. Атрофда ғоз, ўрдак, курка... ва учта товус хиром қилиб юрибди. Товусларни кўриб ҳайрон қоласиз. «Нуротанинг Оқчопидаги божамдан олиб келдим», дейди Давир ака. «Нима учун?» десангиз, у киши: «Бундай фаровон замонда одам ҳаётини чиройли қилиб яшаши керак-да, ука», дейди.

«Худойберди деган тадбиркор укамиз иккита товусга бир

миллион берай, сотинг, деб келди. Сотмадим. Пулни нима қиламан? Жўжа очсин, бераман, деб қўйдим». Ҳовлида 20 туп арча барқ уриб ўсаётир. «Ҳаво тоза бўлади, кўзга дам беради», — дейди Давир ака.

Тошкент. Андрей Шеин — тадбиркор: *Ўзбекистонимизнинг қаерига қараманг, қурилиш. Қаерда янги уй, иморатлар кўп қурилади? Жавобини биласиз: қаерда фаровонлик бўлса. Бунинг биздаги фаровонликни кўролмайдиган айрим сохта телесюжет ясовчилар ва уларнинг буюртмачилари билан қўйса, яхши бўларди.*

Биз том ёпишда ишлатиладиган маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Жаҳон молиявий инқирози туфайли хорижлик ҳамкасбларимиз маҳсулот миқдорини кескин камайтиришга мажбур бўлишди. Биз эса тўхтамадик, аксинча, кучайдик. Мана рақамлар: 2009 йилда — 300 минг кв.м. маҳсулот чиқарган бўлсак, 2010 йилда — 500 минг кв.м. маҳсулот чиқардик. 2011 йилда 700 минг кв.м. бўлади. Бу аниқ.

Маҳсулот сифатини тинмай ошириб, чет эл маҳсулотларини ҳалол рақобат билан маҳаллий бозоримиздан сиқиб чиқардик. Илгари одамларимизда «импортний — зўр, ўзимизники — ёмон», деган қараш бўларди. Ҳозир бунинг тескариси бўлаётир. Халқимизда «истеъмолчи ватанпарварлиги» кучаймоқда».

Қашқадарё. Ўзбекистонимизда халқ фаровонлигининг «глобаллашаётгани» одамни хурсанд қилади. Келинг, «Муборак» қорақўлчилик—наслчилик ширкат хўжалиги раиси Олим Оқмаматовнинг хурсандчилигига сиз ҳам шерик бўлинг: «Кейинги уч йилда чўпонларимиздан 15 нафари пишиқ фишдан замонавий уйлар қурди. 51 нафари янги машина сотиб олди. Чўпонларимизнинг 32 нафар фарзанди институт, университетларда ўқимоқда. Шартнома пуллари тўлаб беряпмиз».

Ҳа, қишлоқ, яйловларимизда хизмат кўрсатиш кенгаймоқда. АҚШнинг машҳур «Жип»лари чўпонларимизга хизмат қилай, деб Нуробод тумани қирларида ўрмалаб юрибди. Пойтахтлик санъаткорларнинг кўпчилигини қишлоқ тўйларида кўришга ўрганиб бораётирмиз. Уларнинг репертуарлари ҳам бунинг тасдиқлайди. Булар қишлоқларимиздаги фаровонликнинг биз кўникиб қолаётган манзаралари.

Сирдарё. Врач: «*Ўтган йили ривожланган давлатлардан бирига тажриба алмашишга борган эдик. Қарасам, қўлоғи бинт билан ўралган бир бемор касалхонага кираверишдаги скамейкада йиғлаб ётибди. Раҳмим келиб, ёнимдаги врачдан: «Беморга ёрдам бермайсизми?» деб сўрадим. Врач: «Унинг пули тугаган. Пул келтирса, қайтиб киради», дейди. Ишонасизми, ҳайрон бўлиб, қотиб қолдим. Муҳтож, ночор беморларга биздаги инсонпарварликни, ғамхўрликни эслаб, кўзларимга ёш келди».*

Халқ фаровонлиги ғоясининг рўёби тошкентлик 105 ёшли Файнижамол Султонованинг мана бу шукроналик дуоларида ҳам акс этмоқда: «Кўрмаганимни кўрдим. Худога шукур».

Тошкент шаҳри тантаналарига келган Каримжон ота Йўлдошев эса бундай дейди: «Тошкент шаҳрини кўриб, мақташга сўзим қолмади» («Ахборот», 2009.02.09.).

«Аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгилашниш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади», дейилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида.

Юқорида ўқиганингиз севинчли сўзлар турли касб, миллат, ёшдаги юртдошларимиз онгидаги ўзгаришларнинг, дахлдорликнинг, шукроналикнинг, хулосаларнинг акс сандоси эмасми? Шундай бўлса, фаровонлигимизни кўролмайдиган, ютуқларимизни қоралашга уринаётган кимсаларга баралла, халқчил қилиб айтамиз: «**Бизнинг бахтимиз уйғонди! Овора бўлманг. Энди бизни тўхтата олмайсиз!**»

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧНИНГ КАМОЛИ

Комил инсон ғоясининг рўёби ҳақида

Эндиликда олдимизда турган энг муҳим вазифа миллий ғоямизнинг узвий таркибий қисмларини ташкил қиладиган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби тамойилларнинг маъно-моҳиятини бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий, таълим-тарбия ишларининг марказига қўйиш, уларни янги босқичга кўтариш, ёш авлодимизни ҳар томонлама мустақил фикрлайдиган, етук дунёқараш эгалари қилиб тарбиялашдан иборат.

Ислом Каримов

«Камолот», «баркамол», «комиллик», «мукаммал», «комил инсон», «пири комил». .. Бу сўз ва ибораларни кўп эшитамиз, айтамиз, ўқиймиз. Луғатларда «комил» сўзи — тўлиқ, етук, мукаммал маъноларини, «баркамол» эса етукликка эришган, мукаммал, камол топган, бекаму кўст маъноларини бериши айтилади. Янада аниқроқ кирсак, бекам — бирор жиҳатида ками, кемтиги йўқ; беккўст — бирор эгри ёки ортиқча жойи йўқ, бенуқсон дегани.

Комил инсон ғояси асрлар давомида халқлар, динларнинг китобларида, эртақ ва дostonларида, миллий қадриятларида, ривояту ҳикоятларида, урф-одатларида келаётир. Ал Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий каби алломаларимиз асарларида ҳам у миллий тарбиямизнинг бош ғояси бўлиб келди. Жаҳон сайёҳларини мафтун қиладиган меъморий обидалар, қасрлар, мадрасалар пештоқларидаги ёзувларда, ҳайкал, деворий суратларда ҳам боболаримизнинг эзгу ғоялари битилган. Уларда ҳам «комил инсон» ғоясининг турли шакл ва тасвирлари бисёр. Шунинг учун ҳақли равишда Ўзбекистон — оламга комил инсон ғоясини берган буюк цивилизация марказларидан бири, дея оламиз.

Ҳа, комил инсон ғояси биз учун бугун кўтаришган ғоя эмас. Бу ҳақиқат миллий тарбиямизнинг туб негизларидан келаётир. Бунга ер устидаги обидалар ҳам, ер остидаги археологик далиллар ҳам гувоҳлик бермоқда. Уларда боболаримизнинг бармоқ излари қолган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» компаниясининг «Uzbekistan airways» (2009, №6) журналида Г. Юдина «Далварзинтепа — хазиналар ўлкаси» деган мақоласини эълон қилди. Унда ҳозирги Шўрчи туманида қадимий Кушон империясининг пойтахти бўлгани ёзилган. Журналист Далварзинтепада 1972 йил 25 сентябрь куни археологлар салкам 36 кило олтин-жавоҳир тўлдирилган кўза топишганини ва у Москвага олиб кетилганини ёзган.

Бизнинг эътиборимизни олтиндан муҳимроқ бир тасвирий ҳужжат ўзига тортди. Бу — шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмидаги ибодатхона деворига бундан 2000 йил олдин чизилган сурат эди. Унда 3 ёшли гўдак, 12 ёшли ўсмир ва уларнинг ўртасида турган мураббий тасвирланган. Мураббий гўдакни қўлтиғидан кўтариб, елкасига ўтқазган (қандай ўзбекона манзара!). Гўдак оқ кийимда. Унинг тирсақлари учишга чоғланган бургут қанотларини эслатади. Мураббийнинг кўзлари ишонч, қатъиятга тўла. Олдинга, юқорига тикилган. Мураббийнинг ўнг томонида гулдор дўппи кийган (!) ўсмир бола. Гўдакнинг ҳам, ўсмирнинг ҳам нигоҳи устоз тикилган нуқтада — олдинда, юқорида. Сурат I аср арафасида чизилган. Мақолада Кушон империяси эраимизнинг I—III асрларида (демак, сурат чизилган даврдан кейин!) гуллаб-яшнагани баён қилинган.

Ўзингизга маълум, ибодатхона, сарой, қаср, мадрасалар деворига тўғри келган сурат чизилавермайди. Чизилганларида эса давлатни, халқни бирлаштирувчи, сафарбар қилувчи устувор ғоялар тасвирланади. Демак, сурат уч авлодни бир ғоя атрофида бирлаштираётир. Устоз ёш авлодга: «Сизлар биз эришгандан кўра юқорироқ маррага тезроқ чиқишингиз керак», деяётгандек. Ёшлар эса «Албатта чиқамиз», деяпти гўё.

Орадан 1000 йил ўтди. Шарқда Ренессанс. Буюк аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний дафтарида: «Биз етишолмаган нарсаларга уларни (ёш авлодни) етиштирсак, деган умиддамиз», деб ёзди. Орадан яна 1000 йил ўтди. Биз бугун яна ўз давлатимизга эгамиз. Шўролар «улғайиб, вин-

тик бўласанлар», деб ерга туширган зурриёдларимизни яна бошимиз узра кўтардик: улар биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

Ривожланган мамлакатлар ёшлари фазилатлари

Комил инсон ким? У қандай бўлиши керак?

Педагогика тарихи жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари юксалиш арафасида шу масалага тез-тез мурожаат қилганини кўрсатади. Улар ёшларни эртанги куннинг юксак талабларига пухта тайёрлаб кириб боришган. Чунки бу рақобатли дунёда эртанинг талаблари янгича, мураккаброқ, қийинроқ кечган.

Ўзбекистон билан дўстлигидан фахрланадиган давлатлар сони йилдан-йилга орта бораётир. Шулардан бири — Кореяда юксалиш арафасида «табiiй ресурслар чекланган, ижодга эса чегара йўқ» деган шиор кўтарилган экан. Бу — юксак интеллект комил инсон фазилатларининг гултожи эканини англатар эди. Шунга амал қилиб, кам бўлишмади.

Комил инсон ғоясига амалий, прагматик ёндашган давлатлар тезда назарий қоидалардан бугунги ва эртанги кун учун «фойда» чиқариб олди. Экспериментал педагогика ривожланди. Тарбиянинг кўзга кўринмайдиган назарий тушунчаларини кўринадиган нарсаларга — образларга, бихевиор технологияларга айлантиришди. Ҳал қилувчи кучни ошириб, бошқалардан ўтиб кетишди. Ўша синалган фазилатлар янгилари билан бойитилиб, шакллантирилмоқда. Масалан, АҚШнинг «Америка — 2000: таълимни ривожлантириш стратегияси (1991)» дастурида етук шахсга хос фазилатлар сифатида ростгўйлик, мақсадда собитқадамлик, тўғрилиқ (ростгўйлик), пухталиқ ва шахсий масъулиятга устуворлик берилди. Шунингдек, ёш америкаликларда жасурлик, фидойилиқ, барқарорлик, қатъийлик, тиришқоқлик, ҳамдардлик, бағрикенглик сингари 60 та асосий фазилат шакллантирилмоқда.

Буюк Британиянинг таълим бўйича Миллий комиссияси (1993) мактабга: ёшларда ҳақиқатпарварлик, бошқаларга ҳурмат, жамият олиндидаги бурчга содиқлик, одамларга ғамхўрлик, маданий меросга ҳурматни шакллантириш, демократик эркин жамият фуқаролари бўлиш, бағрикенг-

лик фазилатларини сингдириш, уларни ахлоқан ва маънан кучли шахслар қилиб етиштириш вазифаларини юклади.

Франция таълим вазирлиги кўрсатмаларида (1985) масъулиятли, гурурли, ўзгаларни ҳурмат қилувчи, бошқалар билан ҳамкорликка тайёр, ирқчиликка қарши турувчи, мультикультурализмни қабул қилувчи, ўзининг Францияга муҳаббатини Озодлик, Тенглик, Қардошлик ғоялари билан уйғун ривожлантирган демократик жамият кишиси фазилатларига эга шахсни тарбиялаш кўзда тутилган.

Япониянинг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида мактабга тинчлик ва инсонийлик идеалларига амал қилувчи миллатни шакллантириш миссияси юклатилган. Яъни, шахс сифатларини тўлиқ ривожлантириш, тинчликпарвар давлат ва жамият қурувчиларини тарбиялаш, ҳақиқатпарварлик ва адолатлилик, шахсий эркинлик, меҳнатсеварлик, масъулиятлилик, мустақил фикрлилик, ўзгалар билан ҳамкорлик, анъанавийлик билан замонавийлик уйғунлигини англаш, халқаро ҳамкорликка тайёрлик, кундалик турмуш малакаларига эғалик, руҳан ва жисмонан кучлилик, ўзини бахтли ва бошқалар билан уйғун қила олиш фазилатлари шакллантирилмоқда.

Таълим муассасалари учун чиқарилган «Идеал японнинг фазилатлари» деб номланган ҳужжатда япон ёшларида 16 та фазилатни шакллантириш белгилаб берилган. 16 фазилат 4 та гуруҳга бўлинади. Булар: 1) шахсий сифатлар: эркинлик, ўзига хосликни ривожлантириш, мустақил бўлиш, ўз хоҳишларини идора қила олиш, пиетет (эҳтиром) туйғусига эғалик; 2) оила бошлиғига хос сифатлар: ўз уйини меҳр-муҳаббат, ҳаловат ва тарбия масканига айлантира олиш; 3) ижтимоий сифатлар: ўз ишига садоқат, жамият фаровонлиғига ҳисса кўшиш, ижодкорлик, миллий (ижтимоий) қадриятларни ҳурмат қилиш; 4) фуқаролик сифатлари: ватанга содиқ бўлиш, давлат рамзларини қадрлаш, ижтимоий фаоллик, энг яхши миллий фазилатлар соҳиби бўлиш.

Рим клуби аъзолари бугунги авлодлар тарбиясида инсониятни безовта қилаётган экологик инқироз, бедаво касалликлар, диний-этник конфликтлар, урушлар, фавқулодда вазиятларнинг олдини олишни тавсия этмоқда.

Юксак технологиялар глобал ривожланаётган XXI асрда Президент Ислон Каримов таъкидлаган интеллектуал бой-

лик етакчилик қилади. Шунинг учун бугуннинг комил инсонларига Ўзбекистон қўяётган талаблар, бир томондан, юксак ривожланган давлатлар билан ҳамоҳанг экани, иккинчи томондан, маънавият, интеллектнинг устуворлиги билан ажралиб туради. Яъни фарзандларимизда интеллектуал ривожланганлик, замон талабларига мос тайёрлик, юксак маънавият, ахлоқий соғломлик, жисмоний чиниққанлик, мустақиллик идеалларига чексиз садоқат, Ватан ва халққа содиқлик, миллий ўзлигимизга ёт ғоя, қарашларга мурасимликни мужассам этиш тақозо этилмоқда.

Мана шу фазилатларнинг бирортаси суст бўлса, уйғунлик бузилади. Масалан, инсон ахлоқи пок, жисмонан кучли бўлса-ю, интеллектуал ривожланмаган бўлса ёки интеллектуал, жисмонан кучли бўлса-ю, мустақиллик идеалларига содиқ бўлмаса, бундай шахсни Комил инсон деб бўладими? Асло. Шунинг учун ҳам «Фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим» («Юксак маънавият — енгилмас куч»).

Шарқона фазилатлар гулдастаси

«Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби «комил инсон» устидаги мавҳумлик пардасини олиб ташлади. Энди баркамоллик биз учун фазодаги, тарихдаги ёки келажакдаги марра эмас. Комил инсонларни «ҳозир ва шу ерда», маънавий тарбиявий ишларни илмий асосга қуриб етиштириш қудратига ва тизимига эгамиз. Бунинг учун шахсни камолотга элтувчи:

- *фазилатлар маъносини англаш;*
- *уларга эга бўлиш;*
- *уларга амал қилиб яшаш*

деган уч методологик мезон асослаб берилди. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Оллоҳнинг ўзи бизга буюрган комил инсон бўлиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларнинг маъно-мазмунини нафақат чуқур англаш, балки ана шундай хусусиятларга эга бўлиш, уларга амал қилиб яшаш — одамзотнинг маънавий бойлигини белгилаб берадиган асосий мезон, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдди».

Мустақиллик маънавияти фарзандларимизни баркамол

этувчи гўзал фазилатлар гулдастасини саралаб берди. Бу гулдаста аждодларимиз ўгитларидан, Президент Ислом Каримовнинг замон талаблари, иқтисод, сиёсат, тараққиёт, миллий тарбия ҳақидаги фикрларидан терилган. Зеро, Юртбошимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида ёзганидек: «Бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Орномус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз».

Юртбошимиз асарларида бугунги замоннинг комил инсонларига хос бўлган 200 дан ортиқ фазилатлар баён қилинган. Биз уларни XXI асрнинг «Шарқона фазилатлар гулдастаси» деб атадик. Мана улар:

юксак салоҳиятли, маънавий уйғоқ, ор-номусли, уят ва андишали, шарму ҳаёли, иболи ва иффатли, собитқадам, шижоатли, диний қадриятларни билувчи, савоб ишларни кўп қиладиган, тарихимиз, маданиятимиз, буюк аждодларимиз меросини чуқур билувчи, Ватанга содиқ, миллий ғурурли, юксак маънавиятли, янгича фикрловчи, Амир Темур бобомизнинг шижоат, азму қарор ва ўктамлигига эга, фидойи, юксак ҳуқуқий маданиятли, жаҳон тарихи ва маданияти ютуқларини чуқур ўрганган, мард, ташаббускор, эл-юрт ташвишини зиммасига оладиган, дахлдор, иймонли-эътиқодли, ўз ҳақ-ҳуқуқини билиб, ҳимоя қила олувчи, мустақиллигимизни кўз қорачиғидай ҳимояловчи, сахий, мустақил фикрга эга, меҳр-оқибатли, гоъвий ва мафкуравий таъсирларга қарши тура оладиган, ўтганларни хотирлаб, тирикларни қадрловчи, 20 йилда эришган ютуқларимизни давом эттиришга қодир, билимли ва истеъдодли, меҳнатсевар, тadbиркор ва янгиликни тез илғайдиган, ғайрат-шижоатли, иродали, қатъиятли, сабот-матонатли, жасур, фаол, замонавий юксак технологияларни ўзлаштирган, соғлом турмуш тарзига интилувчи, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топган, огоҳ, ҳушёр, муносиб даромад толувчи, юқори малакали, масъулиятли, етук мутахассис ва б.

«Шу фазилатлар бугунги ёшларимизга хосми?» деган

саволни мардона ўртага ташлайлик. Ҳа, деймиз? Чунки шундай ёшларимизнинг таниш чеҳралари кўз олдимиздан ўта бошлайди. Мисол учун Сиз ҳам уларнинг бир нечасини биласиз, шундай эмасми?! Демак, биз боболаримиз кўз тиккан олдиндаги юқори нуқтадамиз. Биз ҳам олдинга, юқорига тикилганмиз. Шу сабабли фарзандларимиз биздан ҳам кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишаётир.

Ўзбекистон — комил инсонларни вояга етказаётган мамлакат

«Юксак маънавият — енгилмас куч» китоби Президент Ислам Каримовнинг «Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўткир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак», деган сўзлари билан очилади.

Ҳа, баркамол авлодни кўриш соҳибқирон Амир Темурутукларидан, «Алпомиш», «Гўрўғли» дostonларидан, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Алишер Навоий девонларидан «чиқиб», тарбиявий иш дастуримизга айланди.

Бунга эришиш ўз-ўзидан кечмади, албатта. Аввало қонунлар шу буюк мақсадга йўналтирилди. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ишлаб чиқилиб, жорий этилди. Бюджет маблағларининг энг катта қисми энг самарали инвестиция — Комил инсонларни тарбиялашга ажратилмоқда. Бир неча йилларимиз номи ёшларимизнинг маънавий ва жисмоний саломатлигига бағишланди. Бу йиллар ўзидан улкан натижалар қолдириб ўтди. 2008 йил «Ёшлар йили», 2010 йил «Баркамол авлод йили». .. Янги қурилган мактаблар, лицей, коллеж, мусиқа мактаблари, таълим инфраструктурасини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитувчилар малакасини ошириш, ўқув-методик таъминот деган, оддий одамларга сезилмайдиган, лекин самараси бебаҳо юзлаб тадбирлар амалга оширилди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мунтазам ҳаракатда...

Дунёнинг 6 та энг номдор институт, университетлари Ўзбекистонга келди. 20 йил илгари биз Вестминстер, Ту-

рин, Сингапур сервис институтларининг борлигини ҳам билмасдик.

Комил инсонларни етиштириш тизимини ишга тушириш осон бўлмади. Олдимиздан муаммолар тоғлари чиқди. Давлатимиз уларни (Сурхондарёдаги темир йўли қурилишидаги каби) кесиб, (Тошкент — Водий йўлидаги тоннеллар каби) тешиб, ошиб ўтди. Юзлаб танлов, кўрик, соврин, имтиёзлар тизими, кредит линиялари, имкониётлар, моддий ва маънавий рағбат шакллари, олимпиадалар, кўкрак нишонлари — барча-барчаси ёшларимиздаги иқтидорни кучайтириш, ривожлантириш, уларни комил инсонларга айлантиришга қаратилди.

Ўнлаб давлат ва жамоатчилик ташкилотлари бу ишга камарбаста. Кўчаларимиздаги шиорларимиз ҳам «Ўғил-қизнинг комили — тараққиёт омили» деб даъват қилаётир. Истеъдодли ёшларни рағбатлантириш тизимини айтмайсизми? «Келажак овози» кўрик-танловининг архитектура ва дизайн, ландшафт дизайни, либослар дизайни, ахборот технологиялари, рационализатор таклифлар ва техник ишланмалар, Веб-ишланмалар, менежментни яхшилаш, дастурий таъминот, миллий ва амалий санъат, тасвирий санъат, рақс йўналишлари; «Навқирон Ўзбекистон — 2010» республика анъанавий ва замонавий санъат фестивали ғолибларининг инсталляция, архитектура лойиҳалари, «Ab OVO» лойиҳалари, видеоарт жанридаги тасвирлари, дизайн, кулолчилик, каштачилик бўйича ижодий ишлари болаларимиздаги баркамоллик натижалари эмасми?

Бугун Ўзбекистон нафақат рақобатбардош автомобилларни, саноат маҳсулотларини, илм-фан ютуқларини, балки ҳеч кимдан кам бўлмаган, баркамол инсонларни етиштирувчи мамлакатга айланди. Яна ҳам соддароқ айтганда, мамлакатимизда юксак сифатли ғалла, автомобиль, пахта етиштириш учун қандай тизим, шарт-шароит яратилган бўлса, Комил инсонни тарбиялаш учун ҳам шундай тизим, технологик шарт-шароит муҳайё этилди.

Ҳазрат Навоийнинг «Барчасидин ғараз инсон эди», деган пурҳикмат сатри бор. Ўзбекистон эришган бу ютуқлар дунёнинг барча миллат ва динларининг мақсудини ифодалайди. Чунки улар инсонни комил қилиш, азизлаш йўлидаги ютуқлар бўлди. Шунинг учун миннатдор авлодлар бу

ишларни 50, 100, 1000 йилдан кейин ҳам чуқур миннатдорлик, ҳурмат билан эслайди. Зеро, азизлар азизлаганларни азизлайди. Жаҳон бўйлаб болаларимиз эришаётган юксак марралар бизни ана шундай хулосага олиб келаётир.

Дарвоқе, «Олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият» йўлини тутганлар ҳам бўлди. «Баъзи бир сиёсатчи ва назариётчиларнинг, олдин моддий ҳаётни, кейин маънавий масалаларни ўйлаш керак, деган мазмундаги фикрлари мутлақо хато бўлиб, янги жамият, янги ҳаёт куриш жараёнида фақат зарар етказиши мумкинлигини бугун ҳаётнинг ўзи ҳар қадамда тасдиқлаб бермоқда», дейилган «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида. Уларнинг бу хатоси дунёда «бой берилган авлод» — «*Lost generation*» иборасини пайдо қилди. Улар моддий бойликни қувиб кетиб, уйдаги фарзандлари тарбиясини бегоналарга бериб қўйдилар. Вақтларини тежадилар. Гўё ортиқча 10 сўм топдилар ҳам. Бугун эса жонсарак бўлиб, болаларини қайта тарбиялашга 1000 сўм сарфлашмоқда. Лекин самара 10 сўмлик бўлаётир. Чунки вақт бой берилган. Мана сизга «олдин моддий ҳаёт, кейин маънавият»нинг аянчли моддий ва маънавий оқибати.

Тарбияда бой берилган имкониятлар бегона сиёсий-молиявий гуруҳларнинг иштаҳасини очиб юборди. Улар ҳам ҳар куни, узлуксиз ишлаб, ўша юртлар ёшлари қалбининг «параболик антенналари»ни ўзларига қаратиб олишди. Бунга кўшимча интернетнинг «Одноклассники», «Фейсбук», Wi-Fi, «В контакте» ижтимоий тармоқлари ёшларга идеал «улашмоқда». Энди улар ўз ватанига эмас, хориж ҳаётига кўпроқ дахлдор бўлиб қолишаётир. Бой берилган авлодни «ушлаб туриш», ўз ватанига, миллатига, ота-онасига «қайтариш» энди жуда кўп маблағ, вақтни талаб қилмоқда. Чунки қайта тарбиялаш тарбиялашдан қиммат туради.

Аброр Мақсталиев: «Команда Ватан учун, деб ўйинга кирди...»

Спорт, спортчи ёшларимиз мамлакатимизни тез машҳур қилишаётир. 20 йил олдин «Ўзбекистон» сўзи хорижликларда таажжуб уйғотар эди. Бугун ҳурмат уйғотаётир. Бу ишда ҳам ёшларимиз биздан ўтишаётир. Улар амалда Ўзбекистонни «Оламни маҳлиё айлаган диёр»га айлантиришмоқда.

«Таҳлилнома»нинг 2011 йил 18 июль сонини кўрдин-

гизми? Ўша кеч юртдошларимиз Президентимизнинг «Ишонаман: фарзандларимиз, «Кувончим, ифтихорим, гурурим — Ўзбекистон!» дея курашга тушади ва шу замин номини оқлайди, мардлик ва шижоат кўрсатади», деган орзуларининг яна бир рўёбини кўрди. Футбол бўйича жаҳон чемпионатида *«Биз Ватан учун деб ўйинга кирдик. Жамоавий ўйин қилганимиз бизнинг энг катта устунлигимиз бўлди»*, — деди ўсмирлар миллий терма жамоамиз сардори Аброр Мақсталиев. Демак, уларни фақат спорт техникаси эмас, Ватанга садоқат, фарзандлик бурчи, жамоавийлик руҳи қўшқанот бўлиб, ғолиб қилди. Булар юқорида санаб ўтганимиз «Шарқона фазилатлар гулдастаси»даги фазилатлар. Демак, ўсмирларимиз Ватанга садоқат ва жамоавийлик фазилатларининг *маъносини англаб, уларга эга бўлиб, уларга амал қилиб яшашаётир. Бу фазилатлар уларни ғолиб қилаётир.*

Ҳа, 1991 йилнинг ўсмирлари Мексикани харитадан зўрға топарди. 2011 йилнинг ўсмирлари Мексикани ҳайратга солиб қайтишди. Мексикаликларнинг «Ким билан ўйнашни истардингиз? деган саволига йигитларимиз жилмайиб: «Бизга бунинг аҳамияти йўқ», деб жавоб беришибди. Камтарлик билан нақшланган бундай метин ишончли, бирликни кўрган мағрур мексикаликлар ўзбек болаларини севиб қолишди. Буни билдириш учун байроғимизнинг кўк-яшил рангларини юзларига чизиб, стадионга киришди. Ўсмирларимиз жаҳон футбол шарҳловчиларини Ўзбекистонни шарафлашга мажбур қилишди. 15 ёшида «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги» кўкрак нишонига, совға қилиб берилган енгил автомобилга муносиб иш қилдилар.

Команда аъзоси, сирдарёлик 15 ёшли Бобур Давлатовга ҳам «Спарк» совға қилинди. У ғалати бола экан — калитни олгач, «ва-у-у-у», деб қичқириб, жазавага тушмади. Ўзини кўз-кўз ҳам қилмади. Ўзбекона бир одоб билан: «Мен Президентимизнинг оддий, қишлоқ болаларига яратиб берган шароит ва ғамхўрликлари туфайли шу кунга етдим. Жуда бахтлиман. Бугун отам Баҳодир Давлатовнинг туғилган куни. Машинамни у кишига совға қиламан», — деди.

Бу гапларни ким гапирди? Бобурми? Ёки «ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол авлод»нинг ёнимиздаги бир

вакилими? Бизнингча, Комил инсон гоёси 15 ёшли Бобурнинг тилидан сўзлади.

Уларга миллионлаб ўсмирларимиз ҳавас билан тикилишди. Ўзларига «Мен-чи?» дея савол беришди. Бу ҳавас эртага 17 эмас, 170, 1700 голибни жаҳон шоҳсупаларига кўтаради. Бунга ишонамиз, эртага қуёш чиқишига ишонгандек.

Дилдан тилга кўчган сўзлар

Нилуфар Расулова — иқтисодчи талаба: *«Муҳтарам Юртбошимизнинг биз ёшларга яратиб берган имкониятларидан унумли фойдаланишга интиляпман. «Ўзбекистон Республикасида уй хўжаликлари иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати ва уни такомиллаштириш йўналишлари» мавзусида илмий изланяпман. Мақсадим — оилалар бюджетини янада такомиллаштиришда томорқадан ва қўшимча меҳнатдан самарали фойдаланиш йўллари илмий жиҳатдан асослаш. Бундан халқимиз фаровонлиги янада ортади».*

Саиджалоил Ҳасанов — лицей ўқувчиси: *«Юртимиздаги компьютерларнинг барчаси чет элларда яратилган дастурлар асосида ишламоқда. Мен «Нега шу дастурлар ўзимизда тузилмайди?» деб ўйлаб қоламан. Насиб бўлса, ўзбек дастурчилик мактабини яратаман. Ўзбекистонимизни энг зўр компьютер дастурлари яратиладиган давлатга айланишига ўз ҳиссамни қўшаман».*

Зиёвуддин Юсупов — биолог талаба: *«Ғўза генетикаси соҳасида илмий изланяпман. Мақсадим — пахтаимизнинг толасини 3,5–5 ммга узайтириш. Бундан унинг сифати, баҳоси ошади. Ватан равнақиға, озгина бўлса-да, ҳиссам қўшилса дейман».*

Меҳриноз Аббосова — «Янги авлод — 2008» республика болалар ижодиёти фестивали голибаси:

2010 йилда «Истеъдод мактаби» 1-республика ёш ижодкорлар кўрик-танловида муваффақият қозондим. Биринчи китобим давлат ҳисобидан чоп этилмоқда. Юртбошимизнинг биз ёш ижодкорларга алоҳида эътиборидан беҳад мамнунман:

*Дунё қадамимдан гул бўлиб кетгай,
Ёмонлик минори кул бўлиб кетгай.
Юрагимдан қуёш чиқиб келяпти,
Тирноқларимгача нур бўлиб кетгай.*

Катталар-чи? Улар нима дейишяпти? Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишланган тарғибот сафарлари пайти турли ҳудудларда юртдошларимиз билан суҳбатлар қурдик. Гап орасида «Бугунги ёшлар қанақа?» деган саволни ташлаб кўрдик. Жавобларни сиз билан баҳам кўрмоқчимиз. Мана улар.

Бахтиёр (ҳарбий, 52 ёш): «Бугунги ёшлар биздан соғлом. Чунки бўйи бизларникидан баланд. Кўкрак қафаси кенг».

Фуломжон (ўқитувчи, 47 ёш): «Бугунги ёшлар биздан билимли. Бугун набираси билган нарсаларни бобоси билмайди».

Маҳфуза (ҳамшира, 39 ёш): «Бугунги ёшлар биздан кўп тил билади. Бир неча тилларда иш битираётир».

Жумабой (шофер, 45 ёш): «Бугунги ёшлар қўшни давлатлар болаларининг ҳавасини келтиришаётир. 5–6 йил бурун қўшни давлатнинг ўқувчи болалари автобусларда келиб-кетишаётганини кўрдим. Бизнинг лицей, коллежларни томоша қилишди. Буни улар «Келажакка саёҳат» деб аташар экан. Нимадандир юрагим ҳапқириб, қувониб кетдим».

Мансур (бухгалтер, 58 ёш): «Бугунги ёшлар биздан уқувли, фаол. Ахборот технологиялари билан қуроолланган. Гаплари — уяли телефонда гаплашаётгандек қисқа, аниқ. Муомаласи — ишчан».

Жамшид (менежер, 44 ёш): «Бугунги ёшлар биздан дадил, ғурурли. Улар «нормукамаллик комплекси» нималигини билмайди. Чет эллик тенгдошлари билан худди ҳамқишлоғидек тиллашади. Ерга эмас, одамнинг кўзига, тўғри қарайди».

Ферузахон (ахборот-ресурс маркази ходимаси, 48 ёш): «Бугунги ёшлар биздан доно. Чунки биз ўз тарихимизни ўзгалар ёзган китоблардан ўқидик. Уларда бошқалар учун қулай хулосалар ёзилган эди. Болаларимиз шонли тарихимизни ўзимиз ёзган китоблардан ўқиб билишди».

Улуғбек (қурувчи, 51 ёш): «Бугунги ёшлар — бахти кафолатланган авлод. Давлат бизларни мустақил ҳаётга тайёрламас эди. Мактабнинг 100 та битирувчисидан ўнтамиз ўқишга кирардик. Қолган 90тамиз ҳунарсиз бекорчига айланардик. «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»миз бунга чек қўйди. Ҳозир ҳар сентябрь ойида битирувчилар-

нинг 10 фоизи — биринчи стипендиясини, 90 фоизи — биринчи маошини ола бошлайди».

Илҳомжон (журналист, 41 ёш): «Бугунги ёшлар — муносиб ворислар. Чунки улар хароб ва муте Ўзбекистонни 20 йилда кимлар, қандай қилиб оёққа турғизганини, ҳимоя қилганини, буюк, муқаддас, мустақил Ватанга айлантирганини ўз кўзи билан кўриб ўсишаётир. Ибрат олишаётир».

Мардон (маҳалла фаоли, 51 ёш): «Бугунги ёшлар ақлли. Ҳисоб-китобли. Аниқ фикрлайди. Қисқаси, истиқлол ниҳоллари бугун истиқбол дарахтларига айланди, деса бўлади».

Дилором (ўқитувчи, 49 ёш): «Бугунги ёшлар биздан кўра кучли. Мана Учқўрғоннинг Яшиқ қишлоғидан чиққан оғир, ибо-ҳаёли, камгап, 18 ёшли полвон қиз Гулнора. Мен яқинда унга ўғил болалар тегажожлик қилганида «Иккалангни ҳам кўтариб отаман», деганини кўрдим. Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон чемпиони. Октябрь ойида Тайландга кетаётир. Жаҳон чемпионатида. Бунақаси бўлмаган-ку!»

Жаҳонгир (талаба, 20 ёш): «Бугунги ёшлар — бахтли йигит-қизлар. Менимча, давлатимиз ёшларни ота-оналаридан ҳам яхши кўради. Интилиб, ўқиб, тиришиб, маънавиятини юксалтириб бахтли бўлаётган ёшларга ҳавас қиламан. Мен ҳам интиляпман ва демак, албатта бахтли бўламан. Чунки мен ҳеч кимдан кам эмасман».

Сиз ҳам ичингизда бу фикрларга қўшилаётгандирсиз. Чунки ҳаммамиз ўз боламизда ё унинг дўст-дугоналарида, маҳаллада ана шундай ёшларни кўряпмиз-да. Булар — ўз ёшига мос комил инсонлар эмасми? Бундай ўғил-қизларни кўриш ажодларимизга армон эди. Бизга эса уларни кўзларимиз билан кўриб, гапларини эшитиб, бағримизга босиб, пешаналаридан ўпиш бахти муяссар бўлди.

Баркамоллик гулшанига айланган Ватан ҳаммамизга муборак бўлсин.

ҲАМНАФАС ХАЛҚНИНГ МАДАДКОР БИРЛИГИ

Ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг рўёби ҳақида

Янги замон янги тушунчаларда намоён бўлади. Ўзбекистонда энг ривожланган давлатлардаги тутум, тартиб, меъёр, янгиланишлар кўзга ташланиб бораётир. Шулардан бири — «ижтимоий ҳамкорлик» ғояси ва амалиёти. Бу — тобора демократлашаётган ҳаётимизнинг бир кўрсаткичи. Луғатларга қарасак, бу ибора «ижтимоий» — «жамият; «кўпчилик одамлар»ни; «ҳамкорлик» эса «бирор соҳада ўзаро бирлашиб, аҳиллик билан бирга иш олиб бориш»; «бирга ишлашлик»; «бирор ишда бир-бирига кўмаклашиш»; «аҳиллик»; «ўзаро ёрдам»; «кўмакдошлик»ни англатади. Демак, ижтимоий ҳамкорлик Ўзбекистон халқининг бирга, аҳил, бирлашиб, ҳамжиҳат иш қилиши экан.

Ижтимоий ҳамкорлик — миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида бу ҳақда: «Ижтимоий ҳамкорлик — муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гуруҳларнинг бир мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлигини таъминлайди. Натижада жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор тараққиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади.

Жамиятнинг сунъий равишда бўлиб, турли қарама-қаршиликларни мутлақлаштирадиган таълимотлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий ҳамкорлик ғояси бу табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатларига бўйсундиради», дейилади.

Агар Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги, Комил инсон, Ижтимоий ҳамкорлик, Миллатлараро тотувлик, Динлараро бағрикенглик ғоялари бир давра

тузишса, ўртада Ижтимоий ҳамкорлик турса керак. Чунки у жамиятни ҳамжиҳат қилади, табиий ранг-барангликни миллий тараққиёт манфаатларига сафарбар қилади. Демак, ижтимоий ҳамкорликни «олти ғоянинг ишбоши-си», деса бўларкан.

Ижтимоий ҳамкорлик дахлдорликдан бошланади. Дахлдорлик — одам билан одамни, халқини, Ватанини, оламни боғлайдиган ришта. У ухлаётган одамни уйғотади, ётганни турғизади, турганни юргизади, юрганни югуртиради. Миллий ғоя, маънавият бобида эса у мустақилликни мустаҳкамлашга, ҳимоя қилишга, Ватанни озод ва обод, жамиятни эркин ва фаровон қилишга чорлайди. Ана шунинг учун ҳам ижтимоий ҳамкорликнинг ғоявий-маърифий қиммати бебаҳо.

Бир ёқадан бош чиқариш

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузаси миллий юксалишимиз тарихида катта воқеа бўлди. Маърузада, жумладан, шундай даъват бор: «Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янги ланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик»¹.

Мана шу даъватда ижтимоий ҳамкорликнинг моҳияти, формуласи акс этиб турибди. Унда ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этиб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилиш зарурлиги таъкидланмоқда. Келинг, бу даъват маъносини 5 та савол билан «очамиз».

¹ И. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010, 54-б.

1. Нима учун? Эл-юрт манфаати, Ватан равнақи, келажаги учун. 2. Нималарни ишга солиб? Яратилган барча имкониятларни. 3. Қандай қилиб? Ҳар бир инсонни амалий ишларга сафарбар этиб. 4. Нимадан бошлаб? Умуммиллий мақсадга айлантиришдан. 5. Бунинг учун нима қилиш керак? Одамларга мақсадни тушунтириш керак.

Демак, фуқаролик жамияти, ижтимоий ҳамкорлик, аввало, эл-юрт манфаати, Ватан юксалишини тушунган онгда «қурилиб», ундан сўнг «ташқарига» чиқиб намоён бўлар экан. Бунинг учун ҳар бир зиёли, олимлар ижтимоий ҳамкорликнинг мағзи, моҳияти, заруратини қанча ҳалқчил тушунтирсак, уни англаш шунча пухта бўлади, мақсадга шунча тез етамиз.

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобини ўқиган киши «ижтимоий ҳамкорлик» ғояси дастлаб мустақилликдан олдинги йилларда ифодаланганини билиб олади. Мана, ижтимоий ҳамкорлик ғояси моҳиятини ифодалаган ўша фикрлар: «Гап кучларни жипслаштириш тўғрисида, давлат идораларининг аҳоли билан, барча жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг уюшмалари билан, такрор айтаманки, қонунни бузмаётган, муаммоларни ҳал этишга, одамларнинг турмушини яхшилашга, вазиятни барқарорлаштиришга астойдил кўмаклашишни истаётганларнинг ҳаммаси билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш кераклиги тўғрисида боряпти»¹.

Миллатнинг юраги тез ура бошлаган, озодлигимиз учун ҳаёт-мамот кураши кетаётган ўша пайтда ўзимизнинг айрим амалдорлар бунга қарши чиқишди. Ўз она Ватанининг озодлигига тўсиқлар қўйишди, фирром қилиқлар қилишди. Кейинчалик қилмишлари фош бўлди.

Афсуски, кейинчалик ҳам ўзимиздан чиққан балолар ўз мустақил Ватанига қарши қурол кўтарди. Йўлимизни тўсмоқчи бўлди. Энди уларнинг мақсади — совет қуллигидан қутулган Ватанимизни бошқаларга пуллаш эди. Бу хиёнатлар турли партия, дин, ижтимоий гуруҳ, миллат ва элат, касб, ёш, тоифаларга мансуб юртдошларимизни озод

¹ И. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., «Ўзбекистон», 2011, 132-б.

ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ҳимоясига янада жипсроқ бирлаштирди.

Президент Ислон Каримов атрофига жипслашган халқ бузғунчиларни тўхтатди. Жаҳон аҳли, юртдошларимиз уларнинг ҳақиқий баҳосини берди. Бу — ижтимоий ҳамкорлик ғояси мустақиллигимиз ҳимояси учун ҳар қандай кимса, ғоя, гуруҳга қарши халқимизнинг ғоявий қалқони, керак бўлса, қуроли бўла олишини кўрсатди. Чунки бизга азиз барча инсонлар ва қадриятлар Ватанда. Ватан озод бўлмаса, улар ҳам тутқун. Бу бизни исталган пайтда, ҳар қандай таҳдидга қарши туришга, юрт байроғини Нажмиддин Кубро ҳазратларидек мустаҳкам тутишга ўргатди. Шу азиз, ягона Ватан ҳаққи, муқаддас тупроғимиз ҳаққи.

Бир-бирига мададкор қўллар

Ижтимоий ҳамкорлик — бозор иқтисодиётига асосланиб ривожланган жамиятларга хос очиқ муносабатлар туркуми. Яъни, манфаатлари ўхшаш ва ўхшаш бўлмаган субъект, томонлар умумий мақсад йўлида биргаликда иш-лашади; ишлар зиддиятга эмас, ҳамжиҳатлик асосига қурилади; бундай муносабатдан ҳукумат ҳам, барча ижтимоий табақа, гуруҳлар ҳам ютади. Чунки жамиятни беқарорликка олиб келиши мумкин бўлган сабаблар биргаликда йўқ қилинади. Бундан эса фаровонлигимиз, ижтимоий-иқтисодий барқарорлигимиз янада мустаҳкам бўлади.

Ижтимоий ҳамкорлик — давлат тузилмалари, тадбиркорлик субъектлари ва жамоат бирлашмаларининг ўзаро манфаатли «учбурчаги». Уларнинг ҳамкорлиги қанча кучайса, жамият шунча кучаяди. Фуқаролик жамияти жамоатчилик назоратини ўрнатади. Одамларга миллий ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиш, ижтимоийлашув ва тарбияга қаратилган, ҳамма учун фойдали ечимларни таклиф қилади.

Аслида ижтимоий ҳамкорлик халқимизга хос қадимий анъана. Маҳаллаларимизнинг тарихи бунинг ёрқин мисоли. Президентимиз таъбири билан айтганда: «Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг яхши анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шаф-

қат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда».

Дарҳақиқат, «Бир болага етти кўшни ҳам ота, ҳам она», «кўпдан айрилма», «маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг», «маҳалла, одамлар нима дейди?» деган ибораларимизни эслайлик. Бу иборалар «инсоф», «савоб» қадриятларига боғланиб, одамларни ёмон ишлардан сақлаб, гўзал, шарқона ўзбек турмушини барқарор қилиб келган. Бу «жамоатчилик назорати»нинг ўзига хос, миллий унсурлари эмасми?

Тарихимизни қанча ўргансак, бугунги маънавий, ғоявий ислоҳотлар учун фойдали шунча кўп тавсиялар чиқаверади. Ўрта асрларда тиббиётнинг икки тури машҳур бўлган экан. Улардан бири — тан тиббиёти, иккинчиси — маънавий тиббиёт, деб аталган экан. Тан тиббиёти — инсон танасидаги зарарли дард, касалларни даволаса, маънавий тиббиёт инсон, жамиятдаги ёмон ғоя, фикр, одат, иллат ва қилиқларнинг олдини олиб, даволаган, тузатган. Тўғри йўлга қайтарган¹. Бу амалий йўналиш Европада «ижтимоий педагогика», «ижтимоий иш», «аутрич» каби социал технологиялар шаклида қўлланилмоқда.

Шарқона кодексимиз, миллий-маънавий меъёрлар жамиятда ижтимоий-иқтисодий, маданий, маънавий, сиёсий муаммоларнинг олдини олувчи ўзига хос «маънавий санитария» вазифасини ўтаган. Натижада, жамият тинч, эволюцион, барқарор ривожланган. Деструктив, бузғунчи ҳаракатларнинг йўли тўсилган. Мана шундай соғлом ўзбекчиликни ҳазрат Навоий «Элга қўшулгон эш топти», деб мадҳ қилган эди. Бунинг баъзи кўринишлари миллий қадриятларига содиқ қолиб юксалган мамлакатларда ҳам учрайди. Жумладан, Японияда миллий бирлик, японларнинг жамоавийлиги умуммиллий даражада намоён бўлади; кечагина бир-бирига рақобат қилаётган кишилар, фирмалар миллат манфаатига дахлдор вазиятда бирданига бир-бирини қўллай бошлайди; жамоа «минг кўзли девор» бўлиб, ҳар бир японнинг хатти-ҳаракатини кузатади, унинг хатти-ҳаракатидаги ахлоқий қадриятларнинг софлигини назорат қилади. Япон ахлоқининг сири ана шунда².

¹ Абу Бакр ар-Рази. Духовная медицина. М., 1990.

² К. Преображенский. Как стать японцем. М., 1988.

Тизим

Одамнинг ўзгарадиган энг охирги нарсаси — унинг тафаккури, дейдилар. Тарихан қисқа 20 йилда кўлга киритган энг муҳим ютуқларимиздан бири — халқимизнинг ўзгарган тафаккури бўлди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги тантанасидаги давлатимиз Раҳбарининг табрик сўзида халқимиз маънавияти юксалаётганини ифодаловчи кўрсаткичлар — тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзу-интилишлари муҳассамлиги катта ғурур ва ифтихор билан таъкидланди. Бунинг асосий сабабларидан бири Ўзбекистонда маънавий-маърифий ишнинг ўзига хос, миллий тизими яратилгани бўлди.

Бу тизим худди одамнинг ҳаётбахш қон томирлари каби мамлакатни қамраб олди. Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари бу тизимнинг қонуний асосини, механизмини яратди. Разм солсак, ижтимоий ҳамкорлик ғояси маънавият ва маърифат тизимига ўша йиллардан оқ сингдирилганини билиб оламиз. Мана, тизимни яратган кўрсатмалар:

— «Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, истиқлол йўлида буюк давлат барпо этишда маънавият ва маърифат омилларини ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш...»¹ (1994 й.);

— «жамиятдаги соғлом кучлар — юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий-ижодий салоҳиятини Ватан истиқболи сари йўналтириш»² (1994 й.);

— «маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин»³ (1996 й.);

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент шаҳри, 1994 йил 23 апрель.

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори. Тошкент шаҳри, 1994 йил 8 июль.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент шаҳри, 1996 йил 9 сентябрь.

— «маънавий-маърифий ишларга дахлдор бўлган тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятларини мувофиқлаштириш ҳамда улар ишининг самарадорлигини ошириш»¹ (1998 й.);

— «Республика «Маънавият ва маърифат Кенгашининг «Жаҳолатга қарши маърифат» ғоясига таянган ҳолда Кенгашига аъзо ташкилотларнинг маърифий тарғибот йўналишидаги имкон ва салоҳиятларини бирлаштириш, фаолиятларини мувофиқлаштириш ва замон талаблари асосида ташкил этиш...»² (1999 й.)

— «халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информация курашлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаблари асосида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш»³ (2006 й.) ва ҳ.к.

Бу тизим йил дастурларида, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар мазмунида, байрамларимизда, тарғиботчиларнинг чиқишларида, китоб ва рисоалар, газета ва журналлар, сайтлар, телевидение, радио, ҳашарлар, шиорлар, плакат, панно, фильм, кўшиқлар, суҳбат ва мулоқотлар, тренинг ва мультимедияларда халқимиз онги ва қалбига ҳар куни кириб бормоқда.

Мамлакатимизда йилларга берилаётган номлар моҳиятида озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт ғояси рўёби йўлидаги ижтимоий ҳамкорлигимиз барқ уриб турди. Бугун ўша йилларни ҳурматлаб, эсга оламиз: 1996 йил —

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Тошкент шаҳри, 1998 йил 24 июль.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика Маънавият ва маърифат Кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони. Тошкент шаҳри, 1999 йил 3 сентябрь.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори. Тошкент шаҳри, 2006 йил 25 август.

Амир Темур йили; 1997 йил – Инсон манфаатлари йили; 1998 йил – Оила йили; 1999 йил – Аёллар йили; 2000 йил – Соғлом авлод йили; 2001 йил – Оналар ва болалар йили; 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили; 2003 йил – Обод маҳалла йили; 2004 йил – Меҳр ва мурувват йили; 2005 йил – Сихат-саломатлик йили; 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили; 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили; 2008 йил – Ёшлар йили; 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили; 2010 йил – Баркамол авлод йили; 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили. Мазкур йил дастурлари ижросида давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бош ғоямиз атрофида қанчалик жипслашганидан мамнун бўласиз.

Ғоявий ҳимоя

Дунёнинг иқтисодий манзарасига қарасак, кўпчилик мамлакатларнинг молиявий инқироздан ҳали ҳам ўзига кела олмаганини кўрамиз. Унинг мафкуравий манзарасига разм солсак эса, айрим мамлакатларда чуқур маънавий инқирозлар юз бераётганига гувоҳ бўламиз. ЮНЕСКО ўзининг таълим масалаларига бағишланган журналида: «Чет эл китоблари ва чет эл телевидение ва видео дастурлари уларни томоша қилаётган халқларнинг қадриятлари, маданияти ва анъаналарига салбий таъсир қилиб, уларнинг миллий тараққиёти суръатига халақит бериши мумкин¹ деб ёзган эди.

«Бирни кўриб фикр, бирни кўриб шукр қил», дейдилар. Бу огоҳлик даъватига эътиборсиз қараган айрим мамлакатлар маънавий инқироз ҳолатига тушиб қолдилар. Уларнинг олим, зиёлилари бу инқироз туфайли ахлоқий қадриятларнинг йўқолиб кетаётганидан; маънавий таҳдидларнинг сабаб ва оқибатлари эътиборсиз қолаётганидан; «бошқариладиган тўқнашув ҳудудлари» кенгайиб бораётганидан; миллий ўзига хосликни глобал унификация гирдобини ютиб юбораётганидан; ёшлар қалби ва онгини «оммавий маданият» эгаллаб олаётганидан; уларга қарши ту-

¹ Р. Маклин. Инновации и реформы школьного образования в странах Азии./ Перспективы: вопросы образования. Ежеквартальный журнал ЮНЕСКО. М., 1993, № 3 (83) 128–141-б.

риши керак бўлган Миллий ғоя йўқлигидан; давлат ва жамоат ташкилотларининг маънавият масаласига эътиборсизлигидан; жамиятнинг маънавий муҳити ҳимоясиз қолганидан; ёшларнинг меҳнатдан қочиб, енгил-елпи ҳаётга берилиб кетганидан; мамлакатни ажнабий адабиёт, санъат, кино, видео, ОАВ, паст савияли массмедиа маҳсулотлари босиб олаётганидан ташвишга тушиб, бонг уришмоқда.

Россиялик бир талаба ўзининг интернетга жойлаштирилган курс ишида шундай ёзади: *«Талабаларда дунёқараш ва ахлоқ инқирози тобора кучайиб бораётир. Бунда чет эл оммавий ахборот воситалари катализатор ролини ўйнамоқда. Улар, бир томондан, ёшларимизга Фарб турмуш тарзини, эгоцентризмни сингдираётир. Иккинчи томондан, маданий тарихимиздан, ахлоқий идеалларимиздан бизни тобора беғоналаштираётир».*

ВВС Корпорацияси Англияда 2011 йилнинг август ойида рўй берган ўсмирларнинг оммавий тартибсизлиги, хунрезлигини юзага келтирган ўн сабабни эълон қилди. Бироқ улар орасида асосий сабаб — ёшлар тарбияси экани, бу борадаги ижтимоий ҳамкорлик, афсуски, эсланмабди. Ваҳоланки, «Сен қандай қилиб бу ишга аралашиб қолдинг?» деган саволга безориларнинг кўпчилиги «Ҳамма шундай қилди. Мен ҳам», деган.

Кўришиб турганидек, агар умуммиллий ғоя бўлмаса, у яқдил англономаса, фаол тарғиб қилинмаса, ижтимоий ҳамкорлик ишига айланмаса, бу бўшлиқни ана шундай афсуслар, аянчли манзаралар тўлдираркан. Шукрки, бизда Президентимизнинг огоҳлик, миллий ғоя, миллий манфаатларимиз ҳақидаги даъватлари билан қуролланган ижтимоий ҳамкорлик ёшларимиз маънавиятини юксалтиришнинг бой тажрибасини тўплади.

Ўтган 20 йилда «ўзбек модели», миллий ғоямиз суронли синовлардан ўтди. Бу ҳақда Президентимиз мустақиллигимизга роппа-роса 20 йил тўлган кун — 2011 йил 31 августда, тантанали маросимда шундай деди: *«Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгилга тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва*

пўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик гоёсига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз»¹.

Мафкуралар назариясида «Ким қайси давлатнинг ахборот майдонини назорат қилса, уни идора ҳам қилади», деган аксиома бор. Айрим сиёсий гуруҳлар геополитик маслақларда ахборот-мафкуравий хуружларни қўллаб, у ёки бу давлатнинг конституциявий тузумини, қаршилиқ кўрсатиш қобилятини фалаж, нотавон қилиб, ўз иродасига бўйсундиришни истади. Бунда у қурбонликка танланган давлатнинг аҳолиси, айниқса, ёшларига чанг солади. Шу йўл билан минглаб чақирим узоқда яшаётган йигит, қизларни ўз домига тортади.

Шу маънода бугун ёшларимиз ўзига хос «тушунчалар уруши» шароитида яшамоқдалар. «Оммавий маданият ота-боболаримиз «қора» деган нарсаларни «оқ», «оқ» деган нарсаларини «қора» деб уқтирмоқда. Мана «оммавий маданият» ёшларга таклиф қилаётган луғат:

исрофгарчилик — бойлик белгиси;

ёшлик — тез ўтиб кетадиган, лаззатланиб оладиган вақт;

вафо, садоқат — эскилик сарқитлари;

фоҳиша — секс ходима;

ҳаё, ибo — маданиятсизлик;

инсоф қилиш — имкониятни бой бериш;

саховат — ресурсни мақсадсиз совуриш;

яхши ота — бола қўлига катта пул берувчи позитив партнёр;

ёмон ота — боласига пул эмас, билим, малака берувчи негатив партнёр;

оила — шахс эркинлигини бўғувчи занжир;

хиёнат — озод севги ғалабаси;

худбинлик — ўзи учун яшаш, оила, фарзанд, ота-она учун қайғуриб умрни совурмаслик.

Дунё ОАВларида тарқатилаётган ахборотларнинг 8 фоизи холис бўлса, 92 фоизи манипуляцияга қаратилгандир. Диний экстремизм, одам савдоси, халқаро терроризм

¹ Президент Ислom Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. //«Халқ сўзи», 2011 йил 1 сентябрь.

интернет орқали йигит-қизларимизни йўлдан уришни истаётир. Ўсмирлар бир куннинг 40 фоизини таълим муассасаларида ўтказиб, 60 фоизида бўш қолишлари мумкин. Ҳолбуки, халқимизни бўлиб ташлаб эгалик қилиш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган гуруҳлар изғиб юрибди. Бу эса ижтимоий ҳамкорлик олдиға ғоявий тарбияни устувор умуммиллий вазифа этиб қўймоқда. Токи ҳар бир йигит-қиз четдан кириб келган фикр, ғоя, маълумотни «Бун тарқатаётган ким?», «Нима мақсадда?», «Менинг муносабатим қандай бўлиши керак?» деган уч савол билан кутиб олсин. Шундай экан, «1 таҳдидға 5 зарба» тренинглари орқали ёшларимизни бу «тушунча»ларға қарши туришға ўргатишимиз зарурлиги аён бўлади. Яъни ҳар бир йигит-қиз ўша бузғунчи ғояни, уни тарқатувчини ёқасидан тутсин, уни тўхтатишнинг қонуний чораларини қўлласин, дўстларини, оиласини, танишларини огоҳлантирсин.

Амалиёт

Ўзбекистон тинчлик, комиллик, равнақ, фаровонлик худудига айланмоқда. Ҳаётимиз тобора эркинлашиб, турли нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) қарор топаётир. Айниқса, «Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди»¹.

Мамлакатимизда 5100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2000 йилға қараганда 2,5 баравар кўп. Фақат маҳаллаларнинг ўзи 10 000 дан зиёд. Президентимиз маърузасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Нуроний» жамғармалари, «Ижод» фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси тилға олиб ўтилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ушбу соҳаға доир 200 дан ортиқ

¹ И. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т., «Ўзбекистон», 2010, 41–42-б.

қонун ҳужжати қабул қилингани ва улар ижросининг самарасидир.

Биз ижтимоий ҳамкорликнинг турли тадбирларида иштирок этамиз. Лекин ҳамма вақт ҳам бунинг ижтимоий ҳамкорлик эканини англайвермаймиз. Бунга мисол қилиб диний экстремизм, халқаро терроризм, «оммавий маданият» ва бошқа маънавий таҳдидларга қарши ўтказилаётган минглаб маънавий-маърифий тадбирларни, қонунлар моҳиятини тушунтириш, соғлом турмуш тарзи, миллий қадриятларимизни эъозлаш, ёшлар тарбияси, экология, иш билан таъминлаш ҳамкорлик дастурларини, ҳашарларни, «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги», ёнғинга, наркотикларга, ОИТСга қарши кураш ҳамда бошқа хайрли ва зарур ишларни келтирса бўлади.

Ижтимоий ҳамкорлигимиз қонун билан мустаҳкамланмоқда. ННТмиз давлатимиз томонидан молиявий қўллаб-қувватланмоқда. Ўтган уч йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди томонидан ННТ тақдим этган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун 11 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

2011 йилнинг август ойида Ўзбекистон нотижорат нодавлат ташкилотлари Миллий ассоциациясида Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида»ги Қонунининг муҳокамасига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда хорижлик эксперт, «Худудий мулоқот» халқаро нодавлат ташкилоти филиали раҳбари Мьюши Север хоним сўзга чиқди. *«Ҳар бир давлат ўз мақсадларига етишда одамларнинг иштирокига, сафарбарлигига таянади»,* — деди у. — *Ўзбекистонда бунинг жуда катта имкониятлари бор. Чунки аҳолиси билимли, креатив, инновацион тафаккурга эга. Шу маънода тайёрланаётган «Ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида»ги Қонун жуда фойдали бўлади. Дунёда фуқаролик жамияти, бошқача қилиб айтганда, «учинчи сектор»нинг роли ошиб бораётир. Ўзбекистонда ҳам нодавлат нотижорат ташкилотларига катта эътибор қаратилаётгани экспертларда мамнуният уйғотмоқда».*

Мамлакатимизда ижтимоий ҳамкорлик ҳаракати кенг ёйила бормоқда. ННТ маҳаллий ҳокимият органлари ва

бизнес тузилмалари билан муваффақиятли ишлаётир. Шулардан бири — Наманган вилоятидаги «Келажак нури» ННТга Дилшодбек Отабеков раҳбарлик қилади.

«Бизнинг ташаббусларимиз, — дейди Дилшодбек, — бир неча марта вилоят ҳокимлиги ва бошқа давлат ташкилотлари томонидан қўллаб-қувватланди. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган дастурлар жамоатчилик экспертизаси, муҳокамасидан ўтказилади. Бунда давлат ташкилотларига ННТнинг роли ва ёрдами жуда керак бўлади. Бугунги кунда мамлакатимиздаги ННТ фаолиятининг асосий йўналишлари — аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш ва таълимдан иборат. Кейинги пайтда тадбиркорлар билан уларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик қилаётган ННТ сони кўпайди. Уч секторнинг алоқалари тобора яхшиланиб бораётир. Бу эса ижтимоий ҳамкорликнинг самарали ривожланаётганини кўрсатади». («Сегодня», 12.08.2011.)

Ижтимоий ҳамкорлигимизнинг олий мезони Ўзбекистон Миллий боғида, 2011 йил 31 августидан янгради: «Бугун мана шу саховатли заминда «Ўзбекистон — ягона уйимиз» деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марраларда менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳақлидир, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз»¹.

Мана шундай мағрурлик ҳар биримизга, ҳар доим мурассар бўлсин.

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. //Халқ сўзи, 2011 йил 1 сентябрь.

БУЮК БАҒРИКЕНГЛИК

Миллатлараро тотувлик ғоясининг рўёби ҳақида

Миллийлик — қадрият

Инсоният — турли ирқ, миллат, элатлардан иборат. Улар ўз мамлакатига, турмуш тарзи, тили, тарихи, маданияти, урф-одатларига эга. Бундай миллат ва элатлар икки мингдан ортиқ. Миллат ва элатлар ўз навбатида инсонлардан иборат. Миллатлараро тотувлик шахслараро муносабатларда намоён бўлади. Инсон юксак маънавиятли бўлса, бошқа халқлар наздида ўз халқи ҳақида ижобий таассуротни пайдо қилади. Бу таассурот ёйилиб, оммалашиб, унинг халқи ҳақида ижобий фикрларни пайдо қилади. Шунинг учун ҳар бир шахсининг юксак маънавияти миллатлараро тотувлик муҳитини белгилаб беради, дейиш мумкин. Тотувлик эса — «ўзаро дўстона муносабатда бўлган», «иноқ, аҳил»; «дўстона муносабат»; «аҳилликка асосланган»; «аҳил турмуш кечириш» деган маъноларни англатади.

Инсониятнинг маънавий тарихига миллатлараро тотувлик нуқтаи назаридан қарасак, барча динлар одамзоднинг бир ота-онадан туғилган оға-инилигини, тенглигини таъкидлайди. Қуръони каримнинг Бақара, Юнус, Худ, Наҳл сураларида одамларнинг дастлаб бир миллатга мансуб бўлгани, кейин Худо уларни бир-бирларини яхшироқ билиб, таниб юришлари учун миллат ва элатларга бўлгани бир неча бор айтилади, миллий қадриятларни эъзозлаш зарурлиги уқтирилади. Муқаддас китоб мўъминларни ўз миллий қадриятларига садоқатга чақиради: *«Ва сизлар бир миллат бошқа миллатдан (сон ё бойлик жиҳатидан) ортиқроқ бўлгани учун қасамларингизни (бузиб) алдөө воситаси қилишингиз билан (яъни, бошқа бойроқ ва кучли-*

роқ қавми топсангиз, аввалги қасамларингиздан кечиб кетаверишингиз билан) худди ўзи тўқиган нарчасини пишиқпухта бўлганидан сўнг парча-парча бузиб-чуватиб ташлаган хотинга ўхшаб қолмангиз! Албатта, Оллоҳ бу (аҳдга вафо қилишга буюриш) билан сизларни имтиҳон қилур ва албатта қиёмат кунда сизларга ихтилоф қилиб ўтган нарсаларингизни баён қилиб берур».

Миллатлар орасида зиддият учун ҳеч қандай асос йўқ. Тарих шимолдаги бир халқнинг жанубдаги ёки шарқдаги бир халқнинг ғарбдаги халқ билан миллий сабаб туфайли ёппа ёвлашганини кўрган эмас. Зиддиятларга айрим сиёсатчиларнинг ўз иқтисодий, сиёсий мақсадларига эришмоқ учун миллийликни ниқоб қилиб, «миллий қарта» ўйнагани — бир миллатни бошқасига гиж-гижлаши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар сабаб бўлган.

Тарихдан яна маълумки, Буюк Ипак йўлида жойлашган, қадим карвонлар ўтган юртимизда азал-азалдан турли миллат ва элатлар аҳил яшаб келишган. Бу аҳилликка адолатли сиёсат, яхши тарбия билан эришилган.

Барча миллатларнинг улуғ алломалари ёшларни ўзаро меҳрибонликка, дўстликка чорлаганлар. Буюк бобомиз Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб ул-қулуб» китобида тавозе — одоб сақлаш, хоксорлик фазилатларига алоҳида ўрин ажратади. Тавозе — яхшиликнинг таркибий қисми ва такаббурлик, манманликнинг акси. Шу туфайли Алишер Навоий одамларни тавозели бўлишга чақириб, бундай кишига халқ меҳрининг ошиши, дўсти кўп бўлишини алоҳида таъкидлайди. Демак, хуштавозе киши бошқа миллатлар вакиллари билан ҳам ўз муносабатларини меҳрибонлик асосига қуриши туфайли самимий дўст бўла олади.

XV асрда буюк Навоий инсониятга миллатлараро тоғувликнинг формуласини берди. Яъни, «ҳамма таълимотларда ва ҳамма миллат кишилари қошида яхшиликка яхшиликдан зиёда мукофот йўқ», чунки:

*Кўнглини олса малоҳат била, тафовут йўқ,
Хитойи ўлсину, ё армани ва ё ҳинду.*

Ана шундай буюк боболаримиз ўғитларига садоқат, халқимиздаги одамгарчилик, хушфеъллик, олиб борила-

ётган миллий сиёсат нафақат бир-биримизни, балки биз билан яшаётган барча халқларнинг ҳам ўзаро тотувлигини таъминламоқда.

Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Алишер Навоий бобомиз бўладими, Рудакий, Абай, Махтумқули ёки Тўқтағул каби улўф зотлар бўладими, уларнинг барчаси ўз ижоди билан нафақат икки дарё оралиғидаги халқларни, балки бутун башарият фарзандларини доимо меҳр-оқибатли, дўст-биродар бўлиб яшашга даъват этгани бежиз эмас, албатта»¹. Дарҳақиқат, дўст-биродарликни халқимиз азалдан қадрият сифатида эъзозлаб келади. Мақолларимизга қаранг: «Кўшнинг тинч — сен тинч», «Айрилганни айиқ ер, бўлинганни бўри», «Барака кўпчиликда», «Бирлашганни куч енгмас», «Меҳмон — атойти худо», «Беш қўлим баланд-паст, бешови қанду асал»...

СССР — миллатлар турмаси

Жангари большевиклар халқлардан миллий маданиятини тортиб олишга тутинди. Унинг ўрнига сунъий ясалган «оммавий маданият»ни — пролетар маданиятини жорий қила бошлади. Афсуски, бу борада маълум муваффақиятларга эришди ҳам. «Янги замоннинг янги кишисини тарбиялаш» байроғи остида совет халқлари, миллатлари ўз тараққиёти жараёнида тўплаган «эски» маданий, маънавий қадриятларига қарши кураш бошланди. «Тарбияда халқчиллик» тамойили инкор қилинди. «Коммунистик одоб қоидалари»да миллий одоб-ахлоқ қоидаларига «ўтқинчи, зарарли ва умрини яшаб бўлаётган эски одоб қоидалари системаси» деган тамға босилди. Шўроларнинг бир китобида «Хулқ-атвори кенг йўналтирувчи бу эски одоб қоидалари системаси диний негиздан ўсиб чиққан. Бунга нафақат православ ёки католикларни, балки яҳудийларни ҳам, мусулмонларни ҳам — синфий жамият тарихида йиғилган одоб қоидаларига эга бўлган ҳаётни ҳам қўшиш керак. Бу эски нормалардан бизда ҳеч нарса қолмагандай бўлиб кўринади. Лекин асрлар бўйи шаклланд-

¹ И. Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., «Маънавият», 2008, 9-б.

ган хулқ-атвор анъаналар қолдиқлари ҳали ҳам бор. Булар бизнинг социалистик жамиятимизда яширин қолдиқ сифатида яшаб келмоқда», дейилган эди.

Бу сиёсат эстоннинг эстонлигини, туркманнинг туркманлигини, ўзбекнинг ўзбеклигини йўқотишнинг жўн, тўпори йўлини тутди. Уларнинг ҳаммасини бир қозонда «қайнатиб», «совет халқи»га айлантира борди. Мана мисоллар:

Украин йигити: *«Мен 1965 йили комсомол йиғилиши баёнини украин тилида ёзиб, «украин буржуа миллатчиси» деган ном олдим. Украинча қўйилган мўйловимни ҳам, онам ўз қўллари билан тикиб берган украинча қўйлагимни ҳам таъна қилиб таъкидлашди».*

Белорус ёзувчиси Нил Гилевич: *«На Минскда, на бирор вилоят марказида, на бирор шаҳарчада белорус мактабини топа оласиз. Инглизча, французча, испанча мактаблар бор, аммо белорус мактаби йўқ».*

Совет мактабларида тиллар тенглиги тамойили бузилди. ВКП(б)нинг 1938 йил март ойида қабул қилинган «Миллий область ва республикаларда рус тилининг мажбурий ўқитилиши ҳақида»ги қарори рус тилини ўрганишда ихтиёрийлик тамойилининг бузилишини бошлаб берди. Бу бедодликка ҳатто В. Лениннинг рафиқаси Н.Крупская ҳам чидай олмай: «Бу қарор улуғ давлатчилик шовинизмининг башарасини эслатмоқда», — деб юборган эди.

Дарсликлардан миллий маънавият, маданият, адабиёт сиқиб чиқарилди. 1931 йилда «Партработник» журнали Алишер Навоий ва бошқа шоирларимиз ижодига «мистик», «ақлга тўғри келмайдиган адабиёт», деган тамғани босди. Муаллифлар «унда на ҳозир ва на келажакда фойдаланса бўладиган ҳеч вақо йўқ; бу маданий мерос бошдан-оёқ тараққиётга душман мерос», деб тухмат қилишди. Бу қараш кейинчалик совет республикаларидаги нодир қўлёмаларнинг талон-торож қилинишига, миллий меъморчилик ёдгорликларининг қаровсиз қолдириб йўқотилишига йўл очди. Барча халқларнинг миллий қадриятлари «лаънати ўтмиш сарқити» деб таъқиб қилинди. Комсомоллардан иборат махсус патруллар кеча-кундуз ўғринча юрар, янги йил оқшомида шам ёқилган уйлар эшикларига белги қўйиб чиқишарди. Эртасига уй эгаларига «ёт

мафкуравий унсур» тамғаси тақалиб, тазйиқ остига олинар эди.

Халқларда Ватан, миллий ўзлик туйғусини йўқотиш учун «Ватан», «миллат» сўзларини луғатдан чиқара боришди. Мисол учун, 30-йилларда мактаб дафтарларининг ўнг бурчагига «Пролетариатнинг ватани йўқ», деган шиор ёзиб қўйилган. Бу шиор фақат дафтарларда эмас, ҳаётнинг барча жабҳаларида амалда эди.

Ленин «бўлиб олиб, ҳукмронлик қил» тамойилини ҳар бир миллатга қўлади. Бўлиш учун у ҳар бир миллатда бири-бирига душман икки маданият бор, деган «таълимот»ни тўқиди. Бу маданиятларни пролетариат ва буржуазия маданиятлари деб атади. Мақсад — ҳар бир халқнинг маданиятини иккига бўлиб, ана шу икки маданият орасида сиқувга олиб, йўқ қилиб юбориш эди. 20-йилларда В. Маяковскийнинг «Пушкинни замона кемасидан улоқтирамиз», деган шеъри машҳур бўлиб кетган эди.

Марказнинг узоқни кўзлаб олиб борган бу сиёсати жуда маккор эди. Агарда бирор совет республикаси Кремлга итоат қилмай бошласа, миллатлар ўртасида қонли можароларни келтириб чиқарар, уни бостириш учун келиб, халқнинг содиқ фарзандларига «миллатчи» тамғасини босиб, қатағон қилар эди. Буни бизга Шаҳидлар хотираси хиёбони ҳар куни эслатиб турибди. Бундан бир неча ўн йиллар муқаддам Фарғона, Ўзган, Бўка воқеаларида кўрдик.

Юртбошимизнинг ақл-заковати, одиллиги, метин иродаси ва халқимизнинг бағрикенглиги сабабли мазкур зиддиятлар аланга олиб кетмади. Мана, ўша паллаларда айтилган ҳароратли сўзлар: «Ўзбек халқининг виждони пок. Фарғона воқеалари ўзбек халқининг иродаси билан содир бўлмади. Бу воқеаларга тутуруқсиз ва ғаразли мақсадларни кўзлаб, ким қандай бўёқ бермасин, тарих албатта, ўзининг адолатли ҳукмини чиқаради. Байналмилалчилик, меҳмондўстлик, яхшилик, қалб саховати ҳамиша ўзбек халқига хос фазилат бўлиб келди. Халқимиз ҳеч қачон бошқа халқларга нисбатан душманлик кайфиятида бўлмаган. Бу қадимий ва ҳозирги тарихимиздан олинган кўпгина мисоллар билан исбот қилинган»¹.

¹ И. Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида./Т., «Ўзбекистон», 2011, 9—10-б.

Пролетариат дохийларининг орзуси бутун дунёда пролетар маданияти галабаси эди. Шукрларки, уларнинг дегани бўлмади. «Ёруғ коммунистик келажак» келмади, миллатлар ўлмади. Аксинча, гуллаб-яшнамоқда.

Ўзбекистон — бахтиёр миллатлар чамани

«Ҳар қандай миллат, у нақадар кичик бўлмасин — инсониятнинг бойлигидир ва ҳар қандай миллий birlikнинг, унинг тил, маданий ва бошқа хусусиятларининг йўқ бўлиб кетиши Ер юзидаги маданий ва генетик фонднинг, шахс имкониятларининг қашшоқлашувига олиб келади. Шу боис ҳар бир этник birlikни сақлаб қолиш унга мансуб одамларнинг энг муҳим мақсади бўлмоғи керак»¹.

Ана шундай ғамхўр муносабат туфайли юртимизда 23 322,7 минг нафар ўзбеклар, 626,0 минг нафар қорақалпоқлар, 1 392,5 минг нафар тожиклар, 871,1 минг нафар руслар, 831,2 минг нафар қозоқлар, 219,1 минг нафар татарлар, 251,8 минг нафар қирғизлар, 171,3 минг нафар туркманлар, 142,1 минг нафар корейслар ва 626,1 минг нафар бошқа миллат ва элат вакиллари «Ўзбекистон — менинг Ватаним», деб аҳил, бахтиёр яшамоқда².

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида «Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади»; «Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади», деб ёзиб қўйилган. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар барча миллат ва элатлар вакилларига бирдек тегишли ва улар ҳар куни бу неъматлардан баҳраманд.

Миллатлараро тотувлик бу — турли дунёқараш, манфаат, тил, дин, маълумот, миллатга мансуб одамларни бирлаштирган миллий ғоя атрофидаги уйғунлик, birlik

¹ И. Каримов. Буюк келажак сари. Асарлар тўплами. Т., «Ўзбекистон», 1998, 447-б.

² Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи. Т., «Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси. 2011, 6-бет.

демак. Ўзбекистонликларни Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт деган мақсад бирлаштирмоқда.

Миллий мафкурамизнинг миллатлараро тотувлик тамойили «Фалсафа: Қомусий луғат»да шундай изоҳланади: — «миллий мафқуранинг асосий ғояларидан бири; муайян ҳудуд, давлатда турли миллат вакилларининг баҳамжиҳат яшаши, ҳамкорликда фаолият юритишини ифодаловчи тушунча»¹.

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида: «Миллатлараро тотувлик ғояси — умумбашарий қадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Бу ғоя — бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қиляётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликнинг маънавий асосидир.

Бу ғоя — ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади»², дейилган.

Бугун мамлакатимизда 1 тадан араб, болгар, бошқирд, грек, грузин, дунган, литва, хитой, қрим-татар ва қорақалпоқ; 2 та белорус; 3 тадан бухоро яҳудийлари ва уйғур; 4 тадан арман, немис, поляк, тунк; 5 та яҳудий; 6 тадан қирғиз ва украин; 7 та озарбойжон; 8 та туркман; 9 тадан татар ва қозоқ; 10 та тожик; 20 та рус; 27 та корейс — жами 27 миллат ва элат вакиллари томонидан тузилган 141 миллий-маданий марказ фаолият кўрсатмоқда.

136 миллат ва элат вакиллари Конституция ва мустақил Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган тенгҳуққилик ва кенг имкониятлардан фойдаланиб, тотувлик ва ҳамжиҳатликда яшамоқда. Улар эртанги кунга комил

¹ Фалсафа: Қомусий луғат (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004, 262-б.

² Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Т., «Ўзбекистон», 2001, 59-б.

ишонч билан меҳнат қилиб, ягона Ватан равнақиға ўз ҳиссасини қўшмоқда. Давлат даражасидаги тадбирларда, миллий байрамларда бир-бирларини самимий табриклаш одатга айланган.

Бундай аҳилликка, тотувликка қандай эришилди? Бу саволга инсонпарвар, адолатли сиёсатнинг яққол натижалари жавоб: 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Республика «Байналмилал маданият маркази» ташкил этилди. Марказ барча миллий-маданий марказлар ишини мувофиқлаштириб келаётир.

Миллий маданий марказлар мустақил юрт билан бирга улғайиб, сон ва сифат жиҳатидан ўсдилар, кўпайдилар. Улар нафақат ўз миллий анъаналари, урф-одат ва маданиятларини, балки бир-бирларини ҳам маънавий бойитмоқда. Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаб, тинчлик ва дўстликнинг ҳаётбахш муҳитини таъминламоқдалар.

Ҳар миллат бу элда топгай саодат!

Бугунги Ўзбекистонни Тарас Шевченко, Низомий Ганжавий, Александр Пушкин ҳайкаллари, Шота Руставели, Абай кўчалари, корейс кўшиқларию туркман рақсларисиз тўла тасаввур қилиб бўлмайди. Бундай бағрикенглик шукронасини миннатдор туйғулар изҳоридида кўринг:

Ф. Якубов — Украина Қаҳрамони, Крим давлат индустриал-педагогика институти ректори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик: «Кримда бир ўзбекни кўрсам, уйимга меҳмонга чақираман. Бу билан мен ва менинг халқимга ўзбек халқи кўрсатган 50 йиллик меҳмондўстлик учун оз бўлса-да, ҳурматимни билдирсам, дейман.

Маънавий бойлик истаб кимлардир бир рассомнинг қимматбаҳо картинасини сотиб олади. Кимдир Милан театрининг битта спектаклини кўриш учун самолётда Италияга учиб боради. Мен эса имкон топган заҳоти Кўқонга, Янгикўрғонга, Бувайдага, Жалоир ва Жийда қишлоқларига ошиқаман. Ўзларининг фалсафаси билан менинг ахлоқий дунёқарашимни шакллантирган оқсоқоллар ҳаёт

бўлсалар, уларни бориб кўрсам, тўйиб-тўйиб гаплашсам, дейман. Чунки доим ўзимда улардаги донишмандликка ташналик сезаман».

С. Сергиенко (Тошкент): «Ўзбекистон менинг келажигим учун кўплаб имкониятлар бермоқда. Менда танлаш ҳуқуқи бор. Ўз Ватанимда мен ўзимни инсон, шахс сифатида ҳис қиламан. Мен тўлақонли ҳаёт билан яшаяпман. Баъзан мендан: «Сиз Ўзбекистонни Ватаним деб ҳисоблайсизми?» деб сўраб қолишади. Мен: «Менинг Ватаним юрагимда, юрагим эса Ўзбекистонники», дейман¹.

К. Сулейманова (Навоий): «Мен қозоқ миллатининг вакили бўлганим учун, Навоий вилоятидаги қозоқ элатига кўрсатилаётган ғамхўрлик тўғрисида сўзлаб ўтмоқчи эдим... Навоий педагогика институтида қозоқ ёшларига қозоқ тилида билим берилиши, вилоятнинг «Алтын аймақ» қозоқ телеканалининг мавжудлиги, Томди, Учқудуқ, Қонимех туман газеталарининг қозоқ тилида чиқиши, Томди тумани чўпони Серикбай Сағатовнинг «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвонини олиши, қозоқ миллий-маданий марказининг фаолият кўрсатиши — бунинг ҳаммаси, қозоқ миллати вакилларига кўрсатиб келинаётган юксак ҳурмат ва эътибор, деб биламан.

Ўзим ўтган йили «Келажак овози» танловида «Иқтисодиёт ва бизнес йўналиши» номинацияси бўйича республикада 1-ўринни олиб, танлов ғолиби бўлдим.

Отам Томди туманида туғилиб ўсган. У Учқудуқ шаҳрида солиқ инспекциясида ишлаб юрарди. Яхши ишлагани учун уни вилоят солиқ бошқармасига катта лавозимга ишга таклиф қилишди. Шундан бери биз вилоят марказида яшаяпмиз. Бу нимадан дарак беради? Бизнинг республикада қайси миллат вакили бўлишингдан қатъи назар, сени биринчи ўринда билимингга, ўз касбинингнинг етук мутахассиси эканингга қарайди»².

К. Мулюкова (Андижон): «Амир Темур бобомиз ўзининг «Тузук»ларида «Менинг қўл остимдаги қирқ аймақ ҳаммасини тенг кўрдим. Барлосни татардан, татарни най-

¹ Ўзбекистан — наш общий дом./Ўзбекистон Конституцияси — буюқ келажигимиз кафолати. Т., Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2009, 319-б.

² Ўша манба, 367–368-б.

мандан, найманни юздан устун қўймадим. Барча муваффақиятларимнинг гарови шундадир», — деб ёзган эди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан миллатлараро тотувлик, дўстлик сиёсати олиб борилмоқда. Ўзбекистонда яшаётган халқлар ва миллатлар, у ким бўлишидан қатъи назар, русми, украинми, қирғизми, тожикми, ўзбекми, бир-бирига тенгдир. Ўзбекистон диёри биз қирғиз халқининг ҳам муқаддас Ватанимиздир».

Е. Рехнашвили (Наманган): «Мен грузин қизиман. Ўзбекистонда туғилиб, униб-ўсмоқдаман. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги бир эпизодни олиб кўрайлик: Фарҳод — Чин хоқонининг ўғли, Ширин — арман маликаси, Шопур — эронлик савдогар, Фарҳоднинг энг яқин дўсти. Бу асарда дўстлик, халқлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат улуғланмоқда. Бизнинг бош мақсадимиз ҳам шу.

Грузин тилида бир сўз бор: «геноцвали». Бу ўзбек тилида «дўстлик» дегани. Яшасин дўстлик, қардошлик. Дўстлигимиз, мустақиллигимиз абадий бўлсин». (Ўша манба, 393—394-б.)

А. Герман (Тошкент): «Ўзбекистон қуёши остида яшаётган барча халқлар уни ўз уйим деб билади. Кўшнисини оға-иним дейдилар. Биз, миллатимиздан қатъи назар, ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРМИЗ! Бу заминда яшаётган ҳар бир киши бу сўзни эшитганида фахрланади. Мен ўзбекистонлик немис қизи сифатида ўзимни ЎЗБЕКИСТОНЛИК-МАН деб баралла айтаман. Менга мана шундай ифтихорни берган давлатимга миннатдорчилигимни билдираман». (334-б.)

Е. Бердников, А. Тадаев, Д. Сон (Наманган): «Миллий ғоямизнинг муҳим тамойили миллатлараро тотувликдир. Барчамиз яхши тушунамизки, миллий ғоя фақат бир миллатга тегишли бўлиб қолмасдан, балки Ўзбекистон тупроғида яшаётган барча миллат ва элатларга дахлдор ғоядир.

Миллий ғоямиз ҳар бир Ўзбекистон фуқаросини маънавий жасорат кўрсатишга даъват этади, чунки у бизнинг ғоямиздир». (396-б.)

Е. Ким (Фарғона): Мен Ўзбекистон Республикаси деганда Ватанимни тушунаман. Ватан деганда турли миллат вакиллари вояга етказиб, оқ ювиб, оқ тараётган шу заминни идрок этаман. Чунки мен ҳам мана шу диёрда ту-

гилиб ўсганман. Юмшоқ-юмшоқ нонлари-ю, ширин-шакар меваларини еб катта бўлдим. Олимларидан дарс оляпман...»

Бу дил изҳорлари юртимизда миллатлараро тотувлик гоёсининг рўёбини кўрсатмайдими?

Яна бир факт. Социалистик империя барбод бўлгач, баъзи юртдошларимиз ўзларининг этник ватанларига кўчиб кетдилар ва 2–3 йил яшаб... қайтиб келишаётир. Бу ҳақда Тошкент вилоятининг Фазалкент туманида яшовчи юртдошимиз, тожик миллатига мансуб 55 ёшли Шуҳрат ака шундай деди: «Женя деган синфдош немис ўртоғим 2005 йили ҳовли-жойини сотиб, оиласи билан Европага кўчиб кетган эди. 2008 йили оиласи билан қайтиб келди. «Нега бундай қилдинг, Женя?! Ҳамма Фарбга борсам, дейди. Сен эса қайтиб келдинг», дедим. У қисқа қилиб: «Шуҳрат, биласанми, Фарбда ҳамма нарса бор. Лекин Ўзбекистон йўқ. Ўзбекистон муҳити йўқ. Менга ўхшаб кўчиб кетганларни кўрдим. Уларнинг ҳам орзуси тезроқ Ўзбекистонга — Ватанга қайтиш», деди».

Буюк бағрикенглик

Ўзбекистонда миллий сиёсат қуйидаги тамойилларга асосланган:

— миллий тил, урф-одатлар ва анъаналарнинг ҳурмат қилинишини таъминлаш ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглигини таъминлаш;

— ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятига йўл қўймаслик;

— ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкура-лар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишини таъминлаш¹.

¹ Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи. Т., «Картография» илмий-ишлаб чиқариш давлат корхонаси, 2011, 70-б.

Қаерда мана шундай шартлар англаб етилмаса, таъминланмаса, жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келиб, тинчлик ва барқарорлик хавф остида қолиши мумкин. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар бунга далолат. Шундай экан, дунёда ҳанузгача фашизм, шовинизм, ирқчилик ғояларини тирилтириб, миллатларни бўлиб ташлаб ҳукмронлик қилишга уринаётган кучлар борлиги барчамизни ҳушёр торттириши лозим.

Собиқ СССРда барча миллат ва элатларни ягона «совет халқига айлантриш» сиёсий диктатураси Ўзбекистондаги миллатлар ҳаётида ўзининг аянчли асоратларини қолдирди. Ўзбекистоннинг Президент Ислон Каримов раҳнамолигида қўлга киритган мустақиллиги барча миллатларга ўзаро тенг, эркин яшаш ва ривожланишнинг конституциявий кафолатларини таъминламоқда. Миллатлараро тотувлик ғояси ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун шароит яратиб, уни ягона Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги сари сафарбар этмоқда. Ўтган йигирма йилда халқларимиз орасидаги дўстлик, тотувлик, ҳамкорлик, самимият бу ғоямиз рўёбини кўрсатди, дея оламиз.

Мустақил Ўзбекистонда ўрта ва олий таълим 7 тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ тилларида олиб борилмоқда. Миллий маданий марказлар қошида миллий тил, урф-одат ва анъаналарни ўргатиш йўлга қўйилган «якшанба» мактаблари ҳам фаолият кўрсатмоқда: Газеталар ўзбек, қорақалпоқ, инглиз, корейс, рус, тожик, туркман ва қозоқ тилларида — 8 тилда нашр этилмоқда. Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар 11 тилда олиб борилади. «Ўзбекистон Қаҳрамони» олий унвони билан тақдирланган 76 кишинининг ичида ўзбеклар ва қорақалпоқлар билан бир қаторда тожик, қозоқ, рус, украин, корейс ва араб миллати вакиллари бор. Бундай бағрикенг миллий сиёсат дунё тажрибасида кам.

Миллатлараро тотувликнинг ҳақиқий барометри — халқ фикри. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази тадқиқотлари натижаларига кўра, «Сизнингча, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ўзгардими?» деган саволга 2006 йилда сўрал-

ганларнинг 63,7 фоизи «Миллатлараро тотувлик кучайди», деб жавоб берган. 2010 йилда эса сўралганларнинг 79,4 фоизи шундай жавоб қайтарган.

Мамлакатда миллатлараро муносабатлар уйғунлигига энг кучли таъсир кўрсатувчи омиллар тўғрисида аҳоли фикри ўрганилган. Сўровлар республиканинг турли минтақалари аҳолиси онгида давлатимиз Раҳбари томонидан олиб борилаётган миллий сиёсат юксак даражада самарали, деган тасаввур барқарорлигидан далолат беради. Масалан, сўралганларнинг 94,6 фоизи «Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар яхшилигининг асосий омили Ўзбекистон Президенти олиб бораётган миллий сиёсатда» деб ҳисоблайди¹.

Инсоният соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар салтанатида эришилган умуммиллий уйғунликнинг гўзал намунасини яхши билади. Қадимий меъморий обидаларимизда битилган тасвирлар бунинг археологик (ашёвий) тасдиқлари, зуллисонайлик, аҳил қўшничилик анъаналари, толерантлик тамойиллари ҳозир ҳам амалда. Жаҳонга ибрат бу барқарор уйғунлик миллатлараро тотувликнинг шарқона моделини яратди.

Айни вақтда жаҳоннинг айрим минтақаларида кўп миллатлилик давлатнинг «бош оғриғи», деб бунинг толерантлик, мультикультурализм каби ечимлари изланмоқда. Биз эса кўп миллатлиликни қадрият, бойлик деб биламиз. Зеро, кўп миллатли мамлакат ранго-ранг гулли чаманзорга ўхшайди. Бу гуллар турфа ранг, анвойи ҳидлар таратиб, бири-бирининг ҳуснини очаётир. Ўзбекистон — 136 миллат ва элатларнинг зебо гулшани. У жаҳон маънавий-маданий майдонини беэмоқда. Бу гулшанга кўз тегмасин!

¹ Ўзбекистон умумий уйимиз (социологик тадқиқот). Т.: «Ижтимоий фикр», 2010, 87-б.

ЎЗБЕКИСТОН – ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ТОТУВЛИК ТИМСОЛИ

Динлараро бағрикенглик ғоясининг рўёби ҳақида

Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар – зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз.

Ислом Каримов

Карл VI нинг соҳибқирон Амир Темурга эҳтироми

Марказий Осиёга ислом динининг кириб келиши арафасида VI аср бошларида Самарқандда несториан епископи, VIII асрда эса несториан митрополити хизмат қилган. Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳудудларида насронийлар эмин-эркин яшашган. Умуман олганда, исломга қадар Марказий Осиёда 10 дан ортиқ турли динлар мавжуд бўлган, деб ҳисобланади. Ана шу анъаналарни ўзида мужассам қилган Ўзбекистон маданияти, ўз навбатида, нафақат ислом маданиятининг кейинги ривожига, балки инсоният маънавиятида толерантлик фазилатининг ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди.

Буюк Амир Темур исломни фанатизмдан холи, умуминсоний бир эътиқод, деб тушунган. Айни вақтда ўз салтанатидаги бошқа диний конфессияларга ҳам ғамхўрлик кўрсатган. Мардликка жавоб мардлик-да. Бу эса Европанинг чуқур эҳтиромини уйғотган. Бир мисол. Франция қироли Карл VI соҳибқирон Амир Темурга эҳтиромини шундай баён этган: «Сиз жаноби олийларига кўпгина насронийларга кўрсатган эҳтиромингиз, ғамхўрлигингиз ва тақдир этилган инъомларингиз учун ўз миннатдорлигимизни изҳор этгаймиз. Биз ҳам Сизнинг одамларингиз фойдасига, им-

кон бўлса, уларга мувофиқ ёки ортиқроқ муносабатда бўлишга тайёрмиз».

Амир Темурнинг Европа давлатларидаги элчиси — архиепископ Иоанн ўзининг «Memoire sur Tamer et sa cour» китобида Амир Темур шахсиятини шундай таърифлайди: «Темур ажнабий савдогарларни, хусусан, франк ва нарсонийларни яхши кутиб олади, уларга бутун юрти бўйлаб хавфсизлик, ғамхўрлик ва ёрдам кўрсатади».

Бундай эҳтиром ва эътирофлар бежиз эмас. Ватанимиз худудида ислом дини қарор топганига қадар зардуштийлик, буддавийлик, монийлик, христианлик, маздакийлик, шомонийлик каби динлар бирга яшаган. Узоқ йиллар давом этган бағрикенглик асосида ўша даврлардаёқ бетакроп толерантлик маданияти вужудга келган. Бу маданият динларнинг ўзаро бир-бирини бойитишига хизмат қилган. Масалан, зардуштийликнинг «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу иш» тамойили одамларни диний мансублигидан қатъи назар, ўзаро муносабатларда ана шу учликка амал қилишга даъват қилган. Бу эса тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шарти эди. Шу сабабли тарихимизнинг энг мураккаб даврларида ҳам бирорта диний можаро бўлмаган. Буларнинг бари халқимизнинг динлараро бағрикенглик борасидаги бой тарихий маданиятидан далолат эмасми?

Булардан динлараро бағрикенгликнинг миллий мафкурамизнинг асосий ғояларидан бири этиб белгиланиши бежиз эмаслиги аён бўлади. Бу ғоянинг бугунги мазмуни мана бундай:

«Динлараро бағрикенглик ғояси — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади. Қадим-қадимдан дин аксарият маънавий қадриятларни ўзига мужассам этиб келади. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлиқ.

Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади»¹.

¹ «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар». Т., «Ўзбекистон», 2001, 61-б.

Замона ташвиши

ЮНЕСКО 1995 йилни «БМТнинг бағрикенглик йили» деб эълон қилди. 1995 йилнинг 16 ноябрида 185 давлат иштирокида Парижда «Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси» қабул қилинди. Қандай яхши.

Бироқ... интернет сайтларида «Динлараро можаролар — замонамиз муаммосига айланди. Уларни тинчитадиغان Халқаро институт ташкил қилинмаса, бўлмайди», деган ташвишли хабар тарқалмоқда. Фарбий Украинада ҳам одамлар православлар ва грек-католик-униатлар орасидаги можаролардан жабр кўришмоқда. Индонезиянинг Малуку оролларида христиан ва мусулмонлар орасида жанжал чиққан бўлса, Нигерияда диний экстремистлар динлараро тўқнашувларни содир қилишган. Суданликлар, бир миллат бўла туриб, 1983 йилдан бери икки динга бўлиниб, ёқалашияпти. Уларни яраштиришга БМТ ва бошқа давлатлар овора бўлишаётир...

Динлар Шўро даврида

«Дин» сўзи «ишонч», «ишонмоқ» маъносида келади. «Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати»да у икки маънода: 1) ижтимоий-маънавий ҳаёт ҳодисаси, илоҳий кучларга ишонч-эътиқод асосида шаклланган ғоя ва қарашлар тизими; 2) борлиқни яратувчи ва бошқарувчи олий мавжудот, яъни Худога нисбатан муносабат, тасаввур, урф-одат ва маросимлар мажмуи, сифатида талқин этилиши ёзилади¹.

Коммунистик мафкура «Дин — афъюндир» деди. Бу шиор совет давлатига дин ва диндорлар билан қандай ишлаш кераклигини белгилаб берди: черков, монастыр, мачит, синагогалар ёпилди, портлатилди. Худосизлар жамиятлари очилди. Одамларга коммунистик афъюн ичирилиб, СССРда коммунизм деган жаннат яратиш ваъдаси берилди. Бу жаннат 1980 йили очилиши керак эди. Очилмади. 74 йил коммунистик жаннат учун миллионлаб қурбонликлар берилди ҳамки, бўлмади. Аксинча, СССР «халқлар турмаси», деган ном олди. Ўзидан инсониятга «Коммунизм — афъюндир», деган хулосани бериб кетди.

¹ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т., Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009, 139-б.

Ўша йиллари мусулмон, христиан, католик, буддавий эътиқоддаги одамларни «совет одами»га айлантиришга астойдил киришилди. Шўро даврида барча динларга тегишли 10 000 ибодатхона йўқ қилинди. Барча динларнинг руҳонийлари ГУЛАГга қамалди, отилди, сургун қилинди. Динларнинг асосида бағрикенглик бўлгани учун улар Сибирь ертўлаларида ҳам аҳил яшашган. Қишнинг аёз кунларида ертўлани иситишга ўтин тайёрлаш учун арранинг бир томонини протоирей, иккинчи томонини имом тортган.

Жафокаш жадид бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудий Ватан равнақи йўлидаги динлараро аҳилликни, ижтимоий ҳамкорликни, иш бирлигини шундай орзулаган эди: «Туркистон яҳудийлари, насронийлари ва мусулмонлари учун ҳаммаларининг манфаатларини эътиборга олатурғон қонунлар тузилсин. Агарда биз — Туркистон мусулмонлари хоҳласакки, дин ва миллатимизни иттифоқ этиб, бугундан ислоҳотга қадам қўйсалар... зиёли ва тараққийпарварларимиз, бой ва уламомиз бирлашиб, дин ва миллат, Ватан учун хизмат этсак»¹.

Дин — афюнмиди?

Динлар бизнинг юртимиз ижтимоий ҳаётида кишиларни бир-бирига бўлган муносабатларини меъёрлаштиришга ёрдам бермоқда. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, динлар:

— умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олиб, уларни ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган;

— одамларнинг баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган;

— одамларнинг ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган ҳамда ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлаган;

— умуминсоний маънавий қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишга ёрдам берган ва шу йўл билан маданият ривожига катта таъсир кўрсатган².

¹ Б. Қосимов. Миллий уйғониш. Т., «Маънавият», 2003, 21-б.

² И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // И. Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. Т., «Ўзбекистон», 1998, 52–53-б.

Динлар асрлар давомида нима яхши, нима ёмон, нима тўғри, нима нотўғрилигини ўзига хос асослаб, халқларни тарбиялаб келаётир. Дин – насиҳатдир, деган пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом. Дарҳақиқат, дин насиҳат қилса – саодатга, сиёсат қилса – ҳалокатга олиб борган. Бунинг мисоллари тарихда кўп.

Масалан, христиан педагогик фалсафаси «диндан ажратилган таълим-тарбия маънавиятдан айрилишга, таълим-тарбиядан ажратилган дин эса хурофотга айланишга маҳкумдир», деб ҳисоблайди. Христиан руҳонийлари ахлоқий қадриятларнинг эътиборсизлана бораётгани, «ҳамма нарсани сотиш ва сотиб олиш мумкин» бўлиб қолгани, «менинг ватаним бошқа ерда» дегувчи космополитлар ва порнография ташкилотчиларини танқид қилиб, Америка ҳукуматига маърифий ёрдам бермоқда¹.

Хитойда ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим қадамлардан бири – бу 1983 йилда Конституцияга диний эътиқод эркинлигини кафолатлашга қаратилган ўзгартиришни киритиш бўлди. Шундан сўнг мамлакатда диний қадамжолар ва диний удумлар қайта тиклана борди. 1990 йилда Хитойда 100 млн. буддист, 20 млн. мусулмон, 5 млн. протестант ва 4 млн. католик бўлган².

Шарқшунос олимларнинг фикрларига кўра, «Замонавий Шарқда Фарбга нисбатан анъанавийлик ва динийлик кучлидир. Бу уларнинг кам ривожланганидан эмас. Чунки миллий-диний анъаналар Шарқ учун ўз миллий «мен»и, этник қиёфаси, ахлоқи ва удумларини муҳофаза қиладиган, айниқса, глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган зирҳдир», – дейди³.

Будда диний таълимоти «одамлар орасида ўзаро ҳамкорликка, демократик, бағрикенг ёндашувга амал қилинг. Бошқаларнинг эътиқодларини қораламанг», дейди. Ўзига эргашувчилардан интизомли, хотиржам бўлишни, чиройли сўз, чиройли хулқ билан ўзидаги Мара (салбий куч)ни чидам ва ҳамдардлик орқали бартараф этишни талаб қиладди. Чунки «Инсон яхшилиқнинг моҳиятини чуқур тушу-

¹ И. Валентинов. Современная христианская педагогика на Западе. // Педагогический вестник, 1992, № 2.

² <http://www.chinastar.ru/rus/1/2>.

³ Л. Васильев. История религий Востока. М., «Университет», 2006, 264–268-б.

ниб, ҳис қилсагина, у яхшиликка қодир бўлади», — дейди. «Ҳар қандай ёмонликдан сақлангин, эзгулик улашгин, шум ўй-хаёллардан чекингин», деган Будда¹.

Конфуцийлик одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи билан эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, самимият воситасида камолотга эришиши мумкинлигини уқтиради. Индуийлик фалсафасига кўра, инсон ўз ҳаётида нимаики ёмонлик қилса, оқибатсиз қолмайди, бунинг учун, албатта, жазо олади.

Қуръони каримда бировнинг эътиқодига даҳл қилиб бўлмаслиги, динга ишониш инсонларнинг шахсий иши экани, бу уларнинг виждонига ҳавола қилингани аниқ ифода этилган: «Динда зўрлаш йўқ, зеро, тўғри йўл янглиш йўлдан ажрим бўлди», дейилади Қуръони каримда².

Қуръони каримнинг «Худ» сураси 118-оятда: «Агар Роббингиз хоҳлаганида эди, (барча) одамларни бир уммат (бир дин) қилган бўлур эди»³, дейилади. Ислом дини мазкур тамойил билан барчани ўз эътиқод ва маданияти йўлида эркин эканини кафолатлаган. Қуръонда кўп учрайдиган сўзлардан бири тинчликдир.

Имом Бухорийнинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламида диний ксенофобия учун асос бўладиган бирорта ғоя йўқ. Бу ҳам исломда диний бағрикенглик тамойилининг устуворлигини кўрсатади.

Кўринадики, дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланган ва яхшилик, тинчлик, дўстлик каби хусусиятларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Улар инсоннинг яшашдан асл мақсади бу дунёда хайрли, савобли ишлар қилиб, боқий дунё синовларига тайёргарлик кўриш, жаннат саодатига муносиб бўлиш эканини тарғиб қилади.

Хуллас, Президент Ислом Каримов сўзлари билан ифодалаянда, «дин бизнинг қон-қонимизга, онгу шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай куч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди». Шу

¹ Маданият, маънавият, дин: ҳамкорлик чегаралари. Буддавийлик. Т., А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси. Т., 2003.

² Қуръони карим. Т., «Чўлпон», 1992, «Бақара» сураси, 256-оят.

³ Ўша манба, «Худ» сураси, 118-оят.

боис ҳар бир ватандошимиз, айниқса, ёшлар, динлар одамлар орасида келишмовчиликлар учун диний сабаб йўқлигини, барча динларнинг асл инсонпарвар моҳиятини чуқур билиши лозим. Шундагина уларни диний ақидапарастларнинг, миссионер ва прозелит, ксенофобларнинг ғаразли сўзлари тўғри йўлдан чалғитолмайди.

Мустақил Ўзбекистонда динлар равнақи

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан одамларнинг диний туйғуларига ҳурмат, динлараро бағрикенглик тамойили баланд рутбага кўтарилди. 1992 йилнинг 2 июлида «Мусулмон фарзанди бировни кофир, бировни художўй деб тоифаларга ажратмайди... сабаби, бандасининг устидан бандаси эмас, худонинг ўзи ҳукм чиқаради. Шундай экан, бир-биримизни беҳуда айблаб, мен мусулмонман, сен кофир, деб таллашиб юришлар бизга тўғри келмайди», — деди Президентимиз¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддалари (18, 31, 61-моддалар) ҳамда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун ҳар бир инсоннинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини таъминлайди. Диний қарашларни мажбуран сингдиришни тақиқлайди. Давлат ва дин муносабатларини мувофиқлаштириш мақсадида бизда махсус идора — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита тузилди. 2004 йил апрелида республикадаги турли конфессиялар ўртасидаги тотувлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида ДИҚ қошида уларнинг раҳбарларидан иборат Конфессиялар ишлари кенгаши ташкил этилди.

Республика аҳолисининг 90 фоизидан зиёдини мусулмонлар, 4 фоизга яқинини православлар, қолганларини бошқа конфессиялар вакиллари ташкил этади. Республикада 16 конфессияга мансуб 2225 та диний ташкилот, жумладан, 2038 та масжид расмий рўйхатдан ўтган. (1991 йилда 146 та эди!) Республикада Тошкент ислом институти, Ислам университети, православ ва Протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда. Мустақиллик йилла-

¹ И. Каримов. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Т., «Ўзбекистон», 1992, 24-б.

рида юзлаб черков, синагога ва ибодат уйлари барпо этилди, таъмирланди. Улар қаторида Тошкент, Самарқанд, Навоийдаги православ ибодатхоналари, Тошкент шаҳридаги католик костёли, Самарқанддаги Арман-апостол черкови, Тошкентдаги Будда ибодатхонасини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1991 йил 20 июнь ва 1992 йил 27 мартдаги Фармонларига биноан «Ийд ал-Адҳа» (Қурбон) ва «Ийд ал-Фитр» (Рўза) ҳайитлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Истиқлол даврида 80 000 дан ортиқ Ўзбекистон фуқаролари ҳаж, 56 000 дан ортиқ киши умра ибодатини адо этди. (1990 йилгача ҳар йили 3–4 кишигина ҳажга борарди!) Ҳар йили бошқа диний жамоаларнинг юзлаб вакиллари Исроил ва Россиядаги муқаддас зиёратгоҳларга бориб келмоқда.

Мустақиллик йилларида Қуръони карим, пайғамбар Муҳаммад (САВ) ҳадислари, Библия (Янги аҳд), Қадимий аҳднинг баъзи қисмлари (Сулаймон ҳикматлари, Рут, Эстер ва Юнус пайғамбарлар тарихи) ўзбек тилига таржима қилиниб оммавий адалда чоп этилди. Ўзбекистон Қуръонни кўзи ожизлар учун махсус Брайл ёзувида нашр қилган дунёнинг учинчи мамлакати сифатида машҳури жаҳон бўлди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Ҳидоят» ойлик журнали 41000 нусхада, «Ислом нури» газетаси ойда икки марта 14500 нусхада, Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархиясининг «Восток свыше» журналы ҳар чоракда 1000 нусхада чоп этилмоқда.

2007 йилда Ислом конференцияси ташкилоти Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича муассасаси (ISESCO) қарори билан Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти» деган шарафли номга сазовор бўлди¹.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида кўп конфессиялик ижтимоий муаммо сифатида баҳоланади. Улар муаммонинг ечимларини қидиришаётир. Мамлакатимизда эса 16 конфессияга мансуб диний ташкилотлар эмин-эркин фаолият кўрсатмоқда. Чунки 16 хил эътиқод аҳли ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик мустаҳкам қонуний, маънавий пойдеворга қурилди. Уларнинг ўз фаолиятини амалга ошириши ва мамлакат ҳаётида фаол ишти-

¹ Ўзбекистоннинг этноконфессионал атласи. «Картография» илмий-ишлаб-чиқариш давлат корхонаси. Т., 2011, 9-6.

рок этиши учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб қўйилди. Бу эса мамлакатимиздаги барча дин вакиллариининг ҳамкор, ҳамжиҳатлигига мустаҳкам қонуний пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Уларни Бош миллий ғоямиз — «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт» барпо этишга сафарбар қилаётир. Бунинг яққол мисолларидан бирини Президентимиз Ислон Каримов шундай таъкидлайди: «Мусулмонлар ва христианларнинг Ўзбекистон заминида биргаликда ҳамнафас бўлиб яшаши диний-маърифий тотувликнинг нодир тимсоли ва барча дин вакилларига нисбатан бағрикенгликнинг энг яхши намунаси деб ҳисобланишига арзигуликдир».

Динлараро бағрикенглик мухолифлари

Диний ақидапарастлик, мутаассиблик. Динлараро бағрикенгликка қарши мафқуралардан бири диний ақидапарастликдир. Афсуски, бу жаҳолат айрим шахсларнинг бузғунчи ғоялари сабабли бошқа динлар равнақига ҳам, илм-фан равнақига ҳам тўсиқ бўлиб келган. Мана, улардан бири ҳақидаги тарих: Александрия архиепископи Кирилл 415 йили илм билан шуғулланган хотин-қизларни, динни ниқоб қилиб, ўлдиришга фатво беради. Жумладан, монах ва мутаассиб диндорларга машҳур математик, файласуф аёл Гипатинияни ўлдиришни буюради. Кутурган мутаассиб ақидапарастлар жазавага тушиб, ўтиб кетаётган олима аёлнинг йўлини тўсишади. Уни черковга судраб келишади. Денгиз чиғаноқларининг косалари билан тирик аёлнинг суякларидан гўштларини қириб олиб, ёқиб юборишади¹.

Миссионерлик ва прозелитизм. Улар (миссионерлар) маҳаллий халқлар ўртасида ерли халқ тилида чоп этилган жозибадор китоб ва журналларни ҳамда бошқа динларга киришга даъват этувчи лавҳалар акс этган видео-аудио кассеталарни бепул тарқатиб, шу орқали туб аҳолига мутлақо ёт бўлган ўзга дин ғояларини тарғиб қилмоқчи бўладилар.

Миссионерлик, прозелитизм, одамларни ўзга динга оғдириб олишга бўлган ноқонуний ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасида қонун билан тақиқланган. Қолаверса, дунёнинг деярли барча мамлакатлари қонунларида бу қилмиш тақиқланади. Чунки диний мазмундаги адабиёт-

¹ Психология религии. М., Мысль, 2000, 56-6.

ларни нотўғри тарғиб қилиш, уларни ғайриқонуний равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатиш фуқароларнинг виждон эркинлиги билан боғлиқ ҳуқуқларини амалга оширишига жиддий зарар етказди. Ҳар қандай диний секта ва ташкилотларнинг миссионерлик фаолияти билан шўғулланиши диний ва конституцион тамойилларга зид. Чунки бу қилмишлар одамларда ўз диний этиқодига шубҳа, ишончсизлик уйғотади; бир диндаги одамлар ўртасида низолар пайдо қилади; оила, қариндошуруғлар ўртасидан оқибат кўтарилади; ҳар бир халқ муқаддас билган, уни бирлаштириб келган маънавиятга путур етади; динлараро муносабатлар беқарорлашади.

Тасаввур қилинг: йигит ва қиз бир миллат фарзандлари бўла туриб, икки динга имон келтирган бўлса. Улар ҳатто севишиб турмуш қуришса ҳам бу оиланинг мустаҳкам бўлишига ким кафолат бера олади? Ўғил туғилса, унинг хатнаси нима бўлади? «Собиқ мусулмон» бандаликни бажо келтирса, уни фонийдан боқийга қай манзилдаги қабристонга, қайси урфларга кўра кузатиб қўйилади?

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонун бизни ана шундай аросат чангалларидан ҳимоя қилади. Яъни «Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қоиданинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар». Жиноят-процессуал Кодексининг 2161-моддаси «Ғайриқонуний жамоат ташкилотлари бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш» деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашиш, ундаш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ксенофобия. Ксенофобия (юн. хепох — «бегона», fobia — «кўрқув») — иррационал кўрқув ва бегоналарга нафратни

англатади. Ксенофобия бошқа дин, ирқ, қабила, миллат, маданият, ҳудуд вакилларига, чет элликларга қаратилиши мумкин.

Одатда одамлар ҳаёт ҳодисаларини, ўзгаларнинг урф-одатлари, хулқ-атворини ўз гуруҳларининг мезонлари билан ўлчашга мойил бўлади. Урф-одатлар «бизники» ва «бегона (у)ларники» деб иккига ажратилиб, ўзаро қарши қўйилади. Бунинг оқибатида «бизлар»ники «бегона (у)лар»никидан яхшироқ, деган хулоса томон борилади. Цивилизация тобора ривожланиб, глобаллашиб бораётганига қарамай, ксенофобия маънавияти сушт жамият, шахсларда иллат сифатида сақланиб қолмоқда. Хуллас, ксенофобия ирқчилик, антисемитизм, фашизм ва клерикал миллатчиликнинг бир кўринишидир. У жабрланувчиларга ҳам, ксенофобияни намоён этувчиларга ҳам бир хил зарар етказди, жамиятдаги барқарорликни, мўътадил инсоний муносабатларни бузади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунида фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини чеклаш ёки имтиёзлар белгилаш, уларнинг эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган¹. Қонунда биз учун ёт ва зарарли бўлган диний секталар фаолияти ёйилишининг олди олинди. Диний адабиётларни чоп этиш ва тарқатилиши тартибга солинди, қонун асосида назорат қилиниши йўлга қўйилди.

Ксенофобияни енгиш учун болани ёшлиқдан бағрикенглик (толерантлик) руҳида тарбиялаш талаб этилади. Миллий ғоя руҳида тарбияланаётган Ўзбекистон ёшлари ана шундай бағрикенг бўлиб улғаймоқда. Бу эса жаҳоннинг турли минтақаларида учраётган маънавий иллатлардан уларнинг пок бўлиб ўсишини таъминламоқда.

¹ Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги (янги таҳрир) қонуни. Т., «Адолат», 1998, 5-б.

ЛУДОМАНИЯ ЁКИ ЎЙИНБОЗЛИК ҲАҚИДА

Бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда.

Ислом Каримов

2010 йилнинг ёзи. Баъзи интернет клубларида ўсмир болалар Контра, Дота, Жета, «Контр страйк», «Варкрафт», «Бой без правил» (Қоидасиз жанг), «Blood Rayne» (Қонли ёмғир), «Left Dead» (Ўлимга маҳкум этилган), «Faggy» (Узоқдан таралган чинқирик) ўйинларини ўйнамоқда. Кўпчилигимиз бу беозор манзарага аҳамият бермаймиз. Бугун эса, келинг, бир аҳамият берайлик.

Ҳозир «Бола — бола», «Команда — команда» эмас, «Бола — компьютер» ўйинлари етакчи. Бунда бола 2—3 соат «шутер» ўйнайди. Шунча вақт ҳаракатсиз ўтиради. Асаблари, кўзлари зўриқади. Бир соат ўзини киллердек тутати — одам «ўлдиради». Бир соатда 1000 сўмини сарфлаб, жисмонан ва руҳан зўриқиб чиқади. Фолиб ё мағлуб бўлади.

Мунтазам равишда бундай жангари ўйинларни ўйнаган ёшларимиз қалбида ёвузлик, шафқатсизлик, зўравонлик каби иллатлар илдиз отиши аниқ. Чунки бу ўйинлар «қаҳрамонлари» фақатгина «кучлилар ғалаба қозониши», «ҳамма ишни куч билан ҳал қилиш мумкин»лиги, «зўравонлик, тажовузкорлик — кучлилик белгиси», деган хулосаларни тарғиб этади. Буни компьютерхоналарда ўйнаётган ёшларимизнинг гап-сўзи, ўзаро мулоқотида ишлатадиган иборалари, аралаш тиллардаги кўпол сўкинишлари билдириб қўймоқда. Бу дағал сўзлар эртага ота-онасига, ўқитувчиларига, синфдошларига қаратилмасмикин?!-

Ўйинга (болалар учун фойдалилари бундан мустасно) баҳони халқимизнинг ўзи бериб қўйган: «Ўйин туби — ўт

бўлар»; «Ел сўнгги – ёғиш, ўйин сўнгги – уруш»; «Ўйиндан ўймоқ чиқар, қозондан қуймоқ (ўймоқ – ангишводна)»; «Ўлимнинг чачвоғи – ўйин»; «Ножўя ўйин – синди-рар бўйин»; «Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар»¹.

Лудомания. Биз учун янги сўз бу. Олимлар бу сўзга «одамнинг кундалик ҳаётда жазавали ўйинларда кўп ўйнагани сабабли унинг ижтимоий, касбий, моддий ва оилавий қадриятларининг қадрсизланиши, ушбу соҳалардаги мажбуриятларига эътиборининг пасайиши», деган маънони бермоқдалар. Дунёда «Homo Ludens» – «ўйинбоз одам» ибораси истеъмолга кирди.

«Оммавий маданият» одамларнинг иш билан эмас, ўйин билан машғул бўлишидан манфаатдор. Чунки ўйин индустрияси уларга жуда катта даромад келтиради. Шунинг учун кейинги йилларда одамни жазовага туширувчи ўйинлар кўпайиб борапти. Ўйинларни ташкил қилувчи ўз бизнесменлари бор. Ўйин автоматлари, казинолар – Фарб «оммавий маданият»ининг «кашфиётлари». Уларда иштирок этувчиларнинг нияти – тез, бир лаҳзада ютиб, бойиб олиш. Ишлаб эмас, «ютиб олиш». Югуриб-елиб, терлаб, зўр бериб эришиладиган ғалабага жойидан қимирламай, ўтирган ерида «эришиш».

АҚШлик тадқиқотчи Р.Фолбергнинг фикрича, АҚШда «муаммоли гемблер» (ўйинбоз)лар АҚШ аҳолисининг 5%ини ташкил қилади. Канадада эса «муаммоли ўйинчилар» сони XX асрнинг биринчи ярмида 75%га ошган. Юқоридаги фактларга асосланиб, олимлар жунбишли ўйинларга берилиш ҳодисасини жамиятнинг муайян қисмига таҳдид солаётган ижтимоий муаммо, дея эътироф этмоқда.

Ўйинбозлик касалига чалинган ўсмир қанақа бўлади? Олимлар И.П. Короленко ва Т.А. Донских ўйинбозлик аломатларини шундай таснифлашган:

1. Ўсмирнинг ўйинда ўтказаетган вақти миқдорининг ошиб бориши.
2. Олдинги одатлар, қизиқишлар доираси торайиб, ўйин ҳақида кўпроқ ўйлаши.
3. Ютса ҳам, ютқизса ҳам ўйиндан чиқа олмаслиги.
4. Ўйин бошланишини орзиқиб кутиш, ўйинсиз қолганда безовта бўлиб, асабийлашиш.

¹ Ш. Шотурсунов, Ш. Шораҳмедов. Маънолар махзани. Т., Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2001, 399-б.

5. Тобора кўпроқ ўйнаш истаги, ўйинга тобора кўпроқ нарса тика бориш.

6. Ўйиндан ўзини тўхта олмай қолиши. «Бўлди, ўйинни ташладим», дейди, бироқ олдин бирга ўйнаган шерикларини кўрса, ўйин ҳақида гап очилса, ўйингоҳнинг ёнидан ўтаётганда қароридан тезда айниб қолиши.

7. Ота-онасидан ўйинга пул олиш учун ёлғон гапириши, ўғирлик қилиши.

8. Оила аъзоларидан, шифокорлардан ва бошқалардан ўзининг ўта ўйинпарастлигини яшириб, ёлғон гапириши кабилар ўсмирнинг ўйинпарастлигидан далолат беради.

Бугунги кунда ёшларнинг каттагина қисми бўш вақтларини интернет-клубларда ўтказяпти. Интернет фақат тижорат, иқтисодиёт, ҳордиқ, илмий маълумотлар олами эмас, балки ўйинлар ҳақидаги маълумотлар оламига ҳам айланди. «Игры @ mail.ru», «Ўйинлар ҳақида портал», онлайн ўйинлар, «Катта ўйинлар», «Енгил онлайн ўйинлар», «Браузер ўйинлар», «Мини ўйинлар», «Менинг олашим ўйинлари», «Оддий ўйинлар» порталлари бор. Бу ўйинлар бозорларда миллионлаб дискларда сотилмоқда.

Лудомания — касаллик

«Кибернетик лудомания» тушунчаси жаҳон медицина амалиётига расман киритилган касаллик номи. Киберлудомания — компьютер ўйинбозлиги. Компьютер ўйинларига ҳаддан ортиқ боғланиб қолишнинг асоратлари ёшларнинг ҳаёт тарзида, жисмоний ва маънавий соғлигида намоён бўлади.

Лудомания худди пиромания каби психик касалликдир. Россиядаги Бехтерев номидаги психиатрия институтида 7 йил давомида 16—57 ёшлар орасидаги 200 киши лудоманиядан даволаниб чиққан. Беморларнинг 190 нафари эркак, 10 нафари аёллар бўлган. Медицина фанлари номзоди, Одесса медицина институти доценти Константин Аймедов лудоманияни «жиддий касаллик» деб атайди: «Бизда лудомания сўзининг пайдо бўлганига энди икки йил бўляпти. Одамлар алкоголь ва наркотикнинг зарарлигини яхши билишади. Лекин лудоманиянинг касаллик эканини ҳам, оқибатларини ҳам сезишмаётир.

Одам ўйнаганда ҳаётда ҳис қила олмайдиган экстремал ҳолат, жазава, завқни туяди. Мисол учун мотопойга,

«осмон жанги»ни олайлик. Одамнинг ҳаётда бунга эришиши учун кўп вақт, билим, малака, маблағ керак. Ҳайинда-чи, озгина пулни автоматга ташлаб, кнопкаларни боссанг, бас. Осмонда жанг қилганда ҳосил бўладиган адреналин тошқини рўй беради», — дейди у. («Репортер» ахборот агентлиги, 2008 йил 28 ноябрь.)

Италияда лудомания синдромига чалинган беморларга ёрдам кўрсатиш расман йўлга қўйилди¹. 2005 йил Хитойда ҳам компьютерга боғланишдан даволовчи худди шундай клиника очилди. Пекин ҳарбий госпитали қошида очилган бу клиника, киберлудоманиядан даволовчи энг яхши касалхона ҳисобланади. Унда юзлаб беморлар кунига 50 АҚШ доллари тўлаб, 14 кунда даволаниб чиқмоқда. Даволашда беморлар терапия, дорилар билан бирга сузиш ва баскетбол ўйинларига жалб қилинади. Голландияда «Smith@ Jones Addiction Consultants» компаниясининг киберлудоманиядан даволовчи касалхонаси очилди. Касалхона бош врач, Кит Бэккер 2006 йилнинг январь ойида 13 ёшдан 30 ёшгача бўлган 20 киши даволаниб чиққанини айтади. «Улар соғайиб чиқишгач, компьютерни кўриб қалтираб, терлаб кетишди», дейди у.

«Ота-оналар болаларини телевизорда бериладиган ёмон нарсалардан чалғитиш учун уларга Game Boy ўйин мосламасини олиб беришади. Бизнингча, боғланиш ана шундан бошланади. Киберлудомания ҳатто 8 ёшли болаларда ҳам кузатилмоқда», — дейди у.

Бэккер госпиталига тушган касаллардан бири — 28 ёшли Хан ван дер Хейден: «Мен 8 ёшимдан видео ўйинларига боғланиб қолганман. Бир кунда 14 соатгача ўйнардим. Ўзимни тутиб туриш учун наркотик истеъмол қилардим».

Маълумотларга қараганда, энг «геймерлашган» мамлакатлардан бири Кореяда ҳар йили ўйинбозликдан 7 киши ҳалок бўлаётир.

Жумладан, 38 ёшли бир киши ўн кун узлуксиз ўйнаган. Фақат ухлаб олишга танаффус қилган, холос. Врачлар уни ... юраги ёрилиб ўлган ҳолда топишган.

Екатеринбурглик бир ўсмир 12 соатлик узлуксиз ўйиндан кейин мия инсультидан вафот қилган. «Болаларда мия-

¹ Татьяна Порецких. Лудомания. Неуёмная жажда азарта. (Ссылки по теме: психология, мечты и желания, кризис, здоровье и медицина, досуг). 07.08.2009.

нинг бундай жароҳатланиши камдан-кам учрайди. Уйин пайтидаги узлуксиз руҳий зўриқишдан бола миясининг қон билан таъминланиши бузилган. Боши айланган. Бироқ, жазавога тушган ўсмир ўзини ўйиндан тўхтата олмаган. У ўзининг ўлаётганини билиб турса ҳам ўйинни тўхтатмаган. Зўриқишдан мия томирлари ёрилиб кетган. Мияга қон келмай қолган. Ўсмир ўлаётиб ҳам ўйнайвергани кишини ҳайратлантиради, — дейди Екатеринбург болалар касалхонасининг наркология бўлими мудири Алексей Сулимов.

Энг яхши ўйинлар— миллий ўйинлар

Ҳар бир компьютер ўйини, у «аукцион» бўладими, «стратегия» бўладими, компьютерга боғланишни юзага келтириши мумкин. Чунки лудоман бир ўйинни тугатиб, шу заҳоти иккинчисига киришиб кетади. Айниқса, «шутер» ўйинларининг ёшлар, ўсмирлар маънавиятига таъсири хавфли. Чунки бунда сюжет бўйича биринчи шахс олдидан чиққан ҳаммани қириб, ўлдира олсагина ғолиб бўлади. Бу эса ўйинчи ўсмирлардан қанча тажовузкорликни, руҳий зўриқиш ва бузилишларни талаб қилиши ўз-ўзидан аён.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида ушбу муаммонинг ҳам ечими кўрсатиб берилди: «Бир қараганда, бу муаммо арзимас нарса бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ҳар қайси гўдак илк бор оламни ўз атрофидаги ашё ва буюмлар, жумладан, ўйинчоқлар орқали англашини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг инсон тарбиясидаги ўрни беқиёс экани аён бўлади. Ўйинчоқлар образи боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади. Гўдакнинг улғайиб, касб танлаши, келажакда қандай йўлдан бориши, ўзининг ҳаёт тарзини қандай ахлоқий-маънавий асосларга қуриши ҳам, ҳеч шубҳасиз, унинг болаликда қандай ўйинчоқлар билан ошно бўлиб ўсгани билан белгиланади».

Компьютер болаларимиз қўлидаги қўғирчоқ, ўйинчоқлар ўрнини эгаллаб олишга интилаётир. Демак, болаларимиз ўйнаётган компьютер ўйинларидаги образлар боланинг мурғак тасаввурига бамисоли тошга ўйилган нақшдек муҳрланиб, унинг онгида бир умр сақланиб қолади.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари «Юксак маъна-

вият — енгилмас куч» китобидаги ушбу ҳикматнинг нақадар ҳақлигини тасдиқловчи ўнлаб воқеаларни, ҳатто, фожиалар ҳақида маълумотларни тарқатмоқда. Жаҳоннинг турли мамлакатларида мактаб ўқувчилари томонидан содир қилинаётган жиноятларни эшитиб, этимиз жунжикади. Ўз синфдошларини отган ўсмирлар тергов пайтида бу ишни фалон-фалон компьютер ўйинлари таъсирида қилганини очиқ айтаётир.

Нега шундай бўлади? Чунки жангари ўйинлар оламига боғланган ўсмирнинг қизиқиш доираси тораяди. Уни келажак, ҳаёт, Ватан, ўқиш, спорт, санъатнинг ранго-ранг олами эмас, жангари ўйинларнинг жангари олами «ютиб юборади». У реал ҳаётга виртуал ҳаётдан олган жангари хулосалари билан қарай бошлайди. Унинг ниятларида асоссиз жиззакилик, тундлик ғолиб бўла боради. Бу эса унинг синфдошлари, қўшилари, тенгдошлари билан муносабатини бузади. Ҳеч бўлмаганда, у атрофида бўлаётган ўзгаришларга, янгиликларга, ўзининг, халқининг, Ватанининг келажакига лоқайд бўла боради.

Миллий ўйинларимиз — болаларни ҳаётга тайёрловчи беназир мактаб. Болалар 6—7 ёшдан бошлаб тенгдош, тенгқурлари билан ҳаракатли ўйинлар ўйнайди. Ўйинлар давомида инсоний муносабатлар, атроф-муҳит ҳақида маълумот олади. Муносабатларнинг ўзига хос «мактаби»дан ўтади. Каттароқ болалардан ўзини ўғил болача тутишни, қизчалар опаларидан у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутишни ўрганайди. Зеро, бола ҳаётда кўплаб ижобий фазилатларга ҳам, салбий қилиқларга ҳам дуч келади. Ёмонликнинг оқибатларини ҳам ўз даражаси ва даврасида кўради. Интизомлилиқ, уюшқоқлик, иродалилиқ, қийинчиликларга чидаб, енгиб ўтишни, бошлаган ишни охирига етказишни, мақсадга етиш учун бор кучини ишга солишни ўрганайди, «команда руҳи»ни ҳис қилади. Биргалашиб ҳаракат қилишни, курашишни, қийналиб бўлса-да, ғалаба қозонишни машқ қилиб, чиниқиб, тоблана боради.

Булар болаларнинг ақлий, жисмоний, маънавий оламини бойитади. Миллий ўйинларимиз ота-боболаримизни абжир, чидамли, иродали, довюрак қилиб тарбиялаган. Чунки улар ўйин орқали турли шартли ҳаётий тўсиқларни, «рақиблар»ни ўз кучи билан енгиб ўтишга ўрганган, чиниққан. Ўйинларда мардлик мақталиб, фирромлик

қораланган. Хуллас, ўйинлар болаларни катта ҳаётга тайёрлаш, курашишга, енгишга ўргатишнинг ўзига хос машқлари вазифасини ўтаган. Демак, миллий ўйинлар — бола миллат фарзандига айланишининг ажралмас шарти экан.

Шунинг учун бўлса керак, доно ўзбек халқи болаларнинг ёшига, жинсига мос ўнлаб ўйин турларини ижод қилган. Олимлар уларни буюмли ўйинлар, буюмсиз ўйинлар, доимий, календарь ўйинларга бўлишади. «Яшин-топалоқ», «Пакка», «Қора кўрдим», «Қувлашмачоқ», «Яшинмачоқ», «Тўп отиш», «Лаппак», «Беш тош», «Хола-хола», «Бобо така», «Оқ теракми — кўк терак», «Чори чамбар», «Шапалак» ва ҳ.к. Хоразм, Фарғона водийси, Самарқанду Сурхондарё, Қорақалпоқ болаларининг ўзига хос ўйинлари бор. Улар болаларнинг характери, жисмоний ва маънавий шаклланиши учун «машқ майдони» вазифасини бажарган.

Собиқ шўролар миллий қадриятларимиз қаторида болаларимизнинг миллий ўйинларини ҳам «эскилик сарқити» деб ҳўрлади. Фақат мустақиллик бу ўйинларни «оқлади».

Ўзликка содиқликда гап кўп экан. Мустабид шўролар даврида ҳам, шукрки, ўзбек ўзининг миллий, инсонпарвар болалар ўйинларини сақлаб қолди. Бугун жаҳон уни ўрганишга келаётир! Бир педагог айтиб берган мисол: япон педагоглари ўсмирларининг компьютер лудоманиясига берилиб, ҳаракатсизликдан соғлиғини, маънавий таҳдидлардан ўзлигини йўқотаётганини кўриб, чора қидира бошлашибди. Чунки бу миллат келажагини хавф остига қўйиши мумкин. Улар ёш японлар авлоди соғлиғини сақлаб қолиш давосини қидириб-қидириб...Ўзбекистондан топишибди. Шаҳру қишлоқларимизни кезиб, болаларимиз «замонавий эмас», деб ўйнамай қўйган ҳаракатли ўйинларни ўрганиб, тўплаб, олиб кетиб, ўзларининг суперзамонавий болаларига ўргатишаётган экан. Сабабини сўрашса: «Замонавий болалар ўйинлари ҳаддан ортиқ технократлашиб кетган, уларда инсоний руҳ, жозиба, завқ, туйғулар кам. Шунинг учун болалар ҳаракатли ўйинларга қизиқишмаётир. Инсоний руҳ, жозиба, завқ, туйғуларнинг бариси ўзбек миллий болаларининг ўйинларида бор», — дебди япон педагоги.

Ота-оналар, болаларингизнинг қандай ўйинларга ошно эканини биласизми? Ёшлар, сиз-чи, ука-сингилларингизнинг қандай ўйинларга ошно эканини биласизми?

«СЕВИШГАНЛАР КУНИ» — «ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» БАЙРАМИ

Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли балоқазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмақда.

Ислом Каримов

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида «оммавий маданият»нинг туб мазмун-моҳияти очиб берилди. Четдан, биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкинлигидан огоҳ этди. Алоҳида эътибор беринг: «Четдан», «биз учун мутлақо ёт», «маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган» «оммавий маданият» ёпирилиб кириб келиши мумкин.

Бу фикрда «оммавий маданият»нинг энг мукаммал, умуминсоний таърифи бор. Яъни «оммавий маданият» бу — бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона қадриятларимизга мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси», деса бўлар экан. «Оммавий маданият» бугун ёш йигит-қизларимиз онги ва қалби остонасига қараб ўрмалаётир. Шу боис ёшлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларда унга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун унинг мазмун-моҳиятини билиш лозим бўлади.

Кичкина хабар

«Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида: «Шуни унутмаслик керакки, бугунги кунда инсон маънавиятига қарши йўналтирилган, бир қарашда арзимас бўлиб туюладиган кичкина хабар ҳам ахборот оламидаги глобаллашув шиддатидан куч олиб, кўзга кўринмайдиган, лекин зарарини ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайдиган улкан зиён етказиши мумкин», дейилган. Ушбу ҳақиқатга интернет сайтларидаги мана бу кичкинагина икки хабар ҳам мисол бўла олади:

«Авлиё Валентин байрами» анъанаси азалдан нишонлаб келинади. Севишганлар бу куни бир-бирларига «валентинки» деб аталадиган отриткалар ҳадя этишади. Валентин куни арафасида энг яхши анимацияли отриткаларни бизнинг сайтимиздан сақлаб олишингиз мумкин.

* * *

«Валентин куни» энг севимли ва машҳур байрамлардан бири. Бу байрам календаримизда доим турса қанийди.

Хабарлардаги таги чизилган сўзларга эътибор беринг. Ўқувчига қандай хатти-ҳаракат қилиш кераклиги уқтирилмоқда. Натижа: 30 кун ичида кейинги саҳифани 14562 киши кўрган. 1071 нафари «Севишганлар куни»ни ўз шахсий календарига киритган.

Ҳа, «оммавий маданият»ни ясовчилар одамларга ёқимли, суюкли барча туйғулардан унумли фойдаланади. Ана шундай мавзулардан энг оммавийси — севги. «I love» ёзуви болалар, ёшлар кўзи тушадиган барча нарсаларни эгаллай бормоқда. Қиз, аёл тимсоли, сурати, ишқи, васфи. Бу мавзуга аҳолининг энг тажрибасиз, пулини ўйламай, тез ишлатадиган қисми (бозор тилида айтсак, сегменти) ўч. Булар — ёшлар. Ана шунинг учун бўлса керак, мода, кинолар ёзилган миллионлаб DVD дисклар, SMS андаза-табриклари, гламур журналлар муқоваларидаги суратлар, товар, концерт, косметика, спорт, парфюмерия, автомобиль, ресторанлар рекламаларида севги мавзуси ғолиб. Ўн қўшиқнинг тўққизтаси «севги ҳақида».

«Оммавий маданият»нинг ўзбеклар онги ва қалбига

тажовузи анча олдин бошланган. «Шум бола» фильмини бир эсланг. Унда бир жаноб Тошкент бозорида ўзбекларнинг бир тангасини олиб, эвазига «ойнаи жаҳони»дан аёлларнинг беҳаё суратларини кўрсатади. Ҳозир ўша жанобнинг неваралари боболари касбини давом эттираётир. Бу соҳани энциклопедияларга, индустрияга айлантиришди. Унинг номини ҳамма кўрадиган, ҳамма (оммавий) пул тўлайдиган, ҳамма тушунадиган «оммавий маданият» деб аташди.

Ўзбекнинг севгиси

Азалдан соф, инсоний севги барча халқларда олижаноб туйғу, мақсад ва масъулият билан безаб келинган. Унинг чегараси, меъёрлари, одоби ижтимоий фикр билан ҳимояланган.

Ўзбек учун севги — бошқаларга айтилмайдиган, кўрсатилмайдиган, кўз-кўз қилинмайдиган туйғу. Ҳар биримиз ота-оналаримизнинг муносабатларини эсласак, дўстлик ва севгининг бетакрор тажассумларини кўрамиз. «Фарҳод ва Ширин»даги Шириннинг, «Ўткан кунлар»даги Кумушнинг, «Меҳробдан чаён»даги Раънонинг севгиси нақадар инсоний, одобли, ор-номусли. Ишончли, иродали, иболи ва нозик.

Ёри Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган, бироқ, ёш бўлса-да, бошқа турмуш қилмай, якка ўтган табаррук моларимизни кўрганмиз. Улар ўзлари ҳам билмаган ҳолда ўзбекча олижаноб садоқат намуналарини сўнгги нафасларигача сақлаб, тарғиб қилиб ўтди. Улар садоқатнинг тирик рамзи эди. Улар ёш-яланг, каттаю кичикнинг чуқур эҳтиромида бўлди.

Ўзбек аёли, қизи садоқат, қаноат рамзи. Дунёнинг энг кучли тафаккур соҳибларининг муҳаббат ҳақидаги фикрларини ўқисак, уларнинг барчаси ўзбек аёли ҳақида айтилгандек туюлаверди. Мана улар:

«Севги — ахлоқнинг чечаклари. Соғлом ахлоқий негизи йўқ одамда олижаноб севги ҳам бўлмайди». (В.Сухомлинский)

«Туйғулар оламида битта қонун бор. Бу — севган кишингни бахтиёр қилиш». (Стендаль)

«Аёлнинг ҳусни қанча ошса, ҳаёси ҳам шунча ошиши керак.» (Ф. Ницше)

«Яхши аёл турмуш қураётиб бахт ваъда қилади, ёмон аёл — бахтни кутади.» (В. О. Ключевский)

«Халқларнинг ахлоқи аёлга ҳурматга боғлиқ.» (В. Гумбольдт)

Ўзбек аёли муҳаббатни ИНСОНИЙ (демак, умуминсоний даражада) тушунади ва шунга содиқ. Ана шундай садоқат тимсолига айланган ўзбек аёлларидан бири — атоқли шоира Зулфия эди. Унинг табаррук номи «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобидан жой олди: «**Нафақат ўз шеърлари, балки бутун ҳаёти билан ўзбек аёлининг маънавий қиёфасини намоён этган атоқли шоирамиз Зулфия хонимни ҳам мен ана шундай фидойи инсонлар қаторига қўшган бўлардим. Унинг жаҳон минбарларидан янграган шеърлари Шарқ аёлининг ақлу закоси, фазлу камолининг ёрқин ифодаси сифатида миллионлаб шеърят мухлисларига одамийлик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ берган, десак, муболаға бўлмайди.**»

Википедия: «Севишганлар куни»

Википедия эркин энциклопедиясида 14 февраль — «Севишганлар куни» ёки «Авлиё Валентин куни» ҳақида анча гаплар ёзилган. Уларга кўра, қадимги Римда Авлиё Валентин куни Луперкалий байрами — эротик фестивал сифатида нишонланган. Бу — «аёл худо» Жуно Фебруата билан «худо» Луперк ўртасидаги пўртанали ишқий муносабатлар билан боғланган. Христиан дини бу байрамга чек қўйган.

Ўрта асрларда Франция ва Англияда севишганларга пинҳона (ноқонуний) никоҳ ўқиб қўядиган авлиё Валентин ҳақида турли афсоналар тарқала бошлади. Шулардан бирида айтилишича, шафқатсиз Рим императори Клавдий II бир қонунни жорий қилади. Унга кўра, оиласиз, фарзандсиз эркак ватан учун яхши жанг қилади, чунки унинг йўқотадиган нарсаси бўлмайди, деб ёш йигитларга уйланишни, хотин-қизларга эса ўзлари кўнгил қўйган йигитга турмушга чиқишни тақиқлаб қўяди. Авлиё Валентин ўша пайтларда оддий роҳиб бўлган. Унинг севишган қалбларга раҳми келади ва бошқалардан яшириб, «бах-

ти қаро» севишганлар никоҳини ўқиб қўяверади. Гувоҳларсиз, ноқонуний, ярим тунда...

Унинг бу қилмиши ошкор бўлади. Роҳибни қамоққа олиб, ўлим жазосини белгилашади. Қамоқда у турма но-зирининг қизи Жулия билан танишади. Ўлими олдидан унга севги изҳори ёзилган юрак шаклидаги «валентинка»-ни юборади. «Ошиқ роҳиб»ни 269 йил 14 февраль куни қатл қилишади.

Католик черковининг баъзи епархияларида бу кун байрам сифатида эмас, балки «Авлиё Валентинни хотирлаш куни» деб нишонланади. XIX асрда Буюк Британияда қўлбола валентинкалар ишлаб чиқарила бошланди. Бу эса АҚШда байрамларнинг тижорийлашуви-ни бошлаб берди. Севги мавзуси ҳам тижоратлашди. Ундан кўп ва тез фойда олиш мумкинлигини билиб қолишди. Севгили сўзлар уфурган янги байрамлар пайдо бўла бошлади.

Барча мамлакатларда авлиё Валентин кунини байрам қилишга тарафдорлар ҳам, қаршилар ҳам бор. Умумроссия ижтимоий фикрни ўрганиш Маркази (ВЦИОМ) ва Юрий Левадининг таҳлил маркази маълумотларига кўра, Россия ёшлари орасида бу байрам кенг тарқалиб бормоқда.

Қарангки, «Севишганлар куни»ни байрам қилувчилар кўпайгани сари садоқат камайиб, ажримлар кўпая бормоқда. Ўша Россиянинг «Известия» газетасида мамлакатда кейинги йилларда ҳар 1000 оиладан 800 таси ажрашаётгани эълон қилинди. Оқибатда 400 000 нафар вояга етмаган болалар етимга айланмоқда. Турмуш қуриш ёшида бўлган, бироқ оила қурмаганлар сони 40 фоизга ошган¹.

Юзаки қараганда, инсоннинг энг олий туйғуларидан бўлмиш севги, муҳаббатга бағишланган бу байрамнинг нимаси ёмон, деган савол туғилиши табиий. Барча муаммо севгининг «ёшара бораётгани», тажрибасиз, вояга етмаганларнинг ўзини балоғат ёшидаги кишилардек «ҳис қилиши», камида уч-тўрт кун давомида («байрам»га тайёргарлик кўриш, уни нишонлаш, ўтгач «армон қилиш»!)

¹ <http://www.vokrugnovostei.ru/news/>

ёшларнинг ўқишдан, ишдан, ижтимоий ҳаётдан четда ушлаб турилиши, ушбу буюк туйғунинг бозорга солинаётганидир.

Дунёдаги қатор ёшлар ташкилотлари, динлар вакиллари ҳам бу байрамга салбий муносабатда. Чунки «Севишганлар куни»нинг негизида, эслатилганидек, қадимги Римда ўтказилиб келинган луперкалий эротик байрами ётибди. Бу байрамнинг динларга алоқаси йўқ, балки у барча динларнинг қадриятларига зид¹. Чунки Луперкалий байрамида ахлоқсизлик, тартибсиз жинсий алоқалар қўллаб-қувватланган².

Ёшлар ташкилотлари бу байрамга миллий маданиятга таҳдид сифатида кескин муносабат билдиришган. Унинг ўрнига ўз миллий маданиятларида оила мустаҳкамлигининг олий намуналарини, оила, севги ва садоқатни мадҳ этувчи қадриятларни нишонлаш таклиф этилмоқда. Чунки одамлар буюм бозорларида «Модная девушка» деган балоғатга етган, бир кўкраги очиқ, ўта калта юбка кийдириб қўйилган қўғирчоқлар, беҳаё ҳолатда турган қизлар сурати тагига шаҳвоний «изҳор»лар битилган «валентинка»лар сотилаётганини кўрмоқда. Уларнинг ёнида болалар учун капалак, дарахт, қуёнчаларнинг эмас, балоғат ёшидаги қизларнинг ножоиз суратлари билан «Наклей и раскрась» деган дафтарлар бор. Қизалоқларга бўялган суратларга қараб, ранг танлаб, ёнидаги эскизларни бўяш тавсия этилади. Булар 5 ёшли қизалоқларга 15 ёшли қизларнинг хаёлларини сингдиришдан бўлак нарса эмас. Агар инсон бутун умри давомида оладиган маълумотларнинг 70 фоизини 5 ёшгача олишини назарда тутсак, ота-оналар айнан шу ёшдаги болаларига бундай эрмакларни сотиб олиб бериши қанчалик зарарли эканини ўйлаб кўришлари керак.

Биз йигит-қизларимиздан «Севишганлар куни»га муносабат билдиришларини сўрадик. Мана, уларнинг жавоблари.

¹ Церковь не отмечает День влюбленных. Обобщение//РИА Новости-Поволжье, 14.02.2008.

² Мария В. Титова. День Святого Валентина: история праздника// ВСМ.ru , 03.02.2010.

Гулоро:

Ҳижрон ойларини алмашиб йилга,
Ҳавасга берилмай, қулф уриб дилга,
«Чидолмайман» демай, эрк бермай тилга,
Ориятни асраш — бу қандай юмуш,
«Севаман» демаган нимага Кумуш?

Қолоқ бўлганми ё — четда юрмаган,
Сериал кўрмаган, «чат»га кирмаган,
Интернет, «сотка»да кўнгил бермаган,
Кийиб жинси шим ё «мини», қўйиб «туш» —
«Севаман» демаган нимага Кумуш?

(Бобур Бобомурод)

Сирожиддин: Бу ерда қандайдир мантиқий хато бор. Яхшилаб ўйлаб кўринг — биров ўлган кунни байрам қилиш тўғрими?

Фаррух: Аслида бу бошқа эътиқод вакилларининг айёми. Биз уларни ҳурмат қиламиз ва ўз қадриятларимизни қадрлаймиз.

Солиҳа: Бу анъананинг томир отишига одамларнинг бефарқлиги «ёрдамлашиб» юборяпти. Интернетга кирсангиз, айрим «эстрада юлдузлари» шу кун баҳонасида концертлар бериб жарақ-жарақ пул ишляяпти. Уларнинг атрофидагилар ҳам бу луқмадан қуруқ қолишгани йўқ. Айрим ресторанлар эгалари ҳам пул дардида «севишганлар куни»ни кўкларга кўтаришмоқда. Хуллас, ёшларни алдаб, пулини шилишмоқда. Қанийди бундан кўрилаётган зарар фақатгина моддий бўлса...

Азиз: Нимагадир кейинги пайтда айрим ёшларимизда тақлид касали авж олди. «Севишганлар куни»ни нишонлаш ҳам айнан шунинг маҳсули дейман. Аслида севган инсонимизга фақат «Севишганлар куни»да эмас, ҳар куни меҳр кўрсатишимиз керак эмасми?!

Ўткир: «Севишганлар куни»нинг тарқалишида миссионерларнинг қўли бор. Улар одамлар ҳаётига ҳар хил бўлмағур одатларни киритишга ҳаракат қилишади. Бунинг учун уларга «кимлардир» яхшигина пул тўлаб туради. Бу муаммо нафақат ислом мамлакатлари, балки Европанинг ҳам «бош оғриғи».

Шохруҳ: Умуман олганда, одамда доимо ақл бирламчи бўлиши керак, ҳиссиёт эмас! Ҳиссиёт ақлдан устун турса, буни ожизлик деб ўйлайман.

Юлдуз: Бу кунни байрам қилиш ғоясини бизга четдан киритишга ҳаракат қилинмоқда. Эшитишимча, гул савдоси тижоратчилари, шоу бизнес билан шуғулланадиганлар бунинг тарғиботчилари экан.

Хуршид: Авлиё Валентин бизга қандайдир авлиёлик кўрсатганми? Ёки у бизнинг авлиё боболаримизданми? Бизнинг ўз боболаримиз, алломаларимиз камми?! Мен 14 февраль куни оиламиз кутубхонасига суратли «Бобурнома» китобини сотиб олмоқчиман. Чунки ул зот – менинг ҳам бобокалоним.

Жамила: Бу кунни Валентин куни эмас, Меҳр-муҳаббат куни, десак, ота-онамизга, турмуш ўртоғимизга, болаларимизга гуллар совға қилсак, яхши бўлади.

Рустам: Бошқаларнинг боболарига чалғимай, ўз боболаримизни қадрлашимиз керак. 14 февраль – Заҳириддин Муҳаммад Бобур бобомизнинг таваллуд куни. У кишининг таваллуди интернетда дунёнинг буюк зотлари қаторида турибди. Ўша куни ҳар биримиз Бобурнинг лоақал битта ғазалини ёд айтсак, у кишининг руҳларини шод қилган бўлардик, деб ўйлайман.

Хотима

«Севишганлар куни». Қулоққа, кўзга сарёғдек ёқимли, лекин миллат маънавияти, ахлоқи, саломатлигига ҳалокатли «фестиваль». Бу «байрамда» «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби бизни огоҳлантирган аломатларнинг ҳаммаси мужассам. Китобда «Табиийки, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпорлишга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди», дейилади.

Ғофиллик – қуролсизлик, огоҳлик – қуролланганлик, дейдилар. Тафаккур қилсак, «Севишганлар куни» деб тар-

ғиб қилинаётган байрамда юқорида бизни огоҳлантирган матнда таъкидланган тўрт таҳдиднинг ҳар бирига мисол топса бўлади: **1. Ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик** (аёлга инсоний муҳаббат билан эмас, жинсий лаззат объекти сифатида қараш, буни кўз-кўз қилиш. Ёшларнинг руҳий дунёсини издан чиқариш). **2. Индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш** («Билганигни қил, бир марта яшайсан. Лаззатлан, бошқалар билан ишинг бўлмасин. Улар ҳам билганини қилсин», деган қарашни урфга айлантириш). **3. Шунинг ҳисобидан бойлик орттириш** (сон-саноқсиз диск, валентинкиларни чоп қилиб сотиш, шоу, концертлар ташкил қилиш ва бир-икки кунда мўмай даромад олиш). **4. Бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпориш** (ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида минг йиллар давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибo ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар, қадриятларни йўқ қилиш. Уларнинг ўрнига бирорта халқ тан олмаган, кўп мамлакатларда тақиқланган ахлоқсизлик анъаналарига ёшларимизни ўргатиш, ёшлар маънавий оламининг дахлсизлигини бузиш).

Ҳар йили «Севишганлар куни» ҳақида фикр кўтарилган лаҳзада ёш йигит-қизнинг ўз фикр-муносабати уйғонади. Ана шунда улар: «Ҳақиқий, пок, инсоний муҳаббат одобини бой маънавий меросимиздан биламан. «Севишганлар куни»ни нишонлашни кимлар тарғиб қилаётир? Нега? Бундан кимга фойда, кимга зарар? Шулардан келиб чиқиб, мен ҳозир қандай йўл тутишим керак?» деган саволлар билан кутиб олсалар, адашмайдилар. Тенгдошларини ҳам огоҳлантирсалар — нур устига нур. Чунки «Севишганлар куни» қип-қизил юракчаларга ёзилган чиройли, бировлар ёзиб берган «изҳор»лар фарзандларимизни адаштириши мумкин. Огоҳ бўлайлик!

КЕЛАЖАК – БИЗНИКИ, МАРРА – БИЗНИКИ

XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб униб-ўсайтган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин.

Ислом Каримов

2008 йил баҳори

2008 йил миллатимиз тарихида энг завқли, улуғ йиллардан бири бўлиб қоладиган бўлди. Зеро, бунинг сабаби ўзи билан – «Ёшлар йили»!

2008 йилнинг баҳори ана шундай завқли ва шукуҳли бошланди. Осмонда ёшлар йили таровати, нафаси. Ёшлар йилининг гуллари билан оналаримизни, опа-сингилларимизни табрикладик. Оламини тўлдириб интизор кутганимиз кўклам келди. Баҳорий кайфиятни кўрмоқчи, туймоқчимисиз? Уйдан чиқинг. Обод маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳарлар, саришта боғу майдонларни кўринг. Йигит-қизларимизга боқинг. Ўзбек баҳори, Ўзбекистон баҳори бетакрор. Ёшлари ҳам.

Ўзбек фарзандларини бир ажиб меҳр билан суюди. Буни у гапирмайди. Ич-ичдан ҳапқириб туяди. Ўзи дунё миқёсида давлат сиёсати даражасида фарзандсевар, зурриёдсевар миллатлар тобора камайиб бораётир. «Бизни ҳеч ким қўллаб-қувватламаган, ҳар бир авлод ўз муаммоларини ўзи ҳал қилсин-да», деганга ўхшаш хулоса чиқади, уларнинг амалларидан.

Бизда болаларга ўзбекона муносабат устувор. Ўзимизнинг еб-ичишимиз, зару зебардан тежаб бўлса ҳам болаларимга бўлсин, деймиз. Болам деб яшайди ўзбек, деган

шеър ҳам бор. Ёш авлодга мана шу меҳр миллий давлати-мизнинг устувор сиёсатига айланган.

Бу миллий тамойил замон илмидаги «тараққиётнинг инсон омили», «инсон ресурслари» сингари иборалар маъносига тўла мос келади. Демак, ўзбек азалдан ўз тараққиётининг «инсон омили», «инсон ресурслари» тўғрисида қайғуриб келар экан-да. Бошқаларга бу нарса урф бўлганига 50–60 йил бўлган бўлса, ўзбекларда у 3000 йиллик анъана экан-да. Ким кимдан ўргансин энди?

Биз интеллектуал ижодда жаҳонга ибрат бўлган миллатлардан биримиз. Дунёга медицинани, алгебрани берган, уйда ўтириб Американи кашф қилган, ислом динини муқарраму мушарраф қилган, қоғоз ясашни, от минишини, деҳқончиликни ўргатган миллатмиз.

Демак, биз миллий юксалишни оқ қоғоздан бошлаётган миллат эмасмиз. Бунёдкор илм ва ижод кашфиётлари билан оламни обод қилган, ҳам дунёвий, ҳам диний тамаддунга ривож берган миллатмиз. Пайғамбаримиз «умматим илгари нимаси билан машҳур бўлган бўлса, шуниси билан машҳур бўлади», деган экан. Бизга қайта юксалиш даври келибди, бошланибди. Муборак бўлсин.

Нанотехнологиялар асрида

XXI аср нанотехнологиялар асри. Биз суперкомпьютерлар даврида яшайпмиз. Интернет дунёни ягона тўрға улади. Компьютер нима? Шартли равишда уни икки қисм — жисм (металл, пластмасса)дан ва ақл (дастурлар)дан иборат, деса бўлар. Олимларнинг фикрича, компьютернинг дастурлари унинг «қутиси»га қараганда 20 марта қиммат турар экан. Чунки «қути»ларни sanoat йўли билан бир кунда ўн минглаб чиқарса бўлади. Бироқ дастур бошқа нарса. У конвейерларда ҳар куни ясалмайди. У инсоннинг миясида «ясалади». Ҳамма бошларда эмас, билимли бошларда.

Биз дастурий таъминот, технологияларнинг истеъмолчисигина эмас, уларнинг ижодкори, ишлаб чиқарувчиси, сотувчисига ҳам айланишимиз керак. Акс ҳолда, биз бошқаларга илмий-назарий, дастурий, технологик қарам бўлиб қолишимиз мумкин. Президентимиз XXI асрни интеллек-

туал ёшлар асри, деб атади. Чунки энди дунёда, демак, Ўзбекистонда ҳам табиий ресурслар кўпаймайди, тобора камая боради. Интеллектуал ресурсни эса чексиз ривожлантириш мумкин. Бу ҳаёт — кураш майдони. Бу курашда ақллилар кучлиларни енгади.

Халқимизда «Бола азиз, одоби ундан азиз» деган мақол бор. Бу ҳам одам (компьютер) эмас, унинг маънавияти (дастури) қиммат эканини билдиради. Барча тилларда «келажак», «орзу-умид», «эртанги кунга ишонч», «ният», «режа», «мақсад» деган сўзлар бор. Бу сўзлар ўз-ўзидан ўша «дастур»ларни эслатади. Бизни ёшларимиз билан, умидларимиз билан боғлайди. Ана шунинг учун ҳам Президентимиз «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!» деганида ақлли, заковатли ёшларимиз кўз олдимизга келаверади. Зеро, жаҳонга Ўзбекистонни машҳур қилаётган спортчи, билимдон, санъаткор ёшларимиз сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Бу эса фарзандпарвар Президентимиз кўтарган ана шу машҳур даъват рўёбинини кўрсатмоқда. Ёшларимиз ҳозирнинг ўзидаёқ ўзларининг нафақат бошқалардан кам эмаслигини, балки айрим жиҳатлари билан ортиқ ҳам эканини исботламоқда. Жаҳонга машҳур ўзбек ёшларини санашга бармоқларингиз етмайди. Қўлга қалам, қоғоз олмасангиз санокда адашиб кетасиз.

Яна бир нарса кишини масрур қилади: Ўзбекистоннинг ер ости, ер усти ресурсларининг муайян қисмига ҳали қўл тегмаган, энди очилади. Ўзимизнинг, фарзандларимизнинг ризқу насибаси улар. Ёшларимиз эса интеллектуал ривож йўлига кириб бормоқда. Агар Япония, Корея, Сингапур сингари юксак ривожланган мамлакатларнинг ер ости, ер усти бойликлари деярли йўқлигини инобатга олсак, демак, бизда улар даражасига етиш учун камида икки карра кўп имконият бор. Чунки, айтилганидек, уларда табиий ресурс чекланган, инсон ресурси чекланмаган эди. Бизда эса табиий ресурс ҳам чекланмаган, интеллектуал ижод ресурслари ҳам беҳисоб. Мана шу эмасми, буюк келажакнинг нақд захираси! Мана шундай имкониятлар билан бирорта давлатдан кам бўлиш мумкинми?! Асло.

Мақтанишга йўйманг-у, билиб қўйган яхши

Кўпинча ватандошларимизнинг ўзаро мулоқотида гўзал бир ифтихор туйғуларини эшитиб қоламиз. Бир физик билан суҳбатлашиб қолдик. У «Президентимиз замонавий технологиялар, интеллектуал юксалишга алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Бу бежиз эмас-да. Масалан, агар биз нанотехнологияларни йўлга солсак, мана шу Қизилқумнинг бир челак қумини битта «Нексия» нархида сотишимиз мумкин бўлади. Чунки бизнинг қумларимизда микросхемалар учун керак бўлган кремний элементи миқдори жуда кўп», — деди. Балки бу гап тўғридир, балки физик олимимиз бир оз оширгандир. Лекин ўзбекнинг бир челак эмас, бир тонна қуми миллатга 10 минг АҚШ долларига тенг фойда берса, ёмон бўлмас. Шундай эмасми?!

Ўзбекнинг ҳар бир мақолида бир докторлик диссертациясичалик ҳикмат, эмпирик хулоса бор. «Оққан дарё оқади» деганида ҳам. Биз — тўлиб, тошиб оққан дарёмиз. Бизни бир муддат тўхтатиб туришди. Худога шукр, мана яна оқа бошладик.

Соҳибқирон Амир Темур даврини эслайлик, буюк алломаларимиз руҳига тиловат қилайлик. Чунки улар бизнинг аждодларимиз. Ўзбекистонни, миллатимизни бир зум Амир Темурсиз, Ибн Синосиз, Навоийсиз, Ал Бухорийсиз, Берунийсиз, Бобурсиз, Хоразмий, Насафий, Фарғонийсиз тасаввур қилиб кўринг-а. Шунда ҳам тасаввурингизда ҳудуд, она замин қолгандир. Табиати гўзал, серҳосил, серсув гўша. Номи довруқли улуғларга, бугунги ёшларга онабағир бўлган ягона Ўзбекистон бу. Улуғларимиз бугун ҳам бизларга куч, руҳ, қувват бермоқда. Мана шундай боболари, миллатпарвар Президенти, кўзларидан нур порлаб турган ёшлари бор миллат юксак марраларни белгилашга қодир. Зеро, шахснинг, миллатнинг буюклиги, характери, иродасининг қандайлиги унинг не марраларни кўзлаётганида кўринади.

Боболаримиз одам ва олам ҳақида илм тўплаб, тўплаган илмларини ҳаётга қўллаб, одамларнинг мушкулини осон қилиб келишган. Барчани Ўзбекистон деб гапиртириб қўйишган.

Биргина мисол, ўтган йили Президентимиз Мисрда буюк ватандошимиз Ал-Фарғоний ҳайкалининг очилиш маросимида иштирок этди. Бугунги мисрликлар уларнинг аждодларига кўплаб яхшиликлар қилган Ал-Фарғонийга, унинг Ватани — Ўзбекистонга миннатдорлик ҳисси билан яшашмоқда. Бугун — 2008 йилнинг мартада ҳам. Бу XXI асрнинг ёш фарғонийлари, хоразмийлари, бухорийлари, шошийлари, самарқандийлари, термизийлари, насафийларига аждодлар ёққан яна бир ибрат маъғи бўлди. Бу ўз илми билан Ватан, миллатга хизмат қилиш, шарафлашнинг, интеллектуал жасоратнинг гўзал намуналаридир.

Айтилганларга қўшимча қилиб, улуғ алломаларимизнинг ислом маданиятига, араб тили равнақига қўшган бебаҳо ҳиссасини келтирса бўлади. Ислом дини, гарчи Арабистон ярим оролига туширилган бўлса-да, уни туркистонлик алломалар, яъни бизнинг боболар баркамол қилганини мактаб ўқувчилари ҳам билади. Шундай экан, шарқираб оққан маънавият, илм-маърифат дарёси яна оқади. Оқа бошлади ҳам. Бу дарё Президентимиз ташаббуси, тинимсиз саъйи ҳаракати, раҳнамолигидан шиддат олди. Демак, Ўзбекистоннинг яқин келажакда яна дунёнинг интеллектуал марказига айланиши шубҳасиз. Белимиз улуғ бир ихлос, ишонч билан маҳкам боғланган. Бир йил эмас, ўн йилни ўйлаб марралар белгиланган.

Очиғи, бугунги 6-синф ўқувчиси билган нарсаларни биз билмаймиз. Масалан, улар VIII—IX асрларда Хитой императорларининг саройлари Самарқанд шишаси билан безатилганини ёхуд цивилизациялар тарихида буюк боболаримизнинг хизматини ифтихор билан айтиб беришади.

Шу эмасмикан, Президентимизнинг фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно бўлиши керак, деган ғояси рўёбининг нишонлари. Куч билим ва тафаккурда экан, улар бугуноқ кучли, бугуноқ бахтиёр.

Фидойилик

Фақат билимнинг ўзи бизни юксак марраларга олиб чиқа олмайди. Яхши тарбия кўрмаса, одам билимни ўз фойдасига, ватани, миллатининг эса зарарига ишлатиши

мумкин. Шунинг учун бизда азалдан тарбия устувор бўлган. Айниқса, фидойилик тарбияси. Фидокорлик нима? «Фидойи» — «содиқ», «кўнгилли»; «фидокорлик» — «ўз ихтиёри билан», «ўзидан кечиб, берилиб», «жонбозлик ва садоқат билан берилиб ишламоқ» каби маъноларни англатар экан. Ана шунинг учун ҳам 14 ёшли ўсмирни, 20 ёшли талабани, 30 ёшли ишчи, ходим, фермерни «оддий одамлар» даражасидан «фидокорлар» даражасига кўтариш керак.

Эндиги педагогик мақсад одамларга фидокорликни тушунтириш эмас, фидокорликни ўргатиш, кўрсатиш, деб белгиланиши керак. Чунки бизга фидокорлик ҳақида чиройли, ёддан гапириб берувчилар эмас, вазият тақозо қилган заҳоти (ўқишда, ишда ёки жамоат ишларида бўладими) фидокорликка тайёр йигит-қизлар керак. Демак, фидокорларни уларнинг кўнгилли, ўз ихтиёри билан, ўзидан кечиб, жонбозлик ва садоқат билан, берилиб ишлашларидан таниб олса бўлар экан.

Хўш, айти паллада қандай фидокорликлар қилиш мумкин? Бугун жон фидо қилишга зарурат йўқ. Чунки давлатимиз Ватан, фуқаро тинчлиги ҳимоясини кафолатли таъминлаган. Мамлакат тинч, барқарор юксалаётир. Демак, бизга «тинчлик шароитида, меҳнатда, ўз иш жойида кўрсатиладиган фидойилик», яъни ф и д о к о р л и к керак. Ватан равнақи, Юрт тинчлиги, Халқ фаровонлиги учун, бузғунчи ғоялар, информацион хуружларга қарши кўнгилли, ўз ихтиёри билан, ўзидан кечиб, жонбозлик ва садоқат билан, берилиб ишлаш тақозо этилмоқда. Ана шунда биз енгилмас кучга айланамиз. Инсон омилининг бор кучқудрати намоён бўлади.

«Бизларга бўлаверади»-ми? Йўқ!

«Бизларга бўлаверади», деб яшаш иллати бор. Бу иллат юқумли. Ундан ёшларимизни асрашимиз зарур. Аввало икки оғиз «бизга бўлаверади», деб ўйловчилар тўғрисида. Улар кимлар? Улар ҳам ўзимизнинг жигарбандларимиз. Улар ҳамма нарса, соҳада «минимум»дан қониқиб яшайдилар. Агар миллат бу эпидемияга учраса, урди худо. «Бизга «Нексия» эмас, «Москвич» ҳам бўлаверади»; электр

лампочка бўлмаса бўлмас, қора чироқ ҳам бўлаверади; асфальт эмас, шағал йўл ҳам бўлаверади; «аъло» бўлмаса, «қониқарли» ҳам бўлаверади; маҳсулот сифати жаҳон талаблари даражасида бўлмаса ҳам майли, бизга бўлаверади; болаларимиз 2–3 тилни эмас, бир тилни билса ҳам бўлаверади; газ труба ўрнига шланг улаб ёқса ҳам бўлаверади ва ҳ.к.

Бир мисол. 2007 йилнинг январидида бир хонадонда бўлдиқ. Газ яхши. Алангаси 20 см. — ловуллаб ёняпти. Иккинчи хонадонда паст — 7 см. Уй эгасидан нега бундай, деб сўраймиз.

— Печканинг тепасидан бир туйнук очсак, ҳаво кириб ловуллаб ёнади. Болға билан бир урса, туйнук очилади-қолади. Шу... сал қунтсизмиз-да. Бултур 2006 йилда ҳам қилолмадик-да, — дейди уй эгаси. Орадан яна бир йил ўтди — 2008 йилнинг январиди келди. Туйнук ҳали ҳам очилмаган. Чунки... «Бизга бўлаверади».

Аслида, «бизга бўлаверади» принципи ортида шахснинг ишёқмаслиги, танбаллиги, лоқайдлиги, беғамлиги, ўз ҳаёти, турмушини яхшилашдан эриниши, қаноат, камтарлик ниқобидаги қатъиятсизлик, қунтсизлик, ўзини қадрламаслик, ҳафсаласизлик, ғайратсизлик ётади. «Бизларга бўлаверади» илллати миллатни беғамликка, лоқайдликка, таназзулга фарқ қилади. Бу иллатни юқтирган йигит-қиз ҳаётда ўз ўрнини топа олмайди. Ахир ўз ўрни, жойини топиш учун уни суриштириш, қидириш керак-да.

Дунёда ким «бизга бўлаверади» деб яшаётган бўлса, ҳаёти фаровон эмас, ночор. Ким фидокор бўлса, кўнгилли, ўз ихтиёри билан, ўзидан кечиб, жонбозлик ва садоқат билан, ўзи ва халқни фаровонлиги учун берилиб ишлаётган бўлса, у бой-фаровон, бошқаларга ҳам ёрдам бермоқда. Демак, «бизга бўлаверади» деган маънавий иллатнинг касри иқтисодий ҳаётга ҳам урар экан, эгасини қашшоқ, бировларга муҳтож қилар экан.

Қарашлари ўзгармагунча одам ўзгармайди. Бу иллатга қарши фарзандларимизда маънавий иммунитет ҳосил қилиш учун ўқувчи-ёшларга ўз характери, иродаси, қарашларига танқидий муносабатни, ўз-ўзини тарбиялаш, такомиллаштиришни ўргатиш керак бўлади.

Зеро, Ўзбекистоннинг, ўзбекистонликнинг ҳамма нар-
саси зўр бўлиши керак. Шундай эмасми?

Келажак — бизники

Ўзбекистон яқин келажакда қандай бўлади? деган са-
волга жавоб аниқ: Ўзбекистон озод ва обод диёр, эркин
ва фаровон жамият бўлади. Бу жамиятни биров қуриб
бермайди, бошқа жойлардан юборишмайди ҳам. Юбо-
рилган жамият моделлари «меники узбекча билмайди»,
дейди. Демак, уни ўзимиз қурамыз. Қуряпмиз. Келинг,
келажакка бир бино деб қарайлик. Бу бино жуда улкан.
Унинг пойдевори, гиштларида 28 миллион бармоқ изла-
ри бўлиши керак. Ана шунда у бизники бўлади. Ўзимиз-
нинг замонавий, обод ва озод, эркин ва фаровон Ватан
бўлади.

Уни нималарга ўхшатса бўлади? Мисолини қаерлар-
дан олиш мумкин? Масалан, 2008 йилнинг март ойидан.
Ўзбекистондек улкан, маҳобатли давлатнинг ҳар бир квад-
рат метрини чиннидек тоза, обод қилган умумхалқ ҳаша-
рини эслайлик. Миллатнинг бир-икки кунлик ҳафсала-
си, уюшгани Ватанни чаманзор қилмадими? Қишлоқ,
маҳалла, шаҳрини обод тутиш одатга айланди. Бу сўнги
фикр бизники эмас. Буни биз Марғилон шаҳри маҳалла-
ларида эшитдик, кўрдик. 15—16 март кунлари умумхалқ
ҳашари деб эълон қилинган бўлса, мартнинг бошидаёқ
кўча, маҳалла, қишлоқлар чиннидек эди. одамларнинг
ўзлари ихтиёрий, озодалик одатига амал қилишибди. Бор
гап шу.

Миллат сафабар қилинди. Яшнаган қишлоқ, маҳалла,
овул ва шаҳарлар кўзларимизни яшнатди. Энди ана шу
сафарбарлик руҳини фермер даласида, профессор — ла-
бораториясида, врач — шифохонасида, тадбиркор — офи-
сида, санъаткор — саҳнасида, саноатчи — дастгоҳида маҳ-
кам тутиб, давом эттирса, бўлди. Натижа тез ва соз кела-
ди. Бирлашган миллатни излаб буюк келажакнинг ўзи
келади. Бунинг учун бир-биримизга «Айтгин дўстим, нима
қилдик, Ватан учун?» деган савол билан қарасак, шундай
бўлади.

«Менга нима?», «Менга қолибдими? Давлат бор, бо-

қиб, фаровон қилади-да», деган ўй ҳамма нарсани барбод қилади. Бугунги Ўзбекистон бу — бугунги БИЗ. Бугунги БИЗ — 2011 йилдаги ўзбекистонликлар. Бугунги биз 28 миллион ҳужайрадан иборат ижтимоий организм. Ҳар бир ҳужайра соғлом бўлса, ишласа, БИЗ саломат бўламиз, ишлаймиз. Шундай эмасми?

Биз

БИЗ деган миллий бирлик бевосита ва билвосита намоён бўлади. Миллат бирор умумий хавфга дуч келганда, бу бирлик яққол, бевосита кўринади. Айниқса, ҳар бир кишига тегишли, ҳар бир кишининг иштироки талаб этиладиган (масалан, Ватан ҳимояси сингари) вазиятларда. Бундай пайтда ҳамма бир-бирига эътиборли бўлади, мададкорга айланади. Агар бу воқеа миллатга хавф солса, ҳар бир киши ўз кучларини йиғади, ҳимояга шай, сергак туради.

У илгари ҳис қилмаган бир туйғуни — ўзи миллатнинг бир парчаси эканини туяди. Кечагина тирикчилик учун чекиб юрган ташвишларининг қанчалик арзимас, майда нарса эканини англайди. Ёнида, ҳар куни кўрган, таниш-нотаниш ватандошларига меҳрли қарайди. Ўзи ҳам меҳрли кўзларни кўради. Нега уларни илгари пайқамганига ҳайрон бўлади. Меҳрли қарашлар икки ватандошнинг худди икки кўлдек бир-бирига ёрдамга шайлигини кафолатлайди. Улар бир-бирларини бир қараш ё ярим сўз орқали тушуна борадилар. Бир-бирларига рост кўзлар билан сўзсиз: «Менга ишонинг, оқлайман» деб қараб турадилар. Касбидан, тилу динидан, ёши ва келиб чиқишидан қатъи назар. Бирор жойда янгилик бўлса, тез тарқалади. Ҳозиржавоб ҳамдардлик юксак даражага етади. Тезкор мадад худди «тез ёрдам»дек етиб боради. Бизнинг ижтимоий ҳамкорлик ғоямиз бундай шароитда мўътадил режимдан «тезкор мадад» режимига ўтади.

Бильярд ўйнагансиз, биласиз. Бир нуқтадан йўналтирилган тош тез келиб бошқа тошларга тетади. Ўзидаги кучни бошқаларга «бўлиб беради», улар ҳолатини ўзгартиради. Одам ҳам ёнидаги ватандошларига ёрдам берар экан, неча кишига ёрдами етса, шунча марта бойийди.

Миллий бирлик туйғуси миллат энергиясини ошира боради. Бундай миллат исталган дақиқада бу қудратни ишга солиб, қийин ва катта вазифаларни ҳал қила олади.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат! Бу — орзулари буюк одамлар жамияти дегани. Марралари баланд кишилар давлати. Куйидагилар юқорига босқисма-босқич, эволюцион кўтариладилар.

Биз эртамизнинг бугундан яхшироқ бўлишини истасак, оддий қоидага амал қилишимиз керак: бугун кечагидан яхшироқ, кучлироқ, билимлироқ бўлиб, кўпроқ ишлашимиз лозим. Зеро, миллий мафкурамизнинг бош ғояси аниқ. Рўёби яқин. Биз бугун орзулар манзилдан келажак — натижа манзилига бораётган миллатмиз. Тарих бир майдон бўлса эди, 2011 йилдан туриб 1991 йилга қарасак, қанча тез ва баланд юксалганимиз кўзга кўринар эди. Ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги ўсиш суръати, факт ва рақамлар, кўзларимиз кўриб, кулоқларимиз эшитиб турган ҳаёт динамикаси буни исботлаб бормоқда. Фақат қиёс учун бир ҳужжатни келтирамиз.

1983 йил собиқ иттифоқнинг нуфузли нашриёти «Мысль» «СССРда ислом. Совет Шарқи республикаларида секуляризация жараёнларининг хусусиятлари» номли қалин китобни чоп этган. Унда ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом дини, миллий қадриятларимизга муносабат қандай бўлгани бор жаҳолати билан кўриниб туради. Янги даврда туғилган ёшлар уларни кўрмаган. Шунинг учун ушбу китобдан айрим иқтибосларни келтирамиз:

«Диннинг салбий ролини кўрсатавермасдан, атеизмнинг жанговар кучини бор бўй-басти билан ишлатиш вақти келди».

«Эски, ўз умрини ўтаб бўлган анъана ва қадриятлар илдизини қуритиш қийин. Бунинг учун улар зарарли эканини моҳирона тушунтириш, кенг жамоатчиликни социалистик анъана ва одатларни мустақкамлаш учун курашга жалб қилиш керак».

«Қуръонда баён қилинган диний қоида, анъаналарни йўқотиш учун кундалик турмушга совет турмуш тарзини фаол жорий қилиш керак».

Бу кўрсатмалар бошқа республикалар қатори Ал-Бу-

хорий, Ат-Термизий, Марғиноний, Шошийларнинг Ватани — Ўзбекистонга нисбатан ҳам қўлланилган. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади, истиқлол туфайли, шукрки, Тошкент — Ислоҳ маданияти пойтахти деган эҳтиром ва эътирофга сазовор бўлди.

Ана шундай улуғларимиз ҳурматини жойига қўйиш, тарихий меросимизни тиклаш, уни кўз қорачиғидай сақлаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш давлат сиёсатига айланди. Мана шу биттагина қиёс ҳам биз эришган марра юксаклигини кўрсатмайдими?

МУНДАРИЖА

Миллий ўзликни англаш, маънавий тикланиш жараёнларининг назарий ва амалий негизлари асослаб берилган асар.....	3
Ҳал қилувчи уч йил тасвири.....	19
Буюк тикланиш йўли (биринчи мақола)	29
Буюк тикланиш йўли (иккинчи мақола)	38
Тўрт муқаддас сўз ҳикмати	46
Ўзбекистонда уйғониш бахти	53
Келаси замоннинг ҳозирги замонга айланиши	61
Бахти уйғонган халқ.....	71
Ҳал қилувчи кучнинг камоли	82
Ҳамнафас халқнинг мададкор бирлиги	95
Буюк бағрикенглик	108
Ўзбекистон — диний-маърифий тотувлик тимсоли	121
Лудомания ёки ўйинбозлик ҳақида	132
«Севишганлар куни» — «оммавий маданият» байрами	139
Келажак — бизники, марра — бизники	148

МУҲАММАД ҚУРОНОВ
ЭЗГУ ҒОЯЛАР РЎЁБИ

Тошкент «Маънавият» 2011

Муҳаррир О. Бозорова
Мусаввир М. Агьямов
Техн. муҳаррир Ш. Соҳибов
Мусаҳҳиҳ О. Пардаев
Компьютерда тайёрловчи Г. Отаскевич

Лицензия АІ №189, 12.12.2011 й. да берилган. Босишга 14.12.2011 й. да
рухсат этилди. Бичими 84×108/₃₂ Times гарнитураси. Офсет босма
усулида босилди. Шартли б. т. 8,40. Нашр т. 9,56. 200 нусха.
Буюртма № 2073А. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. 100047. Тошкент, Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй.
Шартнома 57-11. Тел.: (+998 71) 289-65-66.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
100000. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 2011.